

Нодирабегим Иброҳимова



Жодугар ёхуа 1000 йиллик ҳаёт

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Нодирабегим Иброҳимова



Жодугар ёхуд 1000 йиллик ҳаёт

Тошкент
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.512.133-312.9

КБК 84(5Ў)7

И 14

Иброҳимова, Нодирабегим

И 14 Жодугар ёхуд 1000 йиллик ҳаёт [Матн]:
фантастик кисса / Н.Иброҳимова. – Тош-
кент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. – 160 б.


ISBN 978-9943-28-703-7

Асар қаҳрамони Иброҳимнинг ҳаётида лўли киз
пайдо бўлгач, барчаси аёдар-тўнтар бўлди. Жоду-
гарлар авлодига мансуб киз унга абадий муҳаббат
ва тавқи лаънат ташлаб кетди...

Ўлимтопмас йиғит ва жодугар киз ҳаётидан
сўзловчи фантастик кисса сизни ўтмиш асрорлари,
сеҳр-жоду тилсимлари, инсоний туйғулар ва чин
муҳаббат воқеаси билан таништиради. Ушбу асар-
ни бир нафасда ўкиб, фантастика оламига саёҳат
қиласиз.

УЎК 821.512.133-312.9

КБК 84(5Ў)7



ISBN 978-9943-28-703-7

© Н. Иброҳимова, 2016

© «O'zbekiston» НМИУ, 2016

НОТАНИШ ЙИГИТ

... **А**гар ўша кунни шамоллаб қолганимда ёки бўлмаса йўлда бирор ходиса юз бериб ишимга бора олмаганимда буларнинг барчаси содир бўлмас эдими? Мен Уни учратмас ва умр бўйи ўзимнинг Жодугар эканимни билмай тинчгина яшайверардим. Балки бу тақдирдир. Вакти келиб, барибир кимлигимни билиб олармидим? Ўзлингидан қочиб қутулолмайсан киши. Ҳа, Ўлимтопмас билан танишган кунимдан бошлаб, ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. Ўшанда, баҳорнинг ёмғирли ва ўзгарувчан кунларнинг бирида одатдагидек ишга отландим. Мен шаҳар кутубхонасида кутубхоначи бўлиб ишлардим.

Ишим жуда тинч ва бир маромда кечарди. Олийгоҳни битирганимдан сўнг бу ерга бажонидил жойлашиб бир йил давомида хотиржам ишлаб юрардим. Китоб ўқишни болалигимдан яхши кўрганлигим

сабабли катта кутубхонам бўлишини орзу қилардим. Бу орзуим нисбатан амалга ошди, куним мана шу улкан жавонларда жойлашган китобларни ўқувчиларга топиб бериш, қайтариб олиш, вақт бўлганда ўзим ҳам мутолаа қилиш билан ўтарди.

Кутубхонага Унинг кириб келиши эътиборимни тортди. Сабаби у янги эди. Умуман, бу ерда янгилар кўп, бироқ бу йигитнинг хотиржамлик билан қадам ташлаши, эски услубда тикилган виқорли костюм-шими ва адабий тилда равон сўзлаши одамни ўзига тортарди. У кутубхонанинг доимий мижозлари бўлмиш талабаларга ҳам ўхшамасди.

– Кечирасиз, тарихий китоблар бўлимини кўрсам бўладими? – сўради у ёнимга келиб.

– Албатта, – шундай деб унга сўраган бўлимни кўрсатдим. Йигит анча вақт бир нечта китобларни йиғиб олгач, бўш столга ўтириб варақлай кетди. Мен ҳам ўз ишимда давом этавердим. Ора-сира унга назар ташлаб қўйишга ҳам улгурдим. У мутолаани тугатган шекилли, портфелидан каттагина қалин муқовали дафтарни олганча, унга нималарнидир ёзиш билан банд эди. «Илмий иш ёзаётган бўлса керак» деб ўйладим мен. Балки танлаган мавзуси

ўрта асрлар адабиётидир? Ҳар ҳолда, зиёли ва ўқимишли экани билиниб турибди.

Қизиқ, шу пайтгача келган-кетган инсонларга сира эътибор бермасдим, нега айнан Уни кузатиш менга завқ бағишларди, тушунмадим. Бир пайт йигит олинган китобларни қайтарди ва аввалги хотиржамлик билан кутубхонани тарк этди. Кутубхона ёпилишига ҳам ўн беш дақиқа қолганди, бир муддатдан сўнг бу ер китобхонлардан холи бўлди. Ҳар доимгидек ўқув столларини бирма-бир қараб чиқдим: бирор китоб қолиб кетган бўлиши мумкин. Шу асно кўзим қалин дафтарга тушди. Дафтар ўша йигит ўтирган стол четида қолган эди. Демак, боя ўқиб, ёзиб ўтирганда дафтари унутиб қолдирибди-да. Хай, майли, кўп бўлади бунақа ҳолатлар. Деярли ҳар кун кимдир блокноти, кундалиги ё бирор буюминини эсдан чиқариб эртасига сўраб келишади. Дафтарни олиб ўз иш столим тортмасига солиб қўйдим. Эртага албатта, келади. Дафтарнинг оғирлигидан керакли экани билиниб турибди. Шундай ўй-хаёллар билан ишхонадан чиқдим.

Уйда мени ёлғизгина онам кутмоқда.

Ҳар кунгидек бирор таом тайёрлаб, бирга кечки овқатни ейишга дастурхон

тузаб ўтирган бўлсалар керак. Ёмғир томчиларди, яхшиям соябон доим ёнимда. Онамни куттирмаслик учун тез-тез қадам ташлаб, бекатга чопдим. Шу пайт ортимдан кимнингдир:

– Тўхтанг, синглим! – деган овозидан сергакланиб ўгирилдим.

Мен томон шошганча келаётган бояги йигитга кўзим тушди. У намиққан сочларини қўли билан пана қилганча ёнимда ҳозир бўлди.

– Кечирасиз, яхшиям, сизга кўзим тушгани. Қарасам, кутубхона ёпилибди, – деди у шошганча.

– Ҳа, соат олтида ёнамиз.

– Биласизми, ичкарида бир нарсам қолиб кетибди.

– Ҳа, кўрдим, – дедим мен ундаги хотиржамлик ўрнини эгаллаган хаяжонни кузатарканман.

– Кўрдингиз!? – деди у аллақандай хавотир билан.

– Олиб жавонга солиб қўйдим. Эртага тўққизда келсангиз олиб кетаверасиз, – жавоб бердим расмийроқ оҳангда.

– Биласизми... у мен учун жуда муҳим дафтар.

– Тушунаман, бироқ мен ҳам шошаётгандим. Хавотир олманг, дафтарингиз ишончли жойда!

– Яхши... – деди у бироз енгил тортиб. – Эрталаб кутаман унда.

– Хўп, – шундай дегач, йўлимда давом этдим.

Кечки таомдан сўнг онам одатдагидай куним қандай ўтганини сўради. Мен ҳам оддий кун тарзимни кизиқарли қилиб сўзлаб беришга ўрганганман. Онам кунни билан уйда зерикади-да. Нафақага чиққанидан бери доимо уйда. Оиламиз катта бўлганида ҳам зерикмас эди. Фақат мен ва онам. Доим шундай бўлиб келган: эсимни таниганимдан бери. Ҳақиқатда... онам иккимиз ҳам бир-биримизга бегонамиз. Мен аслида асранди қизман.

...Онамнинг тақдири силлиқ кечган, деёлмайман. Катта мақсадлар билан Тошкентга ўқиш учун келиб талаба бўлганлар. Бироқ бир бевафо йигитнинг ваъдаларига ишониб, алданиб қолганлар. Хомиладорликлари аён бўлгач, йигитдан совчи жўнатишини сўраганлар. Бироқ... йигит ўз фарзандидан тониб, онамни ташлаб кетган. Буёқда онамнинг ота-онаси воқеадан хабар топиб, уларни «оқ» қилишган. Шаҳарда чорасиз қолган онам ўқиш жойида ҳам шарманда бўлмаслик учун хавфли бўлса-да боладан қутулганлар. Афсуски, бу хато бир умр-

га таъсир қилди: онам бошқа фарзанд кўриш бахтидан мосуво бўлдилар. Шу тариқа, онла ҳам қурмадилар. Била туриб бировни бефарзандлик чоҳига итаролмасдилар. Ёшлари ўттиздан онганда болалар уйидан бир қизни асраб олганлар. Яъни мени... Мана, йигирма йилдан ошибдики, биргамиз. Менга оналик меҳрини берган бу аёлни ўз волидам деб биламан. Ўз ота-онам ҳақида эса ҳеч қандай маълумотга эга эмасдим. Очиги, мени ташлаб кетган инсонларнинг кимлигига қизиқмаганман ҳам.

Шуларни ҳаёлдан кечирарканман, онамнинг тиззасига бош қўйиб бироз тин олдим. Бир умр ўқитувчилик қилиб, болаларнинг бошини силаган онам майин қўллари билан менинг ҳам сочларимни аста силардилар.

— Илоҳим тўйингни кўрайин... — деди онажоним. Ҳар доимги истак. Бироқ мен турмушга чиқиб кетсам, онам ёлғиз қолади. Шунинг учун ҳам қўшнилар тили билан айтганда «бахтим очилмаяпти». Совчилар сўраб келишади. Барчасига бир шартимни айтаман: шу ерда онам билан яшашга рози бўлган инсонга турмушга чиқаман. Қисқача қилиб айтганда, ичкуёв бўлишга кўнадиган номзод керак. Лекин бундай йигит топилмади. Онам бу иста-

гимга қаршилар. Яхши оила бўлса, ўзга уйга келин бўлиб кетишимни истайдилар. Тўғри, фақат мени ўйлабгина шундай дейдилар. Ўзлари ҳам мендан айрилишга асло чидолмасалар керак.

Шахсий ҳаётим ҳақида бугун кўп ўйлаб юбордим, чоғи. Билмадим, балки ҳалиги йигитни учратганим учундир... Шу пайтгача бирор йигитга кўнглим жиз этмаган эди. Доим бўлажак турмуш ўртоғим оилапарвар, ўқимишли, тушунган бўлса дердим. Энди эса... майли, буёғини ўйлашни тўхтатиб, ухлашга ётдим.

ЗАНЖИРДАГИ СИР

Ишга ҳар кунгидан эртароқ келдим. Ҳалиги йигитдан аввалроқ келиб, дафтарини кўргим келди. Майли, тушунарсиз жумлалар бўлса ҳам унинг ёзуви мени негадир қизиқтирарди. Билмадим, бир кун ичида бир одамга шунчалик қизиқиб қолиш мумкинми? Балки унинг нима мавзуда изланаётганини билиб олсам, ёрдам берарман, ахир бой захирага эга жойда ишлайман-ку. Шуларни ҳаёдан ўтказиб кутубхона зинасидан чиқар эканман, катта эшик ёнида ўша йигитнинг кутиб турганига кўзим тушди.

– Салом, – деди у менга яқинлашиб.

– Яхшимисиз?

– Яхши эрта келдингиз... кутиб тургандим.

Бирга ичкарига кирдик. Дафтарни унга олиб бердим. У дарҳол портфелига солиб:

– Катта раҳмат. Йўқотиб қўйганимда чакки иш бўларди.

– Ха... илмий изланишларингизми? – сўрадим барибир қизиқиш билан.

– Шундай деса ҳам бўлади... аниқроғи кундалигим. Ҳаёт йўлимни тадқиқ қиламан, – деди у кулиб.

– Ўҳў, жуда кўп ёзган экансиз, сабрингизга қойил. Ҳозир ҳеч ким кундалик ёзмайди. Масалан, менинг ҳам ҳафсалам йўқ.

– Ёзиб қўйилмаса унутилиб кетиши мумкин... – деди у жиддий тортиб. – Майли, энди мен кетақолай. Излаганим бу кутубхонада йўқ экан. Бошқаларига ўтишим керак.

– Қайси китоб керак эди ўзи?

– Номини ўзим ҳам аниқ билмайман. Ўрта асрларга оид сулолалар ҳақида.

– Ха, майли... – шундай деб хайрлашдик. Сўнг эғнимдаги куртка ва шарфни ечиб илгакка илдим. Ортига ўгирилаётган

йигит туйқус менга назар ташлади. Бўйнимга синчиклаб тикилганини кўриб, бироз ўнғайсизландим. Кейин унинг бўйнимдаги занжирга қараётганини пайқадим.

– Чиройли экан... – деди йигит бироз хижолат чекиб. – Шунчаки тарихий ашёларга қизиқаман. Буни қаердан олгансиз?

– Ха, бу занжирми? – дедим уни ушлаб назар ташларканман. – У туғилганимдан бери мен билан бирга.

– Шундай денг? Мерос экан-да...

– Балки... – дедим мужмалланиб. Сабоби бу занжир менда умр бўйи бўлганини билсам-да, ким берганини билмасдим. Онамнинг айтишича, мени асраб олганида у бўйнимда бўлган экан. Балки она меросдир... Чинданам қадимийлиги биллиниб туради. Қумуш занжирга илинган яшил тошли қулон. Яшил тоши ўртасида қизил нуқтаси бор. У менга бахт келтиришига ишониб, сира ечмасдим.

– Бир кўрсам бўладими? – йигит қизиқишда давом этди.

– Бемалол... – шундай деб унга занжирни ечиб бердим. У занжирни нақ ўн беш дақиқа кузатди. Зиқ бўлиб кетдим.

– Мен... мен излаётган буюмга жуда ўхшар экан, – деди у овози бироз титраб. – Унинг ҳақиқий эгаси бўлсангиз... демак, сизни ҳам излаганман.

– Тушунмадим... нега излайсиз? – дедим занжирни унинг қўлидан оларканман.

– Келинг бу ҳақда... холирок ерда гаплашамиз. Ишингизнинг тугашини шу ерда кутиб ўтираман.

– Кечгача-я? Ҳозир айтаверинг, хали китобхонлар ҳам йўқ.

– Кутаман, – у шундай деб охириги столга бориб ўтирди ва қалин дафтарини олиб ўқишга тушди.

Кун бўйи хаёлим у нима ҳақда гаплашишини ўйлаш билан ўтди. Занжир ва мени излаганмиш... Балки у бу занжирни танир? Мендан аввал кимда бўлганини билар. Унда... асл ота-онамга алоқадор бирор сўз айтар. Ҳа, аниқ шундай. Эҳтимол, қариндошим чиқиб қолса ҳам ажабмас. Шуларни ўйлаб баттар ҳаяжоним ортди. У эса менга ора-сира қараб қўяр, унинг ҳам аллақандай ҳаяжон чулғаб олганини сезиш қийин эмасди.

Ниҳоят, иш куним ҳам тугади. Китобхонлар тарқагач, мен аста унинг ёнидаги стулга ўтирдим. У эса менга дафтари ичидан бир эски суратни кўрсатди. Унда занжир тасвирланганди.

– Бу ўшами? – деди у.

Суратга тикилдим: рангсиз эканини айтмаса меники билан бир хил эди.

– Агар тоши яшил бўлса, демак меникидан экан. Ҳар холда, айнан шу бўлмаса керак? Бу анча эски расм-ку?

– Айнан шу. Сабаби бу тақинчоқ ягона нусхада. Ҳалигача тош ичидаги тошни кўрмаганман. Яшил тошнинг ичида кичик қизил тоши бор. Қизил тошнинг... нур таратганини пайқаганмисиз?

– Йўқ. У оддийгина тош, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Тушунарли... демак, хали... ҳа, майли бу ҳақда кейинроқ. Хуллас... гапни нимадан бошлашни ҳам билмайман. Бу онларни жуда узоқ кутган бўлсам-да...

– Тўғрисини айтаверинг, – дедим ичимдагини сочиб. – Сиз менинг ота-онамни танийсизми? Бу тақинчоқни билсангиз, демак мендан аввалги эгасини танирсиз. Мерос бўлиб ўтган бўлса... чин оиламни биларкансиз-да?

– Чин оилам, дейсизми? Ҳозиргисичи...

– Мени асраб олишган, – дедим борини айтиб. – Ҳақиқий ота-онамни билмайман.

– Гап буёқда экан-да... – йигит ўрнидан турди. – Шунинг учун ҳам тақинчоқ ҳақида билмайсиз. Уни оддий матоҳ деб тақиб келгансиз. Тушунарли, тушунарли...

– Билганингизни айтинг унда!

– Айтаман. Барини айтаман аста-секин. Бунга тайёр бўлишингиз керак.

– Эй, худо, жуда эзма экансиз, – дедим ичим қизиб.

– Вақтингиз бемалол бўлса, бафуржа гаплашамиз...

Соатимга қарадим: кетишим керак, ойим хавотир оладилар.

– Ундай бўлса... эртага дам олиш куни. Тушлик вақти кутубхона ёнида кўришсак бўладими? – дедим ўзимни бироз босиб олгач.

– Яхши. Фақат, албатта келинг... Тақинчокни ҳам олиб келишни унутманг.

– Майли, яхши қолинг.

Барини тезроқ билишни истасам-да, оёқларимни базўр судраб уй сари кетдим. Ойимга бугунги гапларни айтмадим. Аввал ўзим тўлиқ билиб олай. Ўз ота-онамни топган тақдиримда ҳам... ойимга айтмаслигим керак. Кўнгилларига тегиши мумкин. Қайдам... уларни топсам учрашишга ўзимда журъат тополаманми? Билмадим. Э, ўзимча нималарни ўйлайман-а? Хали у йигит нима ҳақда гапиради, билмайман-ку? Эҳтимол, тақинчоқ билан боғлиқ бошқа сирлар бордир. Эртагача ўйламай кутиш керак, бўлди...

АҲМОҚОНА АФСОНА

Тушлик вақтида айтилган жойда ҳозир бўлдим. У ҳам келиб, шу атрофдаги ўриндикда ўтирган экан. Саломлашдик.

– Ҳалигача исмингизни билмайман, нима деб чақиришни ҳам... Меники Иброҳим, – деди у ёнгинамиздаги тамад-дихонага бошларкан.

– Фарангиз.

– Бу ҳақиқий исмингизми?

Кулдим.

– Сохтаси ҳам бўладими? Машҳур инсон бўлсамки, таҳаллусдан фойдалансам, – дедим кўрсатилган стулга ўтиргач.

– Шунчаки... тақинчок эгасининг исми бошқа бўлиши керак эди.

– Нима экан?

– Нурангиз.

Дамим ичимга тушиб кетди. Жимиб қолганимни кўриб у сабабини сўради. Ҳайратга тушишимга сабаб йўқ эмасди: бунини хатто унутиб ҳам юборган эдим. Мени ҳеч ким бу исм билан чақирмаган, бироқ менга асл ота-онам томонидан қўйилган исм шундай эди. Бу ҳақда бир вақтлар ойим айтган эдилар. Ойим бу исмнинг маъносини тушунмаганлари учун-

ми ёки янги ҳаёт бошласин дебми, менга Фарангиз исмини берганлар. Шу-шу ҳамма мени Фарангиз деб атайди.

Ичимдаги гапларни айтсамми, деб ўйладим. Демак, чинданам у ота-онамни билди. Хатто улар менга нима деб исм қўйишганидан ҳам хабардор! Айтишим керак, албатта.

– Адашмадингиз. Асл исмим Нурангиз.

– Унда нега...

– Ойим асраб олгач, ўзгартирганлар.

– Исмни ўзгартириш тўғри эмас. Нурангиз ёғду, ўзидан нур таратувчи деган маънони билдиради. Бу сиздаги тош билан боғлиқ. Хамманинг тақдири ўз исм-шарифи билан боғлиқ. Шунинг учун сизни кўп изладим, чоғи. Майли, нима буюртма қиламиз?

Бизга қахва келтиришди. Овқатланишни истамадим, ҳозирги ҳолимда томоғимдан қахва ҳам зўрға ўтарди.

– Тахмин қилишимча, ҳақиқий ота-онамни танийдиганга ўхшайсиз, – дедим сабрим чидамай.

– Афсуски, йўқ. Аммо аجدодларингиз ҳақида маълумотга эгаман. Улар жуда узоқ йиллик тарихга эга. Ўзингиз ҳам... биласизми улар ҳақида?

– Ҳатто туккан онамни билмайман, аждодларга йўл бўлсин, – деб кинояли кулдим.

– Такдирингиз бундай кечганидан афсусдаман. Эҳтимол, онангиз сизга ўз қобилияти мерос бўлиб ўтишини истамагандир, сизни бошқа муҳитда катта бўлишингизни истагандир...

– Тушунмадим... қанақа қобилият?

– Ўзингизда ҳеч ғалати ҳиссиёт сезганмисиз? Ич-ичингиздан нимадир юз беришини истасангиз, шу амалга ошганми?

– Ҳм... албатта. Ўқишга киришни, яхши ишга жойлашишни, ойимнинг саломатлигини истаганман...

– Йўқ, умумий нарсалар эмас... Дейлик, манави шамни... – у нариги столда ўчиб турган шамни кўрсатди. – Ёнишини истайсиз. Нигоҳларингиз билан бунга амалга ошира оласизми?

– Қизикмисиз? Нима, мен сеҳргарманми сизга? Ўзи ҳамма гапингиз ғалати...

– Ҳали кўп гаплар олдинда. Вақти билан билиб оласиз. Фақат барини табиий қабул қилинг. Бу дунё сиру асрорларга тўла, барчаси сиз ўйлагандек оддий эмас.

– Бўпти, гапнинг индаллосини айтинг энди. Бу такинчоқ, шам, қобилият, ҳаммасининг бир-бирига нима алоқаси бор ўзи?

– Индаллоси десангиз, майли. Сизга аждодларингиздан сеҳрли куч, яъни жодугарлик илми ўтиши керак эди. Аммо керакли муҳит, машқ ва билим бўлмагани учун ҳали ўтмаган кўринади. Майли, кутамиз ва ҳаракат қиламиз бунинг учун... Тақинчокқа келсак, у сизга мерос. Бундан минг йил аввалги она бувингиздан қолган. Яхши сақланган. У фақат қиз фарзандларга сеҳр илми билан бирга мерос бўлиб ўтиб келган. Онангиз одатга риоя қилиб уни сизга берган. Демак, тўнғич бўлгансиз. Сизда жодугарлик қобилияти очилса, тақинчокдаги қизил тош ҳам ўша лаҳзаларда ўзидан нур таратади... кейин...

У яна нималардир гапирди. Ҳеч нима ни тушунмасдим: у менга қанақадир эртак айтарди, чоғи.

– Энди тушунгандирсиз? – деди у гапини якунлаб.

– Шу сафсатани айтиш учун чақирган бўлсангиз, эссиз вақтим. Асл исминини қаердан биласиз, билмадим-у, аммо қолган гапларингизнинг бари эртак. Тўғри, ишонувчанман, аммо овсар эмас. Кўп ўқийвериб, миянгиз ҳам суюлиб қопти! – дедим ўрнимдан туриб.

– Шошманг... нима, мени алдаяпти, деб ўйлаяпсизми? Менга бундан нима

наф? Ўзим ҳам тахмин қилгандим: бори-ни айтиб ё жиннига чиқаман ё ёлғончига. Барига амин бўлиш учун вақт ва имкон беринг. Гапимни исботлайман!

– Меникига ўхшаш тақинчок суратини топиб, эҳтимол қандайдир мифларга ишониб қолгандирсиз? Яхшиси, рухшуноста учранг. Жодугарликмиш? Онам жодугар бўлгани учун мени ташлаб кетган эканда? Жудаям асосли факт! Тавба қилдим! Яхши қолинг, мен кетдим!

У ортимдан эргашиди.

– Нурангиз!

– Менинг исмим Фарангиз!

– Фарангиз, ҳали сиз билан кўп нарсалар ҳақида гаплашиб олишимиз керак. Ахир, ахир сизни шунча йиллардан бери излаб, зўрға топдим!

Уни эшитмасликка интилиб, бекатда дуч келган автобус сари чошиб чиқиб олдим. У улгурмади. Автобус кетидан бироз югурдию, сўнгра қолиб кетди. Биринчи кўрганда туппа-тузук таассурот қолдирган бу йигит тоза тентак чиқди-ку? Аввалига одамни қизиқтирди, кейин кутган гапларингни эмас, қаердаги афсоналарни сўзлади. Ҳатто ота-онамни ҳам билмайди. Асл исмимни қаердан билди, шу менга сир бўлиб қолди.

ИЛК ЖОДУ

Ўйлаганимдек, душанба куни у кутубхонага ҳеч нима бўлмагандек кириб келди. Ўзимни уни танимаганликка олиб ишимни давом эттиравердим. Унинг қўлида аллақандай тит-пити чиқиб кетган эски китоб. Ҳар ҳолда, бу ерники эмас. Столга ўтирганча анча варақлади. Кейин жиддий тарзда ёнимда пайдо бўлди.

– Сизга исбот керак бўлса, топаман, дегандим. Мана, – у салом-аликни ҳам йиғиштириб ёнимга бояги китобни қўйди. – Бу жодугарлик китоби. Муқовасига қараб ўтирманг, муаллифи ҳам, нашриёти ҳам берилмаган. Сабаби бу жуда эски китоб.

– Хўп, нима қилай? Сехргарлик ҳақида эски-туски китоблар бизда ҳам тўлиб ётибди, – дедим энсам қотганини яширмай. – Истасангиз, олиб берай...

– Сизларники фантазия, холос, – у ҳам кесатди. – Марҳамат! Мана бу сатрларни ўқинг... – у чўнтагидан кичик шамча чиқарди, – шунга нигоҳларингизни тиккан ҳолда.

– Сиз ҳалиям шам ёқиш дардида юрибсизми? Эй, худойим-эй!

– Бу сеҳр энг оддий ва бошланғич дарс деса ҳам бўлади. Умуман, сиз ҳаммасини билсангиз керак деб, бундай китобларни йиғиштириб қўйгандим. Туни билан ахтариб топдим.

– Эски сандиғингизданми? – яна кесатдим.

– Устимдан кулишни бас қилиб, шуни ўқинг, илтимос.

– Шу билан тинч қўйсангиз, бажонидил! – дедим унинг тезроқ бу ердан кетишини истаб.

Йигит атрофга назар ташлади.

– Ҳамма мутолаа билан банд. Пичирлаб, нигоҳингизни дам-бадам шамга қаратишни унутманг...

– Хўп-хўп... – китобга қараб менга нотаниш тилда ёзилган беш-олти қаторлик жумлаларни тиришиб базўр ўқидим. Қанақа тил бўлсаям жуда ғализ экан. Ора-сира у айтгандек шамга бокдим. Шу билан кўнгли тинчиса, майли.

– Бўлдими? – дедим ўқиб бўлгач. – Хўш, шам қачон ёнади энди? Эртагами?

– Сиз буни ҳазилга оляпсиз, тушунаман, Фарангиз... Илтимос, бор фикрингизни жамлаб, унга ишониб ўқинг.

– Кечирасизу, мен ўзим тушунмаган жумлаларга ишаноолмайман.

– Бу ҳеч қандай диний дуолар эмас, хавотир олманг. У шунчаки жодугарлик илми...

– Яна бошланди! Майли, охирги марта! – фикримни жамлаб, ёнимдагиларни унутдим. Кўзларимни юмиб бироз тин олдим. Сўнг маттни ўқидим: бу сафар у осон тўюлди. Шамга нигоҳларимни тикдим. Бу сафсатага ўзим ишонаётгандим, худди. Жумлани тугатишим билан... йигитнинг қўлидаги шам пов этиб ёнса бўладими!

– Вой! – бакириб юборганимдан ҳамма китобхонлар биз тарафга қарашди. Мен эса ҳозиргина ўчиб турган шамнинг аланга олганига оғзим очилганча қараб турардим.

– Бўларкан-ку! – деди Иброҳим, – демак, сиз чиндан ҳам ўшасиз. Қаранг, тақинчоғингизга!

Дархол уни қўлимга олиб тикилдим. Қизил тошчаси ожиз нур таратарди. Бир неча сониядан сўнг эса ўчди.

– Нима бу... – дедим тилим айланмай, – жоду, жоду...

– Жодугарлик. Сиздан ҳақиқий жодугар чиқади!

– Бунча хунук сўз... – бир нуқтага тикилганча хаёлимни йиғишга уриндим. –

Ҳозир бўлган ҳодиса кўзимга кўринмадими ишқилиб?

– Ҳозир жодугар деганда ёвуз кампирлар кўз олдимизга келади, тўғри. Аммо бу сўз қачонлардир фақат кучли сеҳр эгаларига нисбатан айтилган. Жоду деганда ёмонликни тушунманг.

– Ҳеч нимани тушунмаяпман, шундоғам. Шу шамни мен ёнирдимми?

– Менимча, бугунга етарли. Яна эсингиздан оғиб қолманг, – қулди у аҳволимга қараб. – Кеча менинг устимдан кулаётгандингиз? Ҳали бунақа жодулар олдинда. Мен сизга барини ўргатаман!

– Нега, нима учун? – ичимдаги саволларим кўплигидан қай бирини сўрашни билмасдим. – Нега менга ўргатишингиз керак? Сиз кимсиз ўзи?! Менчи? Мен...

– Эртага келаман. Унгача дам олинг... – У шундай деганча хайрлашмасдан кетиб қолди. Орқасидан саволларим бежавоб қолаверди. Ана энди... туни билан ухламаслигим аниқ.

Лекин уйга келиб ойим билан бирга овқатландикда, ўтириб гаплашишга ҳам мажолим етмай донг қотиб ухлаб қолибман. Эрталаб базўр бошимни кўтардим.

– Турақол, Фарангиз, ишингга кечикма яна. Уйқучилигинг йўқ эди-ку, қизим.

Нонушта тайёр... – оймнинг овозларидан сергакланиб соатга қарадиму, чой ҳам ичмай ишга шошдим.

Келишим билан Иброҳимни изладим. Келмапти. Иш билан чалғий десам-да, икки кўзим катта нақшинкор эшикда бўлди. Тушга якин у бамайлихотир кириб келди.

– Бу сафар тушлик қилсак... – деди у саломлашгач. – Яна кечагидек китобхонларни чўчитиб юборманг, дейманда.

– Яхши...

Биз холироқ қаҳвахонага кирдик.

– Нима айтамыз?

Нима истаса буюришини айтдим.

– Кечаси яхши ухладингизми? – сўради у билгандек.

– Қизиқ... қотиб ухлаб қолибман.

– Бу табиий ҳол. Сехр кучингизни олади, тўйиб ухлаш орқали кучни қайта тўплайсиз. Шунинг учун кеча етарли, дегандим. Бўлмаса иш вақти ухлаб колардингиз. Бу дегани, жодунинг ҳам меъёри бор...

– Кечаги ходисани яна бир синаб кўрмоқчиман, – дедим мақсадга кўчиб.

– Бу сафар бошқа усул, кейинги босқичларга ҳам ўтиш керак... – деди у таом келтирилгач. – Ундан аввал овқатланиб олинг, бехол кўринасиз.

Нонушта қилмаганим учун чинданам очикқан эдим. Тезгина овқатландик.

— Мана, энди бир пиёла чой устида суҳбатлашсак бўлади, — у кўйнидан кечаги эски китобни чиқарди. Белгиланган бетни очиб, менга кўрсатди.

— Бу ҳам оддий усуллардан. «Совутиш» дейилади. Йўқ, сиз ўйлаган иссиқ-совуқ эмас. Кечаги усул «Аланга» эди. Бу унинг акси. У кўп асқатиши мумкин: авваллари жодугарлар ёнаётган уйлар, одамлар, буюмлар, ҳаттоки бутун бир кишлоқни шу дуо билан ўчиришган.

— Айни пайтда бирор нима ёнаётгани йўқ, шекилли, — атрофга алангладим.

— Ана... — у қаҳвахона каминига ишора қилди, — кейин яна ёқа оласиз-ку?

— Яхши... — кўрсатилган жумлани диққат билан ўқидим, каминга бор эътиборим ила назар ташладим. У шу заҳоти ўчди!

— Кутганимдан ҳам тезкор экансиз, сизга ўргатиш учун кўп вақт кетади, деб ўйлагандим.

— Доим аълочи бўлганман, — кулдим. Негадир бугун барини табиий қабул қилаётгандим. Худди юз йилдан бери жодугарлик билан шуғулланаётгандек. Аммо саволларим жуда кўп эди. Бироқ Иброҳим

бари вақт-соати билан аён бўлишини айтишдан чарчамасди.

– Энди ёқинг гулханни, – буюрди у. – Мана, кечаги дуо.

– Эсимда... – қизик, кечаги тушунарсиз жумлалар ёдимда қолган эди. Каминга тикилиб пичирладим. Кутганимдек, у гуруллаб ёнди. Кичик қаҳвахонада биздан бошқа кимса бўлмагани учун бемалол ишимни бажарардим.

– Тасанно! Хотирангиз кучли экан. Бу китобдаги ҳамма дуоларни ёдлаб олсангиз, ҳали кўп асқатади. Олинг, сизга бу... менга барибир керак бўлмайди.

– Сиз... сизни ҳам сеҳргар деб ўйлагандим, рости.

– Йўқ, менинг қонимда бундай қобилият йўқ.

– Менга ўхшаганлар атрофда кўпми?

– Мен фақат бир-иккита авлодни билман. Асосан сизнинг авлодингизни. Ҳозир бўлса бордир, улар ҳам сизга ўхшаб ўзининг кимлигини билмай яшаб келар.

– Аждодларим ҳақида сўзлаб беринг!

– Албатта, вақти келиб...

– Яна шу гап! Унда яна бирор сеҳр ўргатинг.

– Бугунга бўлди. Чарчаб қоласиз...

– Бўлмаса, ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг.

– Жуда қизиқувчансиз-да, Нурангиз. Сизни шундай чақирсам майлими?

Бош силкидим.

– Ўзим ҳақимда гапирсам, бу қаҳвахонада бир неча кун ўтиришимизга тўғри келади. Сизга бир кун кундалигимни бераман.

– Ҳалиги қалин дафтарними?

– Ҳа. Ундан мен ҳақимда барча қизиққан саволларингизга ортиғи билан жавоб оласиз.

– Келишдик...

КУНДАЛИКДАГИ БИТИКЛАР

Икки ой ичида анча-мунча нарсани ўрганиб олдим. Ёзги таътил бошлангандан сўнг кутубхона деярли бўшаб қолди. Менинг ишим ҳам кам. Кутубхонада ўтирганча Иброҳим берган китобни ипидан-игнасиғача ўрганиб бўлдим. У ора-сира келиб, ўрганганларимни текширарди. Бугун ҳам келди. Кутубхона кимсасиз эди, бемалол ўтириб гаплашдик.

– Қаранг! – дейман унга мақтаниб, – анави эшикни истасам оча оламан: қўл ва оёқсиз! Узокдан, нигоҳларим билан...

– Биламан, Нурангиз. Лекин беҳуда иш килишдан фойда йўқ. Жодуни фақат ўта зарур ҳолларда ишлатинг.

– Ҳа, кўп айтгансиз... амал қияпман. Тузукроқ сеҳр ишлатганим ҳам йўқ. Уйда чироқ ўчиб қолса, имконим бўла туриб қоронғида ўтираверамиз!

– Бу фожиа эмас-ку? – кулади Иброҳим. – Жодуни инсон ҳаёти хавф остида қолганда, унга ёрдам керак бўлганда, яъни, фақат ўзгалар учун ишлатинг.

– Унда менга нима фойда? Ҳм...

– Жодугарлар ўз қобилиятларидан сира мамнун бўлишмаган, ўзи. Сизнинг минг йил аввалги катта бувингиз ҳам нукул тажанг юрарди.

– Худди кўргандек гапирасиз? – куламан мен.

Иброҳим бир муддат жим қолди.

– Кўрганман, – деди сўнг кўзларимга қараб. – Энди ўзим ҳақимда сўзлаб берсам ҳам бўлади...

Вужудим қулоққа айланиб унга тикилдим. У ҳақда билишни кўпдан кутар эдим.

– Менга неча ёш берасиз? – сўради у.

– Мм... йигирма олти-еттилар бўлса керак.

– Деярли яқин келдингиз. Бир мингу йигирма еттидаман.

– Минг?! Инсон бунча яшаши мумкин эмас... – дедим унга бошдан-оёқ назар ташлаб. – Ёки... сиз инсон эмасмисиз?

– Нега энди, оддий одамман. Фақат... жодуланган одамман. Бундан минг йил олдин ўлимтопмас дуоси ўқилган сеҳрли шаробни ичганман... уни севганим тайёрлаганди. Аммо маън этилган бу жодуни сизнинг ўша, тажанг бувингиз пайқаб қолди...

– Хўш... Кейин-чи? Севганингизга нима бўлди?

– Жуда узун тарих, – Иброҳим кириб келган икки-учта китобхонларга имо қилди. – Вақтингизни олмай. Яхшиси, мана, кундалигимни ўқиб чиқарсиз, – у менга дафтарини тутқазди. – Ўқиб бўлгач қўнғироқ қилинг.

– Бунини ўқишга бир ой ҳам етмаса керак, – дейман оғирлигидан қўлимда базўр турган йирик дафтарга караб.

– Узундан-узун ҳаётимнинг барчасини ўқиш шарт эмас, кўз югуртиринг.

Иброҳим кетди. Мен қанча қизикмайин, дафтарни халтага солдим. Кечқурун уйда тинчгина ўқийман.

Овқатни чала-чулпа едим-да, ойимдан узр сўраб хонамга камалдим. Дафтарнинг илк варағини очдим.

«Айни вақт 1992 йилнинг август ойи. Ҳиндистондаман. Бугун канцелярия дўконига кириб, каттагина дафтар харид қилдим. Кундалик ёзиш учун. Шу пайтгача ҳамма нарсани хотирамда туради, деб ўйлардим. Бироқ куни кеча укаларимнинг исмини эслашга тиршиб, хотирлолмадим. Ҳали яна қанча яшайман, билмайман. Кимлигимни унутиб қўйишим ҳам ҳеч гап эмас. Шу сабаб бўлиб барчасини ёзиб қўяман. Минг йиллик тарихни оққа кўчириш учун ойлаб хонамдан чиқмасам керак. Кундаликни ёзиб бўлишим билан бу ердан кетаман. Шундоғам хиндларнинг гоҳ у, гоҳ бу шахрида йигирма йилдан ортиқ яшадим. Энди кетиш керак. Иккинчи авлод алмашмагунча бу ерларга келмайман. Шунда улар мени танимайди.

Ўтган сафар Хитойга кўчишимдаги хато такрорланмаслиги керак. Ўшанда ҳам Хитойга эллик йилдан сўнг қайтгандим. Эллик йил аввал сартарош бўлиб ишлаган йигит чол экан. Ҳалиям шу ишини қилаяпти. Уни танимапман, соқолимни олдирмокчи эдим. Бироқ у мени таниди. Юзимга тикилиб турди-да, эси оққандек «арвоҳ» деб сартарошхонадан югуриб чиқиб кетди. Бир вақтлар у билан тенгдошлик чоғимиз шу ерда кўп

сухбатлашардик. У ерга анча ўрганиб қолгандим, аммо начора кетиш керак эди. Атрофдагилар менинг кексаймаётганимни пайкаб қолишлари мумкин. Минг йил ичида қаерларда бўлмадим? Дунёнинг кўп мамлакатларида умр кечирдим, неча тилларни ўргандим. Бироқ муқим ватан қилолмадим.

Ўзбекистон мустақил бўлганини эшитгач, қайтиш фикри туғилган эди. Менинг Ватаним Шош, айна пайтда Тошкент деб аташар экан, бормаганимга юз йил бўлди менимча. Она юртим шаҳарларида ҳам узоғи билан йигирма йил яшашим мумкин. Шунда ҳам ҳар беш йилда яшаш шаҳримни ўзгартирган ҳолда. Энди таржимаи ҳолимни битсам.

Мен Иброҳим Ибн Саид, 987 йилнинг кеч кузида Шошда таваллуд топдим. Миллатим туркий, отамнинг касб-кори мисгар эди. Менинг болалик чоғларимда Шош сомонийлар тасарруфида эди. Кейин эса қорахонийларга ўтди. Тахт тез-тез гох у, гох бу ҳукмдорларнинг қўлига ўтарди. Биз каби ўртаҳол оилалар доим ўз хунари билан банд эди. Оилада каттаси мен, ортимда учта укам бор эди. Қиз йўқлиги учун онам куни билан тинмасди. Мўйловим сабза ургандан сўнг отам-

нинг устахонасига бориб ёрдамлашадиган бўлдим. Беш-олти йил ичида ўзим ҳам яхшигина мисгар бўлиб етишдим. Биз ясаган мис идишлар ички бозорда харидоргир эди...

ЛЎЛИ ҚИЗ

Хаммаси бир маромда кечарди. То уни учратмагунча мен ҳам бошқалар қатори оддийгина одам эдим. Бошқалар қатори оила қуриб, фарзанд кўришим мумкин эди. Бошқалар қатори саксон-тўқсон йил умр кўриб тупрокка сингишим керак эди. Лекин... севиб қолдим. Менга минг йилдан бери яшаш азобини берган ўша қиз одатий кунларнинг бирида дўконимизга кирди. Атрофга разм солиб қаради. Кўзларимни олиб қочдим.

– Менга мис лаган керак эди, – деди у форс тилида. Кўринишидан туркийларга ўхшамасди. Кўзлари катта-катта, киприклари узун, қошлари тим қора, оппок юзи таранг. Савдогарлар билан келган бўлса керак, деб ўйладим. Ажнабий бўлса, эҳтимол уларда эркак ва аёлнинг танҳо сўзлашиши гуноҳ бўлмаса керак. Шунинг учун мен ҳам унга тик қарашга жазм этдим.

– Марҳамат!

Бир неча хил лаганларни кўрсатдим. У лаганларни чертиб кўриб, энг яхшисини танлаб олди. Бахмал ҳамёнидан танга чиқарди.

– Етадими?

Чиндан ҳам Эрон тангаси. У бизда деярли ишлатилмасди.

– Майли, – дедим уни ранжитишни истамай. Кетишга чоғланган қиздан негадир айрилгим келмади. Саволга тутдим:

– Эрондан ташриф буюрдингизми?

– Шундай. Биз кўчманчимиз, – деди у нимжилмайиб.

«Кўчманчи... демак, лўлилардан эканда», деб ўйладим. Хозирда фақат лўлилар у ёқдан-бу ёққа кўчиб яшашар, муқим жойлари йўқ эди. Форс лўлилари!

Ўйланиб қолганимданми, у дилимдагини уқди.

– Ха, лўлиман. Ўхшамайманми? – кулди у.

У сира лўлига ўхшамасди.

Тайинли гап топа олмай бир муддат серрайиб турганимдан сўнг у кетди. Кета туриб сеҳрли табассумини илиниб кетди. Шу-шу тунлари унинг ёдида қуядиган бўлдим. Уни бошқа кўрмаслигим, топа олмаслигимни ўйласам баттар қуяман. Аммо бир куни...

– Форсий лўлилар катта базорда фол кўраётган эмиш, – деб қолди онам отамга. – Ўлсин, мусулмон уламолар бунга қарши бўлса-да, хотин-халаж атрофини ўраб олибди. Хамма кафтидаги чизикларни кўрсатиш билан овора. Бир тўда лўлилар эса эртак тўкиб ётибди.

– Сен ҳам бориб юрмагин, тагин, – огоҳлантирдилар отам.

– Ўлибманми? Фолга ишонмайман, бу гуноҳи азим.

Уларнинг суҳбатидан сўнг аста сирғалиб кўчага отландим. Биламан, у ҳам ўша ерда! Хеч бўлмаса бир бора кўриш илинжида катта бозорга тушдим. Ростдан ҳам, бир неча чодир тикиб бозорга ўрнашиб олган етти-саккиз чоғлиқ лўлилар турфа усулда фол кўрардилар: бири қартада, бири тошда, яна бири кафтларга қараб... Нарирокда туриб уни излай бошладим. Ва топдим ҳам. У бир четда қаршисидаги аёлнинг қўлларидан ушлаб бир нималарни сўзларди. Барча лўлилар катори у ҳам бошига қизил рўмолни танғиб олганди.

Секин у томон яқинлашдим. Кўрганлар нима деса дер. Бирор йигит зоти фол очириш тугул бу ерга яқинлашмаган чоғи, бари лўлиларнинг кўзи менда. «Фол

очирмоқчиман», деганимдан сўнг бари атрофимни ўраб олишди.

– Бахтингдан очайми ё тахтингданми, барно йигит?

– Кел, сенга қандок жуфт учрашини айтиб бераман!

– Ўғлим, қарта энг ишончли фол. Бери кел, тақдирингни билиб бераман...

Мен уларга эътибор қилмай, бир четда мени мийиғида кулганча томоша қилиб турган ўша қизнинг ёнига бордим ва кафтимни тутдим.

– Фол очиб қўйсангиз...

– Беришга ақчангиз борми? – сўради у.

– Пулим бўлмаса, жоним... – бу жумла қаердан хаёлимга келди ўзим ҳам хайронман. Бирдан булбулдек сайраб кетдим, – ўша кундан бери сизни излайман. Мана, ниҳоят сизни топдим. Энди...

– Энди бир фол кўрарканмиз-да, хай, берингчи... – у нозик қўллари билан кафтимни ушлади. Бутун баданим ёниб кетгандек бўлди. Ахир шу вақтгача бирор қиз-жувоннинг бармоқ учи ҳам қўлларимга тегмаган.

– Давлат чизиғи ўртача, бойиб ҳам кетмайсиз, қашшоқлашиб ҳам, – у синчиклаб кафт чизиқларимга бокди, –

саломатлигингиз ҳам жойида бўлади. Хўш... умр чизиги... у жудаям узун. Кўп яшайсиз, насиб бўлса.

– Муҳаббат чизиги-чи? – сўрадим кўзларига боқиб.

– Ундай чизик бўлмайди, – кулди у.

– Унда буни қандай аниқласа бўлади?

– Нимани?

– Суйганимга етишаманми, йўқми? У ҳам мени...

– Кўнгил ишига аралашмайман, – кўлларимни бўшатди у, – тақдирингизда бўлса, балки... Энди боринг, бошқалар кутиб қолди.

Унга танга узатиб, нари кетдим. Нарироқда куни билан унга тикилиб ўтирдим. Шом туша бошлагач, улар буюмларини йиғиштириб, кетишди. Ўзимга бўйсунмаган оёқларим уларнинг ортидан тушди. Лўлилар шаҳар четидаги дарё бўйига ўрнашишган экан. У ёққача боришга журъатим етмади. Эркак лўлиларнинг жаҳли ёмон деб эшитганим бор. Улар ўнлаб чодир тикиб, ўртада гулхан ёққанча овқатланиб ўтиришарди. Аёллар ҳам уларнинг даврасига қўшилгач, куй-қўшиқ бошланиб кетди. Бир аёл қўшиқ айтди, эркаклар ногора чалди. Мен ғира-шира бўлса-да, уни кўздан кочирганим йўқ. У

хам дугоналарига кўшилиб рақс тушди. Тим қоронғу бўлиб, лўлилар ёққан гулхандан бошқа ҳеч нима кўринмай қолгач, мажбуран уйга қайтдим. Ўша куни отамдан дўконни очмаганим учун тоза танбех эшитдим...»

ИЛК МУҲАББАТ

Кундаликнинг шу ерига келганимда, тонг отиб қолганди. Иброҳим эй... лўли қиз тоза юрагидан урган экан-да. Ишга боргач ҳам дархол давомини ўқишга тутиндим. Менга сеҳр-жодудан кўра, уларнинг ишқий саргузаштлари қизиқроқ эди.

«...Сўнг тонггача мижжа қокмадим. Фикру ёдим унда эди. Шу вақтгача фақат хунарим билан овора юрар эдим, энди қўлим ишга бормай қолганди. Дўконда ҳам эшикка термилганча хаёл суриб ўтираверардим. Қани энди, у кириб келса-ю, бир умр шу ерда суҳбатлашиб ўтирсак... Бахтимми, бахтсизлигимми, у ҳам мени унутмаган экан. Бир куни дўконга ташриф буюрди. Човгум олиш баҳонасида... Бу сафар уни гапга тутдим, кўпроқ у ҳақда билишни истардим.

– Бу ерда кўп бўласизларми? – мени шу савол қизиқтирарди.

– Унчалик эмас. Тез орада кетамиз, таксир, – лўли киз ҳам маъюсланди.

– Исминг нима?

– Марям.

Марям билан ўша кун узок суҳбат курдик. Дўконга кириб чиқаётган хари-дорлар билан ишим ҳам йўк эди. Ахийри Марямни бугун ой тикка келганда чодир-лари ёнидаги катта анҳор бўйида учра-шишга кўндирдим. У аввалги сафар жуда шаддод кўринган бўлса-да, аини дамда жуда уятчан ва самимий эди...

Марям билан учрашувимиз... у ҳаётим-даги энг сербахт лахзалар эди. Ўша тунда унга севгимни изҳор этдим. Ҳеч нимани ўйламасдим: бунга ота-онам нима дейди, унинг қавмичи? Ахир биз туркийларда лўлига уйланиш, боз устига у ғайридин бўлса, қаттиқ қораланиши аниқ эди. Ле-кин мен муҳаббатимизга ҳамма қаршилиқ қиладиган бўлса, у билан узокларга қочиб кетишга ҳам шай эдим. Марям билан уч-рашувларимиз узок давом этмади. Бир куни доимий учрашув маконимизга у эмас, кекса бир лўли аёл келди.

– Марямнинг кўпдан қадами ўзгариб қолди, десам... гап буёқда экан-да, – мени кўриб йўғон овозда сўзлади у, – Марям бошқа келмайди. Уни тинч қўй!

– Сиз кимсиз, момо? Марям ўзи тинчми?

– Омон. Мен унинг энасиман.

– Менинг ниятим холис, момо. Набирангизни бахтли қилишни истайман, холос.

– Бизда бошқа қавмга қиз бермайдилар ҳам, олмайдилар ҳам. Агар буни оғалари сезиб қолишса, сени тилка-пора қилишади. Имкон борида барига нукта қўй. Марямга ҳам ўзим тушунтираман.

Бу суҳбат бизнинг муҳаббат синонимизнинг ибтидоси эди. Мен Марямдан кечолмасдим. Усиз яшагандан кўра оғалари қўлида ҳалок бўлишга рози эдим. Эртасига фолбинлик қилаётган лўлиларни кузатдим. Улар орасида Марям йўк эди. Кечқурун чодирларига назар солдим: кўринмади.

Андухли кунларим бошланди. Бир неча кун нима қилишни билмай юравердим. Охири уни излаб қариндошларидан сўрашга жазм қилдим. Фолчи аёллардан тусмолланиб сўрадим:

– Марям чодирда, энди фол кўрмайди, – дейишди улар.

– Нега энди?

– Катта энамиз унга бошқа юмуш юклади.

– Ёнига бориб фол очирсам бўладими? Унинг фоли тўғри чиқади, деб эшитгандим, – уларнинг хайрон бўлганига жавобан дедим мен.

– Йўқ! Ўзи тез орада қайтамиз, чодирга сени барибир йўлатишмайди. Ана, Захрога бор, унинг фоли доим ўнг келади...

Мени чодирга йўлатмасликларини билсам-да, таваккал деб оёқларимни ўша ерга бурдим. Чодир ўртасида бир неча лўли эркак бўри терисини шилиш билан банд эди. Бозорда лўлилар бўри териси, тирноғи, тишини сотиб ўтирганига гувоҳ бўлгандим. Демак, бўри овчилари шулар экан-да. Лўлилар келгандан буён чўпонлар қўй-қўзиларни бўғизлаб кетаётган бўрилар анча камайганини айтишганди. Мен тўғри уларнинг ёнига бордим.

– Сенга нима керак? – корам кўрингач улар дарҳол ўрнидан туриб мени қуршаб олишди.

– Марям фолбинни кўзлаб келдим. Фол очдирмоқчиман.

– У фол кўрмайди, – деди эркаклар орасидаги бақувват ёш йигит.

– Ўтган сафар кўрганди...

– Бизда турмушга чиқаётган қизлар фол кўрмайди, – ёши каттароқ лўли менга қаттиқ тикилди, – Марям қизимни

шу кунларда мана бу йигитга, — у бояги бакувват йигитга имо қилди, — узатамиз. Бошқа фолчи топақол, ўғлим.

Унинг қарашларидан сиримдан хабардорлигини пайқадим. Марямнинг отаси бўлса, демак, энаси ўғлига бу ҳақда айтган. Шунинг учун дарров эрга бериш ташвишига тушиб қолган бўлса керак. Мен дадилланиб, сўзимда давом этдим:

— Майли... ундай бўлса мана бу човгумни бериб қўйсангиз. Буюртма қилганди, хақи тўланган.

— Майли, — у шундай деб қўлимдаги буюмни олиб нарироқдаги чайлага кириб кетди. Мен ҳам ортимга қарай-қарай уйга қайтдим. Яхши, бари ўйлаганимдек бўлди. Агар Марям човгумни олиб ишлатса ёки ичини очиб қараса, албатта мактубимни топади. Фақат бошқалар кўриб қолмаса бўлди...

Уни беш кеча кутдим. Мактубда ёзганимдек, ҳар тун уни ўша анҳоримизда кутардим. Қачон имкон қила олса, чайладан қочиб шу ерга келишини, сўнг иккимиз бу ердан узоқларга кетишимизни ёзгандим. Бироз муддат ўтиб лўлилар бу ерлардан жўнаб кетишади, сўнг биз ҳам ортга қайтамиз. Ота-онамнинг ҳузурига бош эгиб борамиз. Бизни қабул

қилишса, Марям билан бир умр бахтли хаёт кечирамиз. Лўлилар эса бу ерларга қайтиб келишмайди. Режам жуда осондек кўрингани билан, амалга ошиши даргумон эди. Марям ҳеч келмасди... Ҳар кун ҳамёнимни ақчага тўлдириб, отим билан келардим. Тонгга яқин умидсиз ҳолда уйга қайтардим. Отам тунги юришларимни пайқаб, сабабини суриштирди. Турли баҳоналар тўқидим.

Нихоят, олтинчи тунда у келди. Югуриб келган чоғи, терлаб кетганди.

— Кетдик! — деди Марям мени кўриши билан. Кимдир оптимиздан келиши мумкинлигини ўйлаб менам шошиб уни отга мингаштирдим. Ўйлимни ўйлаб қўйганимдек шаҳар ташқарисига бурдим. Қишлоқда ёлғиз бева холам турарди. Эри ўн йилча бурун қўзғолон кўтарилганда ўлиб кетгандан бери унинг чироғини ёкиб ўтирарди. Биттагина кизи ҳам эр қилиб кетган. Бу ер биз учун тинч ва хавфсиз ерлигига ишонардим.

ҚОЧҚИНДА

То манзилга етгунча у ҳам, мен ҳам бир сўз демадик. Худди биров эшитиб қолиб оптимиздан тушадиган-

дек туюлди. Тонгга якин кўзлаган жойга келиб, тулпорни тўхтатдим. Холам бизни ичкарига киритди. Саволомуз қарашига жавобан:

– Бу суйган қизим, қочиб келдик! – деб тўғрисиани айтиб қўя қолдим. Йўлда бирор бахона ўйларман, деб хаёлимга дуруст фикр келмаганди. Барибир бу ерда бир қанча вақт қолишимиз холамда турли саволлар уйғотиши аниқ эди.

– Вой, шўрим, – кутганимдек холам елкамга шапатилади. – Онанг биладими, Иброҳим, не балоларни бошлаб юрибсан?

– Э, кўркманг, хола, ота-онам рози бўлгач қайтиб кетамиз. Мениям тушунингда энди, қизни отаси бермайман, деб тўполон қилди. Шартта олиб қочавердим. Сиздан бошқа ишонадиган кимим бор?

Сўзларим холамни эритди. Бежиз холамнинг уйини танламагандим. Бир вақтлар бобом ҳам «қизимни бермайман», деганида поччам олиб қочган экан. Бобом анча вақт норози бўлиб юрди-ю, кейин куёвини кечирди. Шунинг учун холам муҳаббат деган нарсани яхши билади. Бўлмаса эри ўлгандан сўнг унга шунча йил аза очиб, кўк кийиб юрмасди.

– Бўлар иш бўпти. Қани, уйга киринглар. Ҳозир чой қайнатаман.

Деворлари нураб қолган хонага кирдик. Шам ёғдусида Марямга қарадим, унинг моматалок бўлиб кетган юзига кўзим тушиб:

– Ким қилди?! – сўрадим жон ҳолатда.

– Ўтган тунда ҳам... қочгандим. Аммо акаларим тутиб олиб калтаклашди.

Қўлларим мушт бўлди. Беихтиёр уни бағримга босдим.

– Бугунчи? Сезишмадимми?

– Бугун... – у айтайми, йўқми, дегандек атрофга синчиклаб қаради, – уларни жодулаб келдим.

– Қанақа жоду? – лўлиларнинг фол очишини билсам-да, жоду ҳақида эшитмагандим.

– Кейин айтиб бераман, – у бағримдан чиқиб тўзғиган сочларини тўғирлади. Холам кириб, дастурхон ёзди. Чой устида гаплашиб ўтирдик. Холамга унинг лўли эканини айтмадим. Шунчаки бошқа ердан келган савдогарнинг қизи, деб таништирдим.

– Энди шу сизнинг келинингиз, хола. Мен эса ўғлингиз бўламан.

– Марям қизим, кўп куйинма, бу савдолар менинг ҳам бошимдан ўтган. Отанг бағритош бўлмаса, албатта, кечиради.

Унгача менинг келиним бўлиб юрабер. Иброҳим ҳам ўғлим-да. Опам тушмагур тўрт ўғил кўрган-у, биттасини менга бермаган. Бошимда биттагина кизим бор, холос. Кейин худо фарзанд бермади. Опамга «битта ўғлингизни асраб олай», десам кўзи киймаган. Мана, тақдирни кўр, ўғли энди бундай деб ўтирибди. Жон дейман, болаларим бўлсангиз...

Хуллас, холамникида қолдик. Ота-онамни кўрқитмаслик учун шаҳарга жўнайдиган бир қўшни дехқондан хат бериб юбордим. Унда бор гапни ёзгандим. Сўнгида лўлилар жўнаб кетгач хабар қилишларини, энг муҳими, бизга оқ фотиҳа беришларини сўрагандим. Бу мактубим уларга ёқмаслигини билсам-да, бошқа чора йўқ. Вақти келиб, барча нарсга кўникиш мумкин.

Холам Марямни ўз хонасига жойлаштирди. Менга эса эшик ёнидаги сўридан жой тегди. Марям билан кундузлари тузукроқ гаплашолмасдим ҳам. Холам иккимизнинг ёнимиздан нари кетмас, ҳеч кимга гап бермай турли бўлган ва бўлмаган воқеаларни сўзлаб берардилар.

Аммо бир куни одатларига кўра эрта саҳардан уйғонмадилар.

– Холам тузукми? – сўрадим Марямдан.

– Холам бугун тушгача ухлайдилар. Сиз билан холи гаплашиб олишим керак эди, шунга...

Унинг жоду ҳақидаги гапи эсимга тушиб, холамнинг хонасига олазарак бокдим.

– Қўркманг, Иброҳим. Шунчаки ухляптилар. Уларни ўз онамдек яхши кўриб қолдим. Ўз онам йўқ бўлгани учундир...

– Уларни ҳам... жодуладингми?

– Ҳа.

– Қандай қилиб?

– Буни барибир тушунмайсиз. Шунчаки дуо ўқидим. Мен сизга ўзим ҳакимда айтиб беришим керак. Аслида вақтлироқ айтсам балки мени севмаган бўлардингиз.

– Нега ундай дейсан, Марям? Ҳаётимда сендан бошқани демайман.

– Иброҳим, мен... мен аслида жодугарман. Авлоддан-авлодга ўтадиган бу хислат афсуски, менга насиб қилган. Қавмимизда фақат мен ва энамда бор жодулаш имконияти. Онам мени туғаётиб ўлиб қолган. Аслида онамда ҳам бор эди. Жодугарлик бора-бора йўқолиб кетаяпти. Бошқа лўли қавмларида ҳам камёб. Энам ўлиб кетса, қавмимизда бир мен қоламан.

Бу хислат фақат тўнғич қизларга ўтади. Авлодимизда илк фарзанд қиз бўлиши ҳам тақдири азалга битилган. Хислат йўқолиб кетмаслиги учун мен турмушга чиқишим ва қиз кўришим лозим. Шунда қобилият қизимга ҳам ўтади. Шу тариқа давом эттирилиши керак.

Бир муддат гангиб турдим. Унинг лўлилиги, фолбинлиги, бунинг устига жодугарлиги... Нима бўлса бўлди. Сеҳр-жодуга ишонмасам-да, қаршимдаги қиз ёлғон гапирмасди.

– Хуллас, акаларимни ҳам ухлатиб қўйиб қочган эдим. Энам сеҳрни ўз манфаатинг йўлида ишлатма, деб уқтирган. Аммо мен... қочиб кетсам, қавмим оддий лўлиларга айланишади. Шунинг учун ҳам мени кўздан қочиришмасди. Мени асрашарди. Улар мени унутиб, жўнаб кетишади, деб ўйламанг. Топмагунча қўйишмайди. Шаҳарни излаб топиша олмагач, қишлоқларни кезишади. Шунга кўркеман... бу ерда узок қололмаймиз.

– Марям, гапларингни англашга уриняпман... Ундай бўлса, бизнинг турмуш қуришимизга асло рози бўлишмас экан-да.

– Шундай. Иброҳим, мен... мен сизни яхши кўраман.

– Мен ҳам, Марям. Айт, нима қилсак, умрбод бирга бўламиз? Сен учун ҳаммасига розиман.

– Яқинда... – Марям кўлимдан тутиб пичирлади, – энам энг охирги жоду сирини ўргатди. Ўлимтопмас сеҳр. Қавмимиз тарихида ҳеч ким буни ишлатмаган. Чунки у маън этилган сеҳр. Бу оламда ҳеч кимнинг умрбод яшашга ҳақи йўқ! Лекин... лекин биз бирга бўлишимиз мумкин.

– Қандай қилиб? Кексаймасданми? Сен ва мен... – ўша онларда севги кўзларимни шунчалик кўр қилгандики, Марям билан бирга бўлиш учун ҳар қандай жодуга рози эдим. Умрбод яшаш... бунинг нақадар даҳшатли эканлигини ўшанда билганимда ҳатто Марямдан ҳам воз кечган бўлардим. Тўғри, муҳаббат буюк куч, аммо инсон минг йил яшаши... бунга чидаб бўлмайди.

– Бунинг учун нима қилиш керак, Марям?

– Жодули ичимлик тайёрлайман, бунинг учун бир неча кун кетади. Сўнг уни иккимиз ичамиз. Билсангиз... уни ичган одам ўлмайди.

– Ҳатто қилич тиғидан ҳамми?

– Ҳа. Қайта тирилаверади. Бизни топиб олишса сизни ўлдиришади, аммо яна

кўзларингизни очаверасиз. Шунда сира айрилмаймиз. Бизга қарши бўлган кавмим ҳам йиллар ўтиб вафот этади, лекин бизга вақт таъсир кўрсата олмайди. Умрбод бирга яшаймиз.

– Умрбод...

Марямнинг қўлларида ўпдим. Барига рози эканимни билдирдим...»

МИНГ ЙИЛЛИК ЖОДУ

Шу ерга келганда бир китобхоннинг саволи мени ўзимга келтирди. Иброҳимнинг ҳаётидан чикиб, ишим борлиги эсимга тушди. Малол келгандек ёш ўқувчига сўраган китобини топиб бердим. Қалин дафтарга қарадим: ҳали-бери тугата олмайман. Иброҳимдан сўзлаб беришини сўраганим маъқул. Қундаликни ҳам роман қилиб юборибди. Бу жоду сирини биламан, дегунча сочим оқаради, шекилли. Дафтарни бир четга ташладимда, кўзларимга дам бердим. Ўлимтопмас сеҳр... демак уни мен ҳам ўзлаштиришим мумкин экан-да? Йўк, йўк, асло ўзимга ишлатмаган бўлардим. Аҳмоқ, Иброҳим, лўли қиздан бошқаси қуриб қолганмиди унга? Қиз ҳам тентак экан, бир инсон билан умрбод ўлмай яшаш унга нимага

керак? Зерикиб адо бўлади-ку! Эҳтимол, севмаганим учун шундай дерман. Балки севишганлар тоабад бирга бўлишни исташар? Қайдам. Қизик, жодуни ичишган бўлса, Марям қаерда экан?

Тезроқ билмасам бўлмайди! Иброҳимга сим коқдим.

– Ўқиб бўлдингизми дейман? – сўради у.

– Э, қаёқда? Севги романингиз жуда эзма экан. Ўзингиз келиб бундай қиска вариантыни айтиб берақолинг. Марям қаерда ҳозир? Уни излаб юрибсизми ёки?

– Билиш учун ўқиш керак, – ух тортди у, – кани энди излаб юрсам. У аллақачон ўлиб кетган.

– Ие... ўлимтопмас жоду унга таъсир қилмадими? – кулиб юбордим, – вой тентак қиз-эй, сизни жодулаб ўзи у дунёга кетибди-да, келажакда учрайдиган гўзал кизлардан рашки ҳам келмаптими?

Кулишим Иброҳимни ранжитди, шекилли, индамади.

– Бўпти, узр, узр, Иброҳим. Шунчаки... севги ҳақидаги хикояларни ўқисам доим кулгим қистарди. Биламан, сизларники чин! Хўп, қачон кўришамиз энди?

– Керак бўлса, ўзингиз келинг, Нуранинг хоним. Уйимнинг манзили ўша

дафтаримда ёзилган. Жодугарга қийинми энди мени топиб келиш?

– Ахир ишдаман-ку?

– Унда тунда келинг.

– Қизикмисиз? Қиз бола бошим билан...

– Хавотир олманг, мен бобокалонингиз катори одамман. Нохуш фикрларни ўйламанг, илтимос. Менга сизнинг жоду илмингиз керак. Ёрдамингиз керак. Ахир... сиз Марямнинг авлодидансиз.

– Нима? Вой ўлай, ҳали лўлиманми мен? – шу пайтгача тажанг момо, тентак Марям ҳақида ўқийману, ўзимнинг уларга боғлиқлигимни сира ўйламаган эканман. Ахир Иброҳим ҳам минг йиллик аجدодларингизни биламан, деганди-ку. – Наҳотки, ўша насл шунча йил давом этиб, менгача келган бўлса?

– Шунақа. Барини билмоқчи бўлсангиз келарсиз. Бўпти, гўшакни қўйдим, – Иброҳим алоқани узди.

Мен эса яна чалкаш фикрлар қуршовида қолдим. Онам... давомчи бўлган. Лекин менинг бу ишни давом эттиришимни истамаган. Шунинг учун ҳам... Онам каерда экан ҳозир? Ўлимтопмас сеҳр ҳақида китобларда ёзилмаган. Эҳтимол онам билар буни? Иброҳимга ёрдами тегар. Савол-

лар кўпки, жавобсиз. Энг хайратланарлиси эса... менинг эроний лўли авлоди эканим. Шу пайтгача ўзбекман, деб юрсам. Ох, худо! Қизик, Марям киз кўрган бўлса, унинг отаси ким бўлган экан? Иброҳимми?

Барини аниқлаш учун ярим тунда йўлга тушдим. Онамни эса тонггача қотиб ухлашлари учун оддийгина жодуладим. Менинг йўқлигимни билсалар, хаёллари бузилмасин, дедим. Дафтарнинг охириги бетида бир дунё манзиллар ёзилган эди. Назаримда, у шу пайтгача яшаган жойлар. Баъзи шаҳар номларини ҳатто эшитмаган эканман. Бу бобокалоним дунё кезиб чиққан. Хўш, охиригиси... мана, топдим, унчалик узоқ эмас экан.

Такси тутдим. Ҳар ҳолда, жодугарлар каби супургида учиб бориш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Шаҳар шунчалар чароғонки, сени «учар киз» деб уриб туширишлари турган гап. Шунинг учун эл катори уловга минган маъқул. Иброҳим айтганидек, сеҳрингни биров сезиб қолса, тамом. Тинч яшай олмайсан. Айтишича, икки юз йилча аввал бир жодугар ўз сеҳрини халққа намоён қилиб, турли томошалар ташкил этаркан. Лекин кўп ўтмай, ёмон одамларнинг қўлига тушиб,

уларнинг қулига айланибди. Ўғрилиқ, талон-торожлик, қотиллик қилишга мажбур бўлибди. Ахийри ўз жонига касд қилиб қутулибди бу азоблардан.

Миямдан нохуш ўйларни қувдим. Менинг умуман бу сеҳр-жоду билан шуғулланиш ниятим йўқ. Иброҳимга ёрдам берсам бўлди. Кейин барини унутаман ва ўз ҳаётимга қайтаман. Ўша жоду китобидан қанча ўрганган бўлсам-да, ҳеч бирини қўллаганим йўқ. Ўрганиб қолишдан кўркаман...

Иброҳимнинг уйи «дом»да эди. Қўнғироқни чалганимдан сўнг очилди.

– Кираверинг, Нурангиз, ўзим ҳам хозиргина ишимни тугатдим, – у мени ичкарига бошлади.

– Иш? Сиз ҳали ишлайсизми?

– Кун кўриш керак-ку? – Иброҳим кулди, – ўлмасам ҳам ҳар ҳолда қорним очади...

– Сир бўлмаса нима иш қиласиз?

– Ота ҳунарим минг йилдан бери асқатади-да. Ҳунаромандчилик қиламан, – у шундай деб залда турган мис чойнакни кўрсатди, – қандай чиқибди? Бу сизга, мендан арзимас совға.

– Раҳмат! Бунакасини илгари кўрмаганман. Нафис экан... – дедим уни синчиклаб кузатарканман.

– Йиллар ўтса-да, бахтимга бу хунар ўлмади. Антиквар дейишади ҳозир бунақа идишларни. Бизнинг давримизда кундалик буюмлар эди булар. Сайёҳларга хизмат кўрсатадиган савдо марказлари уни жон деб сотиб олади. Қаерда бўлмайин, шундай идишлар сотиб яшаб келдим.

– Ўз устахонангиз ҳам бўлса керак?

– Кўп бўлган. Аммо у ерда доимий ишлолмасдим. Биласиз-ку, кўчиб юришга тўғри келган...

– Тушунарли. Сизгаям қийин.

– Секин айтасизми? Эҳ, майли, ўтиринг, кани... – у меҳмонхонадаги креслога имо қилди, – сизни яхна шарбат билан меҳмон қиламан.

– Бажонидил.

Шарбатдан сўнг Иброҳимга саволларимни ёғдирдим.

– Марям, Марям, у жодуни тайёрлай олди, бироқ... – оғирлик билан жавоб берди Иброҳим, – хуллас, қадахларга тўлдирилган ичимликни қўлларимга олган лаҳзада эшикни бузиб лўли эркаклар кириб келди. Бизни қандай топиб олишди, шунга ҳайрон эдим. Кейин сеҳргарлик китобларидан ўқиб билдимки, инсоннинг бир буюми орқали жодугарлар уни топа оларкан. Марям барча буюм-

ларини чодирда қолдириб кетган, энаси яширинган жойимизни ана шу йўл билан аниқлаган эди. Қўлга тушдик. Улар устимизга бостириб келгунча мен жон ҳолатда қадахни ичдим. Аммо Марям... улгурмади. Лўли эркаклар қадахни отиб юборишди. Суюқлик тўкилиб ерга сингиди. Юзимга мушт, тепкилар тушди. Ҳушимни йўқотибман. Ўзимга келсам, ҳеч ким йўқ. Холам бошимда йиғлаб ўтирибди.

– Марямни олиб кетишибдими?

– Ҳа. Дарҳол уни излаб йўлга тушдим. Шаҳардан кетиб бўлишган экан. Кўрганлардан сўраб-сўраб ортларидан кетдим. Аммо бепоён чўлга келгач, уёғига боролмадим. На пулим, на озиқ-овқатим бор. Лўлиларнинг изини йўқотдим... Марямни ҳам.

– Шундан сўнг уни кўрмадингиз...

– Кўрдим. Ўн икки йил дунё кезиб уни ахтарганимдан сўнг кўрдим. Сочларига оқ оралаган, кўзлари маъюсланган, ёноқлари салқиган аёлни топдим. Мен эса ўша-ўша, ўзгармагандим. У доимгидек лўлилар билан фол очарди. Мени таниб юзлари оқариб кетди. Атрофга қараб қўйди-да, кўзлари билан четроқни имо қилди. Уни сал наридаги кўприк тагида пойладим. Кўп ўтмай келди... Иккимиз

хам бир сўз дейишга ожиз эдик. Марям тилга кирди. Бошида эри, болалари борлигини айтди-да, кўзидан оқкан бир томчи ёшини яшириб кетиб қолди. Уни узоқдан ўн яшар қизчани бағрига босиб ўкраб йиғлаганини унсиз томоша қилиб турдим. Қизи бор экан, демак, насл ўлмабди, жодугарлик давом этаркан, деб ўйладим. Энди давомчи бор... Марям лўлиларга керак эмасдир, деган ўйдан севиниб кетдим. Мен ҳамон ундан кўнгил узмагандим. Эртасига фол очириш баҳонасида лўлилар ёнига бордим. Марям ўтирган ихчам чодирга кирдим. Унга қўлимни тутқаздим, сўнг шивирладим:

– Қочиб кетайлик, Марям... сени излаб ниҳоят топдим, ахир.

– Иложим йўқ... Энам ўлими олдидан мени сеҳримдан маҳрум этди, – у шундай деб тескари ўгирилди. – Энди оддий эрли аёлман. Болаларимни ҳам ташлаб кетолмайман...

– Марям, мен сенсиз умрбод қандок яшайман? Неча йил бўлса-да, ёнимда бўл...

– Ёш ва навқирон йигитнинг ёнидами? Йўқ, Иброҳим, мен қарияпман, ўламан... Афсуски, қадахни ичолмадим. Энди кетинг, – деди Марям.

– Мен ҳам сенсиз яшашни истамайман.

– Мени кечиринг, минг йил яшашга мажбурсиз. Минг йилдан кейин авлодимизда туғилган қизгина жодуни ечиши мумкин. Мен бу ҳақда башорат қилиб китобларимизга битиб қўйгандим. Энам жоду китобини мендан олиб қўйган. Отам уни қизим вояга етгач, ўзига беради. Ўша китобда ёзилган жодуни ечиш ҳам мана бу тақинчоқ ҳам авлоддан-авлодга ўтади. Бусиз жодулаб бўлмайди. Унутманг, минг йилдан кейин ҳам тақинчоқ ўша қизнинг бўйнида бўлади. Фақат авлодларимизни кўздан қочирманг.

– Мени ҳалиям севасанми, Марям? – менинг хаёлим минг йил яшашда эмас, фақат унда эди.

Шу пайт чодирга бир лўли эркак кириб келди. Эри бўлса керак. Марям шюша-пиша қўлимга қараб бир нималар деб фол очган бўлди-да, рухсат берди. Танга ташлаб, у ердан чиқдим.

Марямни топиб, ундан яна айрилгач, кўп вақт ҳаётдан бешиб девонадек яшадим. Кейинчалик эса мени севги дарди эмас, жодудан қутулиш азоби ўйлантира бошлади. Ота-онамнинг ёнига қайтдим. Ҳамма қариндошларим менинг сафар-

га кетиш олдидан қандай бўлсам шундай қолганимни айтиб ҳайратланишарди. Кексаймаслигим ошкор бўлмасдан туриб она Ватанимни ташлаб кетишга мажбур бўлдим.

Йиллар ўтди. Ота-онам, укаларим, барча қариндошларим ўлиб кетишди. Марям ҳам кексайиб ўлди... Ўшанда ҳам лўлилар чодирини яқинида эдим. Севганимга аза тутдим. Мен уч юз йил лўлилар кетидан юрдим. Авлоддан-авлодга ўтаётган жодугар қизини кўздан қочирмадим. Аммо орада лўлилар турган жойда уруш бошланиб, ҳаммаёқ ағдар тўнтар бўлди. Кўплаб лўлилар ўлиб кетди. Аммо насли қиз тирик эди. Ҳамма ҳар ерга қочганда уни йўқотиб қўйдим. Орадан юз йиллар ўтиб унинг авлодларини бошқа лўли қавмидан топдим. Яна кузатув бошланди. Лўлилар қаерга кўчса, ортларидан юрар, ўша шаҳарларда яшардим. Жаҳон уруши даврида улар Осиёда эди. Уруш вақтида ўша қавм ҳам кирилиб кетди. Фақат ёш болалар омон қолиб, етимхонага топширилди. Улар орасида меросхўр қиз ҳам бор эди. Кейинчалик уни осийлик бир оила асраб олди. Шу тариқа қиз лўли мақомидан чиқиб кетди. Аммо жодугарлик анъанасини сақлаб қолди. Унинг қизларига ўтди

бу хислат. Сехргар қизларнинг охири-
си ўзбек йигитига турмушга чиқди. Шу
тариқа, Ўзбекистонга келдим. У сизнинг
онангиз эди, Нурангиз...

ОНАМНИ ИЗЛАБ

— **О**нам... — кўзларимга ёш кел-
ди, — онам нега мени ташлаб
кетди экан, Иброхим?

— Онангизни кузатиб юрдим. Бироқ
эри билан ажрашгач, оғироёқ аёл ёлғиз
қолди. Сизни дунёга келтирди. Лекин
бир тунда машинага ўтириб чакалоқни
қаергадир олиб кетди. Кейин ёлғиз қайтди.
Мен гўдақни изладим. Тополмадим. Сиз
туғилган кун жодуланганимга минг йил
тўлганди. Сиз менинг нажотим эканин-
гизни билардим. Етимхоналарни изладим,
аммо Нурангиз исмли қизни тополмадим.

— Ойим мени чакалоқлигимда асраб
олган.

— Тўғри. Ахийри ўша сиздаги тақин-
чоқни қидира бошладим. Бунинг учун
кўп қадимий китобларни титдим, сизга
боғлиқ башорат чиқишига умид қилдим.

— Топдингиз ҳам... Тасодиф туфайли.
Майли, сизни қутқара олишимни башорат
қилишган экан, бироқ қандай қилиб?

– Шуни мен ҳам билмайман-да, Нурангиз.

Шунда иккимизнинг хаёлимизга ҳам онамни излаш фикри келди. Бир-биримизга шу маънода қараб қўйдиг-у, аммо... Мен учун бу осон бўлмаслиги аниқ. Шунча йил, яъни жодугарлигимни билмасимдан аввал онамдан ич-ичимдан ранжиб келганман. Иброҳимнинг гапларидан сўнг уларни тушундим: барини мен учун, келажакда тинчгина яшашим, оддий инсон бўлишим учун қилганлар. Балки онам ҳам эл қатори яшаш учун дадамга турмушга чиқкандир. Нима учун уларнинг турмуши бузилиб кетган, бу менга қоронғи. Умуман онам ҳаётмикин? Қаерда экан? Ичимдаги ғалаённи енгиб, албатта, тукқан волидамни топишим кераклигини тушундим.

– Онамни топиш қўлингиздан келади-ми, Иброҳим?

– Мен сеҳргар эмасман... Сизни излаш учун йилларим сарф бўлган. Онангизни ҳам қудуқдан игна излагандек бемалол излаб юришим мумкин, аммо вақт йўқотамиз. Онангизни излаш сизнинг қўлингиздан келади.

– Қандай қилиб?

– Эсингиздами, инсоннинг буюмлари орқали топиш мумкин, дегандим. Марям

билан мени ҳам шундай усулда топишган эди-ку.

– Тўғрику-я, лекин менда онамнинг буюмлари йўқда.

– Менда бор.

– Ростданми? Нима экан у? – қизиқиб сўрадим.

– Бир вақтлар сизга ҳомиладорлигида унинг ортидан тинмай кузатган чоғларим боғда рўмолини тушириб қолдирган. Негадир уни асраб қўйгандим. Умуман, менда аجدодларингизнинг кўп буюмлари бор. Ҳатто Марямнинг узугини ҳам асраб келганман. Уни севгимиз рамзи сифатида тухфа этганди.

– Бўлмаса, ишга киришдик.

– Ҳозир қоронғу. Бу жодуни тонг отар маҳал бажариш керак. Шунда атроф осуда, сокин бўлади. Кўзларингизни юмиб, хаёлларингизга эрк беришингиз осон кечади. Хаёлот тасвирлари сизни онангиз турган маконга элтади.

– Ҳали синаб кўрмаганман.

– Эплайсиз, Нурангиз. Унгача эса мизғиб олинг. Биласиз-ку, сеҳр кучингизни олиб қўяди.

Шундоғам кўзларим юмилишга шай турган экан, ухлаб қолибман. Иброҳим ғира-шира ёруғ тушган маҳал турғизди.

– Мана сизга ўша дуо, – эски китобимиздан кўрсатди у, – бу эса онангизнинг рўмоли. Уни ушланг ва дуони ўқинг... Яхши. Кўзингизни юминг. Кўринган тасвирларни менга айтиб боринг...

Рўмолни маҳкам ушлаб бағримга босдим. Хаёлимни бир жойга йиққач чинданам кўз олдимда туш сингари бир нималарни кўра бошладим. Қаерлигини билмасам-да, сўзлардим:

– Катта кўприк. Ёнида кабристон бор. Чап тарафда эски уйлар. Қурилиш ҳам бўляпти. Одамлар кўп... ҳамманинг нигоҳлари негадир менда!

– Кўзингизни дарҳол очинг, Нурангиз!

Ўзимга келишим бироз кийин бўлди. Ҳарчанд кўзларимни очишга уринмай, эпполмасдим. Иброҳим юзимга енгил шاپатилади, натижа бўлмагач елкаларимни силкиди.

– Уларга қараманг! Ўзингизга келинг тезроқ!

Кўзларимни очишим билан чуқур нафас олдим. Ҳансираб терга ботгандим.

– Нима бўлди ўзи? Ким улар? Мен томон яқинлашиб ушлашга уринишди.

– Огоҳлантириш ёдимдан чиқибди, кечиринг. Хаёлларингиз тизгинини асло

қабристон томон бурманг. Марҳумлар бу нигоҳларни кўра олади. Шитоб билан яқинлашганлари ҳам бежиз эмас: бирортаси жисмингизга кириб олиши мумкин эди. Шунда сиздан айрилардим... хайрият, йўқотмадим.

– Онам... онам ҳам нахот марҳумлар ичида бўлса? Нега қабристонни кўрдим бўлмаса?

– Йўқ. Онангиз тирик бўлиши керак. Ўша атрофда яшар, балки.

– Чекка қабристон. Қурилиш ишлари бўлаяпти. Шаҳарга ўхшамади.

– Бирор белги, сўз, рақамни эслашга урининг.

– Рақамга кўзим тушди. Машина... юк машинасининг рақамлари Бухороники эди.

– Баракалла! Унда дам олиш кунлари сафарга чиқарканмиз.

ОШКОР БЎЛГАН СИР

Ўша куни Иброҳим билан келишиб олгач, уйда ойим билан саёҳат ҳақида гаплашдим. Начора, алдашга тўғри келди. Ойимга кутубхона жамоаси билан Бухорони айлангани кетаяпмиз, дедим. Рози бўлдилар. Охирги вақтлар ойим

ёлғизланиб колгандек. Менинг ҳаётимда туб бурилиш юз бергач, одатий кун тартибимиз ҳам ўзгарган. Ишдан сўнг авваллари ойим билан мириқиб суҳбатлашган бўлсам, энди хонамга қамалиб сеҳргарлик китобларини ўқийман. Бугун ойижонимнинг кўзларида муштокликни пайқадим. Тонггача ёнларида ётиб, гаплашиб чиқдик. Жодугар кизни асраб олганларидан беҳабар онагинам эса ҳаётда мендан бошқа ҳеч кими йўқлигини, бахтимни кўришни ишташини такрорларди.

Ҳозирча ўз бахтим ҳақида ўйлаганим йўқ. Ўйлолмайман ҳам. Аввало, кимлигимни яшириб турмуш курсам ҳам бир умр оддий одамдек яшай оламанми? Турмуш ўртоғим хабар топса-чи? Бу ҳам майли, тўнғич кизимга мерос бўлиб ўтадиган бу лаънати жодугарлик-чи?.. Фарзандим ҳам сеҳргарлик азобига дучор бўладими? Унга билдирмасам-чи? Ўз онам ҳам қизим бахтли бўлсин, жодугарлигини билмасин, деб мени ўзгаларга топириб юборгандир. Бироқ барибир билдим-ку? Қизим ҳам кун келиб хабар топади-да!

Муҳаббат, оила, фарзандлар, келгуси ҳаёт ҳақида ўйлаш қўрқинчли. Умуман, ёлғиз ўтганим афзалроқ. Фарзанд кўрмайман, қарабсизки, жодугарлик ҳам

поёнига етади. Майли, буларни кўя турай. Аввало, Иброҳимга ёрдам беришим керак. Ваъда қилганман. Тукқан онамни топсам, барини билиб оламиз. Тентак Марямни деб минг йилдан бери оворагарчилик. Ўт тушсин бунақа умрбоқий муҳаббатга!

...Иброҳим билан Бухорога кириб борганимизда куёш тикка келганди. Қоронғи тушгунча ўша қабристонни изладик. Шаҳар четроғидаги беш-олти қабристонни кўздан кечирдик. Мен кўрганимга ўхшамади. Ниҳоят, кичик бир қабристонни олисдан танидим. Унинг ёнида янги бинолар қурилаётганди. Худди кеча кўрганим – юк машинаси ҳам турибди!

– Келдик!

Иброҳим хурсанд бўлиб, атрофни кўздан кечирди. Қабристон ёнидаги эски уйлар бузилаётганди. Уй эгалари аллақачон кўчиб кетишган, чоғи, кимсасиз. Лекин қабристон орқасидаги якка турган бир кулбанинг чироғи ёниқ эди. Иккиланиб эшикни қокдик. Олтмиш ёшлардаги, дўппи кийган киши очди.

– Шу қабристоннинг гўрковиман, – саломлашгач ўзини таништирди у, – нима хизмат, ўғлим?

– Билмайсизми, шу атрофда Розия исмли аёл яшамайдими?

– Нега сўраяпсиз? Розия аёлим, уни излаяпсизми? – чап томондаги ёзги офилда сигир соғаётган аёлга имо килди у.

Иброҳим аёлга синчиклаб бокди. Мен ҳам бор вужудим билан тикилдим.

– Ўзлари... – деди Иброҳим менга қараб қўйиб. – Биласизми, ота, бу қиз... Розия опани кўзлаб келганди. Қариндоши экан.

– Шундай демайсизларми, болаларим, кани уйга киринглар унда, – чол бизни ичкарилатиб, офил тарафга қараб аёлни чақирди. Бизга бир-икки назар ташлаган аёл, аниқроғи онам челақни кўтариб ийманганча кулбага кирди.

– Ассалому алайкум... келинглар, меҳмонлар.

Иброҳим иккимиз онамга тикилиб қолдик. Менинг тилим айланмасди, хартугул Иброҳим хол-аҳвол сўраб орадан ноқулайликни кўтарди. Кичик хонтахта атрофига ўтирилгач, фотиҳа ўқилди. Гўрков киши ҳам фаҳмли экан, чой қўйиш баҳонасида ташқарилади.

– Розия опа, – бизни танимай каловланиб турган онамга қараб мақсадга кўчди Иброҳим, – бу... Нурангиз. Уни биласиз-а?

Онам бирдан ток ургандек чўчиб тушди. Менга яхшилаб разм солди-да, тез-тез гапира кетди:

– Бу ердан кетинглар. Сен Иброҳим-мисан? Барибир излаб келибсанда. Изимни топмагин, деб шу ерларга келгандим. Одамларга кўшилмай, шу қабристонда гўрков билан яшадим. Эх, бу тақдир! Уни танимайман, – онам менга имо қилди. – Барини унутинглар, мен оддий бир аёлман.

Онамнинг гапларидан асабийлашдим. Шу пайтгача онам билан юз кўришгач, кучоқ очиб кўришамиз, йиғлашамиз, деб ҳаёл қилибман. Қаёқда, онам ҳатто мен билан гаплашмади.

– Ахир кизингиз... – ҳолатимни пайкаган Иброҳим бўш келмади, – яшири-нишдан не наф, у жодугар-ку? Топиш қийин бўлмади, Розия опа. Барчасини биламиз, сиз ҳам биласиз. Сиз асраб келган китобларда ҳам Нурангизни излаб келишим башорат қилинган.

– Бари сафсата! – онам ўрнидан туриб кетди, – ҳеч ким жодугар эмас. Қизим ҳам, мен ҳам оддий одаммиз, тушундингми, Иброҳим? Сени алдашган. Минг йил яшаган бўлсанг ўзингга! Бизнинг ҳаётимизга аралашма. Нурангизни тинч қўй. У сенга барибир ёрдам беролмайди. У... у тинч яшаши керак, билдингми?

– Унда нега мени ташлаб кетдингиз? – бўғзимдаги аламни ютиб, аранг

тилга кирдим мен. Яна сўзласам йиғлаб юборишимни ўйлаб юзимни четга бурдим. Онам чидолмади: хўнграганча оёқларимни кучди.

– Иброҳим сени топмасин, дегандим, болам. Унга ишонма! Жодуга сенинг алоқанг йўқ! Оддий одамдек яша, қизим. Мен ҳам шунга уриняпман. Бизнинг айбимиз нима? Йўқ, бари тугаган! Жодугарлик даври ўтиб кетган. Иброҳим, Нурангизни ўз оиласига қайтарда, тинч қўй уни. Ким, ким айтди сенга жогурсан деб?

– Иброҳим... – дедим ҳиқиллаб. Негадир шу пайт Иброҳимга эмас, онамга ён босаётганимни пайқаб қолдим. Худди жодугар эканимга у айбдордек, Иброҳимга алам билан тикилдим.

– Нурангиз... – ух тортди Иброҳим. – Мен ҳеч кимни алдамаганман. Нега тушунмайсиз, Розия опа, менга шунчаки жодунинг ечилиш сири керак. Минг йилдан бери яшаш мана бу еримга келди! Айтинг, сиз биласиз-ку! Марямдан қолган ўша китоблар сизда-ку, тўғрими? Уни Нурангизга бермаганиз. Қоида бўйича, китоб унга ўтиши керак эди. Шунда мен ҳам бу балодан қутулардим!

– Сири йўқ, дедим-ку? Башоратлар алдамчи. Марям момо хаёлига келган

нарсаларни ёзаверганда. Сен ҳали кўп яшайсан, Иброҳимжон. Бор гап шу. Нураниз буни ечолмайди. У... у ҳам яшайди. Фақат унга ҳалал бермасанг бўлди.

Иброҳим иккисининг баҳсини тингларканман, онам мени нимадандир авайлаётганини, асраётганини сездим. Жодугарликданми? Лекин бу аён бўлган-ку? Унда нимадан? Нега Иброҳимни ёмон кўради? Башоратларда нима дейилган экан ўзи?

– Ўша китобни ўқишим керак! – дедим уларнинг баҳсига нуқта қўйиб.

Иброҳим менга мамнун, онам эса ҳадик билан назар ташлади.

– Бунга ҳаққим бор! Илтимос, – она дейишга тилим келишмай, тутилдим. – Менга кўрсатинг. Иброҳим сиз ўйлагандек ёмон одам эмас. Унга кўмак керак. Сиз ва менинг кўмагимиз.

Онам шалвираб бошини эгди.

– Китобни беролмайман, кечир, қизим.

– Нега ахир?

– Аллақачон ёкиб юборганман. У бизга фақат укубат келтирган.

– Розия опа, у китобни ёкиб ҳам, йиртиб ҳам бўлмайди. Мен биламан-ку, Марям уни химоялаш учун минг йилга чидамли қилиб битган. Аммо афсуски, мен ўқий олмайман. Иложи бўлганда

аллақачон аждодларингиздан ўмариб кетардим. Сатрларни фақат жодугарлар кўра олиши ҳам аён менга. Нурангизга беринг, ўтиниб сўрайман. Минг йиллик сирни билишим керак.

– Бермасангиз, кетмаймиз, она... мен шунинг учун яралганман. Тақдирим шундай.

Чорасиз қолган онам менга сокин нигоҳларини тикди.

– Кейин афсусланасан, қизим, – шундай дея беҳол ўрнидан туриб ичкари хонага кириб кетди. Тахмондан кўрпаларнинг ағдарилаётгани эшитилди. Онам қўлида кичиккина тилларанг эски китобчани олиб чиқди.

– Мана, – қўлимга берди уни. – Жодунинг ечими шу ерда.

Иброҳим аллақандай хаяжон билан ёнимга ўтирди.

– Ўқинг, Нурангиз...

Онам кулбадан чиқиб кетди. Китобни очдим. У ерда мен ўзлаштирган эски алифбода бир неча жумла ёзилган эди: ўқидим... қайта-қайта ўқидим.

– Хўш, – бесабрлик билан оғзимни пойларди Иброҳим.

Кулиб юбордим. Алам билан. Онам айтгандек, афсус билан.

– Нурангиз... сизга нима бўлди? Жоду сири нимада экан?

– Жуда оддий экан-ку, Иброҳимбек. Тентак Марямингиз хўп ўйлаган эканда, жодунинг якунини. Минг йилдан кейинги вакиланинг қони тўкилгач, барча жодулар ечилади. Шу тариқа, халос бўласиз. Окилона ечим!

– Тушунмадим, кимнинг қони?

– Менинг-да! Қисқаси, қасос. Сизни жодулаган Марямнинг авлодларидан қасд оласиз, яъни мендан.

Иброҳим жиддий тортди. Китобчани қўлига олиб четга ирғитди-да, ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Онам дархол ёнимга келди. Мени бағрига босиб, сочимни силади.

– Мени кечиринг, она... сиз истагандек оддий инсон бўлиб яшолмадим.

– Иброҳим сирдан хабар топиши керак эмасди... Сен бўйимда бўлганингда мени кимдир кузатиб юрганини пайқаб қолдим. Агар башоратни билиб қолса, сени ўлдиришини ўйлаб оламга сиғмай кетдим. Жигарбандимни бағримдан юлиб ташлаб кетиш нечоғлик оғир бўлмасин, мажбур бўлдим. Лекин тақдирни ўзгартириб бўлмади...

– Уйқим келяпти, онажон... бари туш бўлсайди.

Онамнинг элас-элас эшитилаётган алласи остида ухлаб қолибман.

ИБРОҲИМНИНГ ҚАРОРИ

Тонг отгач, қаймоқ ва иссиқ нон қўйилган дастурхонга кўзим тушди. Аммо ҳеч нима егим келмасди. Онам билан чой ичдик.

– Отаси тонг сахардан бозорга кетди, – деди онам чалғиш учун у ёқ-бу ёқдан сўзлаб. – Ҳар якшанба бозорга тушади. Ўн йилча бўлди... шу кишига турмушга чиқдим. Ёлғизлик азобидан қутулмоқ учун.

– Менинг отам ким эди, она? – бирдан хаёлим отамга кетди. Шу пайтгача бу ҳақда сўрашга имкон бўлмаганди.

– У яхши инсон эди. Кимлигимни билмасди. Мен ҳам эл қатори яшаш учун сира жоду билан шуғулланмаганман. Та-лабалик пайтларимиз даданг билан бир-биримизни ёктириб колдик. У ҳам мен каби етим эди. Икки ёрти бир бутун бўлдик. Тўйимиз курсдошлар даврасида камтаргина ўтди. Ота бўлишини эшитгандаги қувончини кўрсанг эди... «Болам

мен каби меҳрга зор ўсмайди, у энг бахтиёр инсон бўлади», деб ният қиларди. Аммо бир куни бетоб бўлиб қолди. Шифокорлар унга бедаво касаллиги, санокли ойлари қолганини айтишган. Мен буни аввалига билмагандим. Отанг касаллигини яшириб, «йўлларимиз айро, мени унут», деб ташлаб кетди. Қорнимда болам билан бўзлаб қолавердим. Ундан аввалига нафратландим. Бир куни жуда қумсадим. Хаёлан бўлса-да, кўргим келди. Уйда қолган буюмларини ушлаб жоду орқали топдим ҳам. Хаёллар тизгини мени касалхонага элтди. Озиб-тўзиб кетган эримни кўриб бошим ҳушимдан учди. Дарҳол етиб бордим. Шунда бари аён бўлди. Ҳомиладорлигим учун ўлимини кўтара олмаслигимни ўйлаб ташлаб кетган эди, раҳматли. Уйга олиб келиб бир неча ҳафта парваришладим. Қўлларимда жон берди... Ҳа... у мени чиндан ҳам ташлаб кетди. Кейин сен туғилдинг... афсуски, сендан ҳам айрилишимга тўғри келди.

— Дадамнинг жойлари жаннатда бўлсин, — юзимга фотиҳа тортдим. Кўз олдимда юзлари маъюс жилмайиб турган нурли бир сиймо гавдаланди. Уни ўзимча отам деб атадим. Хаёлан видолашдим. Туғилмасимдан олдин бу дунёни тарк

этган дадам, мени деб сарсон, бебахт
яшаган онам... ва ўлимга маҳкум қиз.
Нақадар шафқатсизлик!

Иброҳим қаерда экан...

Онам билан хайрлашдик.

– Омон бўлсанг, бас кизим. Сен жодугарсан, Иброҳимдан қочиб юриш қўлингдан келади. У сени тополмайдиган ерларга кет.

– Беркиниб яшашдан ёмони йўқ, она. Ўзингиз биласиз-ку... тақдирда борини қўрарман. Кейин... Иброҳим яхши инсон.

– Яхшими, ёмонми, у ҳам минг йил шу жоду сирини излаб яшади. Топганида жим кетмайди.

– Қайдам. Сиз ҳам омон бўлинг. Тирик бўлсам, ёнингизга яна келаман.

Тошкентга кайтдим. Сафар таассуротларини иштиёқ билан сўраган ойимга кулиб қўйдим:

– Ҳали бундай яйрамагандим! Янгиликларга бой бўлди.

Эртага ишга бориш керак. Иброҳим мени осонгина топа оладиган ўша жойга...

Аммо Иброҳим келмади. Орадан бир ой ўтди. Бошида хадик билан эшикка тикилган бўлсам, энди соғинч билан термиладиган бўлдим. Иброҳимга жуда ўрганиб

қолган эканман. Танбеҳларидан тортиб тарихдаги қизик воқеаларни сўзлаб беришигача жуда соғиндим. Дўстимдек бўлиб қолган инсоннинг ҳам аҳволи меникидан чоғ бўлмаса керак. Ахийри, ўзим йўқлаб боришга аҳд қилдим.

Эшикни жиринглатдим. Жавоб бўлмади. Чора қолмагач, сеҳр билан қулфни очишга тўғри келди. Аста ичкариладим. Аммо кўзим бўм-бўш хоналарга тушди. Иброҳим кўчиб кетган эди... Ортимга бурилиб кетишга чоғланган эдим, кўзим эшик орқасига илинган бир парча қовозга тушди.

«Нурангиз!

Мабодо мени излаб уйимга келсангиз, бу мактубни албатта ўқийсиз. Сизни билман, барибир мендан қочиб кетмайсиз. Шунинг учун ўзим кетишга қарор қилдим. Мен олисларга кетаянман. Эски манзилларимдан бирига қўним топиб доимгидек яшайвераман. Мен ҳақимда қайғурманг. Узоқ яшаш, билсангиз, унчалик ёмон эмас. Турли юртларни кезасан, янги инсонлар билан танишасан, илм ўрганасан. Бу сафарги саёҳатим соз ўтишига ишонаман. Энди аллақандай жоду сири, лўлилар қавми ортидан пойлаб сарсон бўлишга ҳожат бўлмайди. Умуман, чарчаган эдим.

Бирор оролга бориб дам олсамми, деб ўйлаб қолдим. Буёғига ҳаётдан завқ олиб яшамоқчиман. Яна минг йилми, ундан ҳам кўпми, фарқи йўқ. Сиз ҳам ўз ҳаётингиз билан яшайверинг. Мени ҳам, башоратларни ҳам унутинг. Онангиз истаганидек, оддий одамлардек бахтиёр яшанг. Сеҳргарлик китобларини эса иложи бўлса ёқиб юборинг. Бахтли бўлиш учун жоду керак эмас.

Сиз билан умрбод учрашмасликни тилаб Иброҳим».

Мактубни олиб, сумкамга солдим. Уни топиб олмаслигим учун уйда заррача буюминини қолдирмаганди. Ҳатто ахлат челақлари ҳам бўш. Иброҳимнинг қарори тўғрими? Бу ҳақда узоқ ўйладим. Икки йилдан сўнг эса Иброҳимнинг учрашмаслик борасидаги тилаги ушалмаслиги маълум бўлди. Бунга ҳаётимда бошланган галдаги воқеа сабаб бўлганди.

ЯНГИ МЕҲМОН

Икки йил Иброҳим истаганидек, ўзимнинг жодугарлигимни ҳам, сеҳру амалларни ҳам ўйламай яшадим. Кутубхонада эски хотираларим ёдимга тушмаслиги учун у ердан кетдим. Тарих

йўналиши бўйича магистратурага ўқишга киргач, ўқиш ва изланишлар билан чалғиб яшай бошладим. Ойимнинг орзуси эса ҳали ушалмади: бир уйнинг бахтли келинчаги бўлганимча йўқ. Чикқан совчиларга ўқишни баҳона қиялпман. Жодугарлигимни баҳона қилсам ҳам бўларди-ю, аммо маҳаллада кип-кизил жиннига чиқишни истамадим. Хуллас, ойим билан бу мавзуда ҳеч чиқиша олмаймиз.

Ўз онамни эса бир неча бор йўқлаб бордим. Иброҳимнинг кетиб қолганидан хурсанд бўлган онам ҳам ортиқ яшири-ниб яшашни истамади. Эрини кўндириб, шаҳарга кўчиб ўтишди. Шу ерда бир фабрикага ишга жойлашишибди. Ҳаётлари аввалгидан анча мазмунли бўлиб қолганидан мамнун бўлдим. Ойимдан фарқли ўлароқ ўз онам турмушга чиқишимга унча хайрихоҳ эмас. Бошларидан ўтганда... Аммо эл қатори бахтли яшашимни истайди. Онамга бу дунёда тирик бўлсам бас. Бир неча марта ойим билан танишишга ундадим, аммо хоҳламадилар. Мени боқиб олгани учун миннатдор, бироқ тинчини бузгиси келмади. «Сен унинг қизисан, унутма. Ойингни ранжитма», дейдилар доим.

Мен эса икки онам ғамхўрлигида тинчгина яшаб келаётгандим.

Бир куни дарсдан сўнг олийгоҳ биноси ёнида қора машина мени кутиб турганини ички сезгим билан пайкагач, кўнглим нотинчланди. Барибир жодугарлик таъсири-ми, машинадан тушиб мендан кўзларини узмай турган озғин ва новча кишининг оддий инсон эмаслигини ҳис этдим. Парво қилмай ўтиб кетмоқчи эдим, у гавдасига ярашмаган бўғиқ овозда мени чақирди:

– Нурангиз!

Баданимдан совук тер чикқандек бўлди. Иброҳимдан бошқа ҳеч ким мени Нурангиз деб атамаганди. Ҳатто тукқан онам ҳам эски исмимни айтмас, Фарангиз дерди. Ортимга ўгирилиб, бор нигоҳларим билан нотаниш кимсага тикилдим.

– Ҳа, сизни чақиряпман, – имлади ўзи томон у, – бу ерда сиздан бошқа Нурангиз бўлмаса керак?

– Сизга нима керак? – аста яқинлашдим унга, – исмимни қаердан биласиз?

– Эшитган жойимиз бор. Балки холироқ ерда гаплашиб олармиз.

– Раҳмат, бундай суҳбатлар менга омад келтирган, дея олмайман! – шундай деб кетиб қолдим. Кимсанинг ортимдан жим қолгани яхши бўлди. Аммо сал юрганимдан кейин у машинасида мени кузатаётганини сездим. Автобусга миниб

хам у изма-из келаётганини кўрдим. Уйгача борсам, манзилимни билиб олишини ўйлаб, ярим йўлда тушдим. Йўлимни анҳор томон бурдим: бу ерга машина сиғмайди, барибир. Шошиб кета бошладим, анҳорни кесиб чиксам, уёғи яқин қолади уйгача. Лекин канчалик шошмай, кимса уловидан тушиб менга қараб югуриб келаётганини кўриб қолдим. Атроф кимсасиз эди, кун иссиғида хатто қушлар ҳам ўзини панага урган.

Тўхташга мажбур бўлдим. Барибир етиб олади ёки уйгача сичқон мушук ўйнаб чопишимизга тўғри келади. Ёнимга етиб келишини кутдим.

– Қочиб овора бўлманг, ойингизни безовта қилиб ўйингизга бостириб киришимни истамассиз, – деди у ҳаллослаб тўхтаркан, – бунинг устига ойингизнинг қон босими бор, бунақа тўполонлар унга ёкмайди.

Юрагим яна шувиллади. У мен ҳақимда кўп нарса билиши аниқ. Аммо сир бой бермай нима керак, дегандек қўлимни белимга тирадим.

– Менга ёрдамингиз керак, – анҳор ёнидаги ўриндикқа чўккач мақсадга ўтди у, – кимлигингизни биламан. Озмунча изладимми сизни. Исмингизни ўзгар-

тирганингиз учун топиш кийин бўлди. Аммо онангиз орқали топдим, ниҳоят!

– Қайси онам? – деб юбордим беихтиёр.

– Бухородаги-да, ўз онангиз! Адашмасам, мана бу китоб сизларга тегишли эди, – нотаниш кимса қўйнидан митти китобчани чиқарди. Бу ўша, минг йиллик жоду сири яширинган, онамда қолиб кетган мерос китоб эди!

– Қа... қаердан... – тилим тутилди.

– Онангиздан олиш осон бўлмади. Лекин мен истаганимни олмагунча қўймайдиган хилиданман. Ҳам китобча, ҳам сизнинг манзилингиз... бундай топилмадан нақадар шод бўлганимни таърифлаб беролмайман!

– Онам... – ўрнимдан туриб кетдим, – онамга нима қилдингиз? Агар унга бирор зиён етган бўлса, касам ичаманки...

– Хай, хай, ўзингизни босинг. Ўлибманми, жодугар билан ўйнашиб. Онангиз ўз уйида, фақат ёнида қоровулларим бор. Менга ёрдам берсангиз бас, онангизга ҳеч нима қилишмайди. Китобчани ҳам қайтарамиз, яна аввалгидек яшайверасизлар. Мана, ишонмасангиз гаплашинг!

У қўл телефонида рақам терди, тезда жавоб бўлди.

– Гўшакни аёлга бер, – деди кимса, сўнг қулоғимга телефонни тутди.

– Ало! Ало! – дедим жон ҳолатда, – онажон?

– Фарангиз... мени кечир, – нарийёдан онамнинг йиғиси эшитилди.

– Омонмисиз, улар сизга ҳеч нима қилмадими?!

– Мени ўйлама, яхшиман... ўз жонингни асра, қизим!

Кимса телефонни тортиб олди ва ўчирди.

– Мана, гаплашиб ҳам олдинглар. Энди ишга киришамизми, йўқми?

– Нима керак ўзи? – дедим титраб.

– Энди ўзингизга келдингиз. Қани кетдик, қолганини бошқа ерда гаплашиб оламиз...

Биз машинага ўтирдик. У ерда яна икки киши бор эди: шотирлари шекилли, ўтиришим билан кўзларимни бойлашди.

– Бу хавфсизлик юзасидан, – тушунтирди кимса.

ҚАБРИСТОНДАГИ ТУН

Машина анча юрди. Етиб келгач ҳам машинадан кўзларим бойлоқ холда туширишди. Бироз пиёда юрдик. Ерлар ўнқир-чўнқир, тошли эди.

– Энди кўзларни очсак ҳам бўлади...

Кўзларимни очиб қабристоннинг қок ўртасида турганимга гувоҳ бўлдим.

– Қўрқманг, Нурангиз хоним. Ўликлар бизга ҳалал бермайди. Аввало, сизга ўзим ҳақимда бироз гапириб берсам. Исмим Холикбей, ёшим 458 да. Бир вақтлар ўз давримда шаҳарнинг энг олди савдогари эдим. Бироқ бир кампирнинг жодуси деб шунча яшашга мажбур бўлдим!

– Минг ёшлиларни ҳам учратганман, – мийиғимда кулдим, – сиз нима бўлибсиз?

– Тажрибали жодугар кўринасиз, бундан хурсандман, – икки кўлини ишқалади у, – демак, гап бундай! Қабристондаги хилхонамизда менинг жуфти ҳалолим ётибди. Ўлганига тўрт юз йиллар бўлди.

– Нима бало, сизлар ҳам ўлимтопмас жодусини ичиб ишни чала қилганмисизлар, дейман? Сиз ичиб, хотингиз ичолмай...

– Мени жодулашган, дедим-ку. Аммо хотиним бундан беҳабар эди. Сиримни билгач ҳам у билан эллик йил яшадик. Кейин у қариб ўлди. Мен эса тирикман.

– Сизам ўлишни истайсизми? Нега ҳаммаси шундай-а?..

– Йўқ, мен яшашни хоҳлайман! Фақат ёлғиз эмас, хотиним, болаларим билан... Уларни жуда соғинганман. Башорат ки-

линган вақтни узок кутдим. Нурангиз исмли жодугарнинг қони ҳамма амални еча олади, деган гапни эшитгач...

– Тушунарли, сизам мени ўлдириш пайида экансизда.

– Сизни ўлдириб нима қилдим, Нурангиз? Оиламни тирилтириб берсангиз бўлди!

– Эсингиз жойидами? Ўлган одамни тирилтириш бизнинг қўлимиздан келмайди. Бўлмаса, ҳамма ёқни тирилган ўликлар босиб кетарди!

– Китобни яхшилаб ўқинг ва уқинг, Нурангиз! Унда «ворис киз қони ўлим ва ҳаёт бағишлайди», деб ёзилган! Эвазига нима истасангиз, ҳозир қиламан! Бор бойлигим садқа бўлсин!

– Нотўғри тушунибсиз! Ҳаёт бағишлайди, деганда иккинчи ҳаёт назарда тутилган. Яъни жоду ечилиб, оддий одамдек янги ҳаёт бошлайсиз.

Холиқбей деганлари ерга чўкиб тупрокни фижимлади. Ҳали гердайиб турган кимсанинг ер билан битта бўлиб кўз ёш тўкиши кўнглимни эритди. Қўпол муоамламни тўғирладим:

– Тушунинг, Холиқбей ака, қўлимдан келса ёрдам берардим. Билдим, суюмли хотинингиз экан... аммо начора, иложи

бўлганда ўлган отамни тирилтириб олмас-мидим?..

– Она мерос китобларингизда бари ёзилган! Қани шулар?!

– Барибир имкони йўқ... – дедим шалвираб. – Бунинг учун мен ҳам ўлишим керак.

– Нега энди?

– Ана китобчада ёзилган: ворис қизнинг қони тўкилиши керак, деб...

– Чала жодугармисиз, дейман? – ўрнидан турди Холиқбей, – қони тўкилиши бу ўлиши керак, дегани эмас-ку? Шу пайтгача жодугарлар бир томчи қони билан кўплаб амалларни ечганини кўрганман. Лекин ўлимтопмас жодусини ечиш фақат сизга мерос бўлиб ўтган...

– Нима? Фақат... бир томчи қон етадими?

– Билмасмидингиз буни?

– Йўқ, билганимда аллақачон Иброҳимга... хўп, бўпти, айтинг нима қилишим керак?

– Ха, ростданам ўкимаган жодугар экансиз. Жуда осон: қонингиз томчисини марҳум лабига томизасиз. Сўнг ҳаётбахш жодусини ўқийсиз. Шундан сўнг...

– Чинданам унинг тирилишига ишонасизми?

– Шубҳасиз.

Холиқбей йигитларига рухсат берди. Қабристонда ўзимиз қолдик. Бу вақтда кеч кирганди.

– Мана... – кўлимдаги тўғноғични маҳкам ушладим, – ундан аввал кўнғирок қилиб айтинг, онамни кўйиб юборишсин. Сўнг бажараман жодуни.

– Пишиксиз, Нурангиз, – у кўнғирок қилиб айтганимни бажарди, – онангизни ушлаб туришдан энди наф йўқ, хавотир олманг, йигитларим кетишяпти.

– Ишондим... Умуман, таҳдид қилмай, одамдек муомала қилганингизда сизга ёрдам беришга ҳаракат қилардим.

– Ўрганган кўнгил... шу пайтгача бирор жодугар одамдек ёрдам бермаган. Йиллар мени ёмон бўлишга ўргатиб қўйди. Шу кунгача қанча гуноҳ қилдим... кимни йиғлатдим, қақшатдим. Бойлик тўплаш, ҳаммадан устун бўлиш дардида умр кечирдим. Йўлимда қанча гўзалларни учратдим, кўнглимни хушладим. Лекин... ҳеч бири ўз оилам ўрнини босолмади.

Холиқбейнинг дийдиёсини эшитишга ҳушим бўлмай, гапини кесдим:

– Тун қиряпти, айтинг, хилхона қаерда?

У йўл бошлади. Мен умуман ўлган одамни тирилтира олишимга ишонмасдим.

Тўғри, бу дуо китобларимизда мавжуд эди, аммо чўпчакдан бошқа нарса эмас, менимча. Ворис киз қони бу дуони ишга сола олади, деган башорат нахот менга аталган бўлса? Нега айнан мен бўлишим керак ўзи? Нима бўлса бўлар, онамни кўйиб юборишган бўлса бас. Хайриятки, жоду учун менинг ўлимим шарт эмас экан. Энди Иброҳимга бемалол ёрдам бера оламан. Бир томчи қон ва ўлим-топмас дуосини ўқисам бас. Иброҳим азалий сеҳрдан қутулади ва яна 27 яшар йигитлик чоғидан ҳаётини қайта бошлайди.

Келгуси режаларимни Холикбейнинг гангур овози бузиб юборди.

– Киринг! – У эски дахмани очди, – ҳамма авлодларим шу ерга дафн этилган. Менга фақат хотиним ва болаларим керак.

– Болаларингиз нечта ўзи?

– Улар иккитагина эди, иккиси ҳам болалик чоғи чечакдан ўлиб кетган. Кейин мен жодуга чалиндиму, насл қолдириш имконидан маҳрум бўлдим.

Жодуланган инсонлар фарзанд кўра олмаслигини Иброҳим ҳам айтганди. Шунинг учун ҳам бировга уйланиб, болачақа қилолмаган.

– Майли, гўдакларда айб йўқ... – дедим ичим ачиб.

– Мана улар, – кўхна ва улкан тобутни кўрсатди Холикбей, – уларни атай кўмдирмаганман... қоқ суяклар қолган, холос. Ичида аёлим ва икки болам...

У тобутни очди. Гарчи жодугар бўлсам-да, ич-ичимдан титроқ келар, жуда кўрқардим. Умримда скелет тугул, ўлик кўрмаганман. Бунинг устига атроф қоп қоронғу, Холикбейнинг йилтираган кўзларидан бошқа нарсани илғамасдим. Ҳозир шу бир уюм суюклар жонланиб кетса, юрагим пақ ёрилиб ўлсам керак...

– Ишга киришинг... Сизни ташқарида кутаман.

– Йўқ, – дедим жон ҳолатда, – кетманг. Ўзи кўркувдан зўрға оёқда турибман.

– Жодугарлар ҳам кўрқадими? Тавба... майли, нарироқда кузатиб тураман. Кўркманг, бу ерда ўликлардан бошқа ҳеч ким йўқ.

– Шу ўликларда мени чўчитаётган! Тирилиб кетса, нима бўлади? Менга ташланиб қолса-чи?

– Хотиним ювош... болаларим ҳам беозор.

Оббо, одамни баттар кўрқитади. Нима бўлса бўлар. Барибир бундан бир иш чиқишига ишонганим йўқ. Тўғноғичим би-

лан бармоғимни тилдим ва марҳумнинг бош суягига базўр эгилиб, томиздим. Иброҳим барча жодуларни ёд олдирганди: ҳаётбахш дуо деган ўша узун жумлаларни пичирладим. Нима деганимни ўзим тушунганим йўқ, лекин.

– Бўлди! – дедим шарт ўрнимдан туриб. – Барчасини тўғри бажардим, буёғига жавоб бермайман. Энди кетақолай!

– Тўхта! Тирилишмаса, шу ерга сени кўмаман. Мен билан кутасан! – Холиқбей қўлимдан ушлаб ёнига ўтқизди.

Жодугарлигимни билишимдан аввалги 20 йил ичидаги сокин ҳаётимни кўмсаб, Иброҳимни учратган кунимга яна бир бора лаънат ўкиб унинг ёнига ўтирдим. Шу ерга дафн этиламан, чоғи.

Иккимизнинг вужудимиз кулоққа айланиб пусайиб ўтирибмиз. Холиқбей менга мамнун бокиб қўйди-да, ўрнимдан туриб суяклар сари юрди. Ўша ерда анча кутди. Кутилган ходиса юз бермади, шекилли жодуни қайта-қайта ўқитди. Тонггача айтганини қилдим. Аммо у орзу қилган тирилиш сахнаси юз бермади. Бермайдиям. Ўқиган барча китобларимда жодугарларнинг қўлидан ҳамма нарса келади, бироқ туйғулар ва ўлим бундан мустасно, дейилган. Рост экан. Холиқбей аввалига

узок вақт кўз ёш тўкди. Кейин жаҳл отига миниб қаршимда пайдо бўлди:

– Ўзинг истамаянсан буни! Алдадинг! Сенга ишониб онангни қўйиб юборгандим, жодугарлар, ҳамманг бир гўрсан! – шундай дея у мени орқага туртиб юборди. Бошим билан қаттиқ тошга йиқилганимни биламан, сўнг ҳушимни йўқотибман.

ХАЛОС ЭТИЛГАН УМР

Эртасига эрталаб кўзларимни очганимда ўз уйимда, тўшагимда ётардим. Ойим пешонамга пахта босяпти.

– Хайрият, турдинг, қизим, – юзимдан ўпди ойим, – туни билан алаҳлаб чиқдинг. Кеча ярим тунда бир киши олиб келди. Бекатда ҳушингдан кетиб йиқилган экансан, сенга ёрдам бериб шифохонага олиб борибди. Сўнгра уйга келтирди, барака топгур. Мен эса телефонингга тушолмай, жоним ҳалак ўтирган эдим.

– Қанақа киши? – дедим аланглаб. Кечаси кўрганларим тушмиди, деган хаёлга ҳам бордим.

– Новча, озғин бир киши.

– Вой... – ўрнимдан туриб кетдим, – демак, туш эмас!

– Нима?

– Ҳа, йўк... ёмон туш кўрибман. Бошим гаранг, ойи.

– Бошинг билан тушибсан-да. Ҳалиги киши сенга хат қолдирди.

Мактуб қискагина эди.

«Мени кечиринг, Нурангиз.

Холиқбей».

Бир кун ўрнимдан туролмай ётдим. Бедорлик туфайли мажолим қолмаган, лоҳас эдим. Ўзимга келганимдан сўнг ўз онамга сим қоқдим. Уйида тинч-омон ўтирганини билгач, кўнглим жойига тушди. Аммо онам мендан хавотирда эди.

– Сехр кучингни олиб қўяди, айникса, табиатга хилоф жодулар... Ўзингни асра. Энди бундай ҳолатлардан нари бўлгин, кизим. Маън этилган ишларни бажарсанг, аждодлар руҳи безовта бўлади. Оқибатда сехрингни йўқотишинг мумкин...

Аммо мен яна Иброҳим ҳақида ўйлай бошлагандим. Холиқбей айтганидек, бир томчи қон етарли бўлса, уни оддий инсонлар каторига қайтара оламан. Иброҳимни қаердан излаш ҳақида ўйлаб юрган кунларим Холиқбей яна қаршимда пайдо бўлди.

– Салом, Нурангиз! – бу сафар қўли кўксида қарши олди у, – саломатмисиз, ўқишлар билан чарчамайпсизми?

– Тузук, раҳмат.

– Сизга бир илтимос билан келдим. Ўтган сафар хато қилдим, бунни биламан. Табиатан сержаҳлманда ўзи...

– Ўлимтопмас сеҳридан халос бўлишни истасангиз, тезроқ ишга киришайлик, – дедим унинг мақсадини англаб.

– Ақлсиз-да, Нурангиз, ваъда қилганимдек, ҳақингизни бераман.

– Хизмат ҳақи керак эмас. Шу пуллариңизни ночор ва етимларга улашинг ва менга бердим, деб ҳисоблайверинг.

– Ҳа... чинданам бошқа жодугарларга ўхшамайсиз. Биласизми, онангизнинг дарагини топиб бериш учун бир лўли жодугарга бойлигимни учдан бирини беришга тўғри келганди. Истагингизни бажараман, бундан кўнглиңиз хотиржам бўлсин!

Машинага ўтирдик. Оддий ичимлик тўлдирилган қадахга карата ўлимтопмас сеҳрини ечувчи янги дуони ўқидим. У китобчада ёзилган эди. Сўнгра унга қон томдирдим. Ҳаммаси тўғри бажарилди.

– Хайр, абадий ҳаёт! – Холиқбей уни сипкорди.

Бироз жим турдик.

– Ўлмаслигимни қандай биламан энди? – сўради у.

– Қайдам. Бир неча йил кутинг...

– Кутиш шарт эмасдир, – у кўнжидан пичокча чиқариб билагини тилди.

– Битмаяпти, ҳатто оғрияпти... аввал бир зумда битиб қоларди жароҳатларим. Ҳатто юракка кадалган ханжарлар тиғи ҳам сонияларда ўз ўрнига қайтарди. Ана, битмаяпти! – хурсанд бўлди у.

– Унда яхши. Мен борай, бошим айланаяпти...

– Элтиб қўяман, – ташқарида кутиб туран ҳайдовчини имлади Холиқбей, – кетдик!

– Сиздан ўла-ўлгунча миннатдорман, Нурангиз!

У мени боргунча алқаб кетди, бироқ ҳеч нимани эшитмас, бошим ғувулларди.

Уйга кира солиб, ўзимни тўшакка ташладим. Уч кун уйқусираб ётдим. «Сенга кинна кирган», деб ойим ҳар кун исирик тутатади. Шифокор чақирмоқчи эди, кўнмадим.

– Ҳаммаси жойида, илмий ишим силламни қуритди. Дам олсам ўтиб кетади, ойи...

– Илмий ишинг ҳам бор бўлсин, ўзингни авайлагинда.

Холиқбей деганлари шундан кейин кўринмади. Энди бемалол Иброҳим ҳақида ўйласам бўлади. Аммо уни қаердан ва қандай топишни билмасдим. Менда би-

рор буюми йўқки, сеҳр билан изласам. Шу пайтгача яшаган манзилларини ҳам тўлиқ билмайман, бирма-бир кидирай десам. Бир кўнглим Холиқбейдан маслаҳат сўрай дедим. Балки у Иброҳимни танир. Таваккал деб у колдириб кетган рақамга боғландим.

– Сизга ўхшаб жодуланган йигит бор, исми Иброҳим, биласизми уни, Холиқбей? – дедим салом-алиқдан кейин.

– Иброҳим ҳақида эшитганман, аммо учрашмаганмиз. Мендан анча кекса йигит эди. Кўп кўчиб юради, қаердалигини билмайман. Агар жуда зарур десангиз, яҳудий бир жодугарни танийман. Айтгандим-ку, онангизни топиб берган, деб. У буюмларсиз ҳам ҳар кимни топа олади.

– Қаерда яшайди у?

– Араб давлатларида. Харажатини ўйламанг, олиб бориб келаман...

– Яхши, ўйлаб кўрайчи...

Ўзимга ўхшаган жодугарлар билан таниш эмасман. Демак, кучли сеҳргар эканда. Иброҳимни ўзим топсам, иш енгилашарди. Чорасиз ўрнимга чўзилдим. Шифтга термилдим. Бир пайт кўзларим хонамдаги жавон тепасида турган мис чойнакка тушди! Нега бурнимнинг тагида турган бу буюмга эътибор қилмадим?

Ахир Иброҳим буни менга совға қилганди.
Демак... уни топа оламан!

Тонг отишини кутдим. Унгача кўзимга
уйқу келмади. Куёш нурлари атрофга та-
рала бошлагач, дархол ишга киришдим.
Чойнакни маҳкам ушлаб кўзларимни юм-
дим. Лабларим пичирлаган дуодан сўнг
хаёллар мени олисларга элтди. Иброҳим...
уни кўраяпман. Бир нималарни ёзиб ўти-
рибди. Кундалиги бўлса керак. Ёнида бир
қиз. У журнал ўкиб ўтирибди. Шинам
хона. Аммо каер? Хаёлларимни дераза
тараф бурдим. Ташқарида денгиз мавжла-
нардн. Белги излай бошладим. Кўп ўтмай
топдим ҳам: пляждаги тамаддихоналардан
бирига «Жаддебостан» деб ёзилганини
илғадим. Кўзларимни очдим.

Жодугар бўлсам-да бу номнинг нима-
лигини аниқлолмадим. Шунда давримиз
мўъзижаси Интернетга мурожаат қилдим.
Икки сониядаёқ манзилни топдим. «Жад-
дебостан» номли пляж фақатгина Истан-
булда жойлашган экан. Суратларини ҳам
томоша қилдим. Мармар денгиз қирғок-
ларида жойлашган, жуда гўзал жой экан.
У ерга аэропортдан такси ёлласам бас, бир
зумда етиб оламан! Унгача эса Иброҳим
жойидан жилмай денгиз манзараларидан
бахра олиб тинчгина ўтирса бўлди.

Начора, эрта тонгдан Холикбейдан пул сўрашга тўғри келди. Бир неча бор пулингиз керакмас, деб айтгандан кейин сўраш нокулай бўларкан. Бошқа илож йўқ, чет элга чикиб қайтиш учун маблағим етарли эмас. Холикбей илтимосимни эшитиб, бажонидил рози бўлди.

– Хайдовчим элиб беради. Ўзимнинг сал мазам йўқ. Тўрт юз йилдан бери касал бўлмагандим, ғалати бўларкан.

Унга соғайиб кетишини тилаб хайрлашдим.

Ойимга эса бир-икки кунга илмий ишим юзасидан яна Бухорога кетаётганимни айтдим.

ИБРОҲИМНИ ИЗЛАБ

Мармар денгизи сохилларига етиб борганимда тонг ёришганди. Катта пляждаги ўнлаб катта меҳмонхоналарга караб, Иброҳимни қаердан излашга бошим котди. Ўзим кўрган «Жаддебостан» тамаддихонасида биров ўтириб шарбат ичдим. Адашмасам, унинг хонаси шу ердан тўғрига караган эди. Рўпарамдаги хашаматли меҳмонхонада экани аниқ. Хонама-хона изғиб юргунча шу ердан кўз узмай кута қоламан. Ташкарига чиқар, ахир...

Кун тик келгунча ўтирдим, аммо зерикмадим. Денгиз бўйида зерикишга ҳожат борми? Соҳилларда ўйнаб қувнаб юрган болалар, севишган ёшлар, ўриндиқларда мутолаага берилган кексалар, қумга дастурхон ёзиб тамаддига чоғланган оилаларни кузатиб ҳавасим келди. Аммо мен дам олишга келганим йўқ. Мен бошқалар катори яйраб яшашга ҳақсиз жодугарман. Денгиз соҳилларини кезиш учун шеригим ҳам йўқ. Сухбат қуриш учун дўстлар йўқ... кўнгилдош йўқ. Хуллас, буёғини ўйлагим келмади.

Энди хонама-хона излаш учун ўрнимдан турган эдимки, қаршимда хандон отиб қулганча келаётган бир йигитга кўзим тушди. У Иброҳим эди. Замонавий либослар, янгича соч турмаги, қора кўзойнакда уни танишим қийин бўлди. Ёнида бир хурликони белидан ушлаганча тўғри мен ўтирган тамаддихонага киришди. Икковлашиб коктейль буюртма қилишди ва ёғоч стулга чўкишди.

Иягимни қўлимга тираганча уларни томоша қилиб ўтиравердим. Қиз ҳам чет элликка ўхшайди: малласоч, мовийкўз, окбадан. Бир-бирларига тикилган нигоҳлари эса «еб қўяман», дейди. Йигитларнинг бари бир гўрда ўзи. Минг ёш

бўлса ҳам уялмаганини қаранг, деб чи-
мирилдим. Енгил томоқ киришим Ибро-
ҳимни мен томонга қаратди. Қош қоқдим.

Иброҳим аввалига ҳайрон бўлиб котиб
турди-да, гўзал малагидан узр сўраб ме-
нинг ёнимда пайдо бўлди.

– Нурангиз... сиз бу ерда...

– Бир денгиз шаббодасида шамоллаб
кетай дегандим. Бундай қарасам, туриб-
сиз тиржайиб... дунё тасодифларга тўла-
да!

– Мени қандай топдингиз? – кўзой-
нагини олиб жиддий тортди у. – Сизни
бошқа кўрмайман, деб ўйлагандим...

– Маза қилиб дам олиб юрганингизни
билганимда мен ҳам шошиб келмас эдим.
Бу киши эзилиб, қийналиб, бағрини захга
бериб ётгандир, десам...

– Мактубда ёзгандим-ку, буёғига бах-
тиёр яшайман, деб! Менинг ҳам ҳақим
бор, ахир.

– Қаердан билай, мени овутиш учун
шунақа хат ёзибсиз, дебманда. Ўзи икки
йил сизни эслаганим ҳам йўқ эди. Бирок
бир воқеа бўлиб... – Иброҳимнинг мени
қувониб эмас, тумтайиб кутиб олганидан
жаҳлим чикди. – Ҳа, майли сизларга ха-
лал бермай. Мен кетдим!

– Шу ергача келиб қайга кетасиз энди? Нега излагандингиз мени ўзи?

– Ҳар холда, соғингандан эмас. Бу хабар сизни хурсанд қилишига ҳам шубҳаланиб қолдим... Хулласи гап, сизни жодудан халос эта оламан. Истайсизми шуни?

Иброҳим жим қолди. Бир малласоч хонимга, бир шошқин тўлқинларга, бир менга қарарди. Нигоҳлар ўйини тугаб, икки қўлини бир-бирига урди:

– Истайман! Лекин сиз...

– Менга жин ҳам урмайди. Бир томчи қон йўқотиб зарар кўрмасман.

Иброҳимга Холиқбей билан учрашувимиз, жодунинг ечилиш сирини айтиб бердим. У пешонасига шапатилади.

– Энди хонимингиз билан хайрлашасизми? Ё уни ҳам олиб кетамизми? Жодудан халос бўлгач, бахтли ҳаёт кечирарсизлар балки?

– Қўйсангиз-чи, Нурангиз. У ўзининг бу қиска ҳаётида саноксиз махбубларни учратган бўлса ажабмас. У билан ҳозирок хайрлашамиз. Мен... мен янги ҳаёт бошласам-да, хонимлар ҳақида ўйлаш ниятим йўқ.

– Яна ёлғизлик денг? Минг йиллик танҳолик камлик қилдими? Қўйсангиз-чи,

Иброҳим, китобий гапларни унутинг. Бу ҳаёт! Кўнглингиздагидек муҳаббатингиз учрайди хали. Ҳар холда, у оддий инсон бўлади, деган умиддаман. Яна бошқа жодугарнинг қўлига тушиб қолманг! – қаҳ-қаҳ отиб кулдим.

Иброҳим ҳам кулгимга қўшилди. Уни биринчи марта шодон кўришим эди.

– Нарсаларимни йиғиштирай. Ватанимга қайтаман. Ўша ерда жодудан халос бўлиб, қолган умримни тинч ва хотиржам ўтказаман. Севимли касбим билан шуғулланиб! Эҳ, бу орзу мени нақадар қийнаганини билмайсиз, Нурангиз! Кўчиб юриш, муқимсиз ҳаёт, зерикарли дунёдан қанчалик тўйганимни... Энди зерикмайман. Қисқа ҳаётда ишлашга, ибратли умр кечиришга интиламан. Ҳатто доимий иш жойим бўлади! Буни ўйлашнинг ўзи завқли!

– Оилангиз, фарзандларингиз бўлади, муҳими, Иброҳим. Ҳеч қачон ёлғиз бўлмайсиз. Сиздан бир из қолади бу ҳаётда.

– Оила... уни нималигини ҳатто унутиб юборгандим. Майли, сиз истагандек бўлади бари, Нурангиз. Ахир сиз тухфа этаяпсиз менга бу имконни. Тез чиқаман! Кетиб қолманг яна!

Иброҳимни ташқарида кутиб турдим. Бўйнимдаги такинчоқни ўйнаганча яна денгизга тикиламан. Иброҳимни халос этганимдан сўнг бу жодули такинчоқни мана шундай катта денгизга улоқтираман. Шунда бари тугайди. Мен бу тошсиз жодулай олмайман. Кейин... Иброҳим билан ҳам кўришмасак барини унутаман.

Тошкентга қайтдик. Дам олиб кучга кирганимдан сўнг, эрталаб Иброҳим билан хиёбонда кўришдик. Дарахтлар соясидаги ўриндикқа ўтирдик, тонгда бу ерларда ҳеч ким бўлмасди.

— Яхшилаб ўйлаб кўрдингизми? Балки оддий инсонлардек яшаш сизга ёқмас, — дедим ишга киришишдан аввал, — дунёда қанча инсонларга Вақт етишмайди. Сизда эса бу етарли. Ҳатто мен ҳам айрим пайтлар сизга ҳавас қиламан. Касаллик, оғриқ, дард, кексалик сизга раҳна сололмайди. Кимлар буни олтинларга алмашмас эди?

— Ҳаётим мазмуни бойлик йиғиш ва кўнгилхушлик бўлганида, қаршингизда ўтирмасдим, Нурангиз. Мен ўзимга эмас, оддий инсонларга ҳавас қиламан. Бу ҳақда кўп гаплашганмиз, аҳдим қатъий.

— Бўпти унда...

ЙИЛГА ТЕНГ КУНЛАР

Энди жодуни бошламокчи бўлиб тургандим, телефоним куй таратди. Экранчага қарасам, Холиқбей.

– Яна нима иши бор экан? – Иброҳимга ҳам кўрсатдим.

– Холиқбей ҳар ҳолда, жоду сирини очди. Унга миннатдорчилик билдиришим ҳам керак. Гаплашинг-чи, мен кута турман...

– Алло...

Гўшакнинг нарёғидан хаста товуш эшитилди. Базўр тезроқ етиб келишимни сўради.

– Аҳволи чатоқга ўхшайди, – дедим Иброҳимга хавотир билан қараб, – балки жоду... ўхшамагандир.

– Манзилини билсангиз, унда тезроқ борайлик!

Холиқбей қолдирган манзил бўйича излаб бордик. Эшик қўнғироғини чалдим, бироқ овоз бўлмади. Жоду ишлатиб кулфни тезгина очдим. Ичкариладик.

– Холиқбей ака... шу ердамисиз?

– Киринг... – ётоқхона тарафдан овоз келди. Иброҳим билан бирин-кетин тўшакка михланиб ётган Холиқбейнинг қаршисида пайдо бўлдик. У жуда ўзгариб

кетганди: сочларига оқ тушган, юзларида ажин, кўзлари нурсиз... Шунга қарамай, у негадир кулди.

– Тилагим амалга ошди, Нурангиз. Энди мен қарияпман, касал бўляпман... аммо жуда тез.

– Нега бу аҳволдасиз? Айтганча, бу ўша Иброҳим... – таништирдим мен. Холикбей нигохлари билан саломлашгандек бўлди.

– Иброҳим... жодудан халос бўлмадингизми хали?

– Энди, насиб бўлса...

– Ундан аввал... бир нарсани айтишни лозим кўриб, чакиртиргандим, – Холикбейни йўтал тутиб бироз тин олди. – Шу десангиз... кунларим йилга тенг бўлмоқда. Шу ўн кун ичида ўн йилга кексайдим. Ҳар ҳолда, яна бир ой яшаб ўлсам керак... Табиат ўчини олаяпти: жуда тез қарияпман.

– Ахир бу ҳақда ҳеч қайси китобимизда ёзилмаган-ку? – дедим хайрон бўлиб.

– Чунки ҳалигача ҳеч ким бу жодудан халос бўлган одамни кўрган эмас. Мана, энди меросий китобларингизга битиб қўйсангиз бўлади бунинг оқибатини... Қон босимим ошган, юрагим оғрийди, кўзларим хира тортди. Кундан-кун чўка-

япман. Ўзим танлаган йўл. Ўламан ва бари тугайди. Мени оилам кутмоқда...

Далда бўлгувчи гаплардан айтмоқчи бўлдим-у, ўхшамади. Агар бир кунда бир йилни яшаётган бўлса, демак, узоққа бормайди. Шуни ўйлаб Иброҳимга қарадим. Унинг эрта тонгда барк урган юзларига тушкунлик соя солганди.

Холикбейни шифохонага жойлашга ундадим.

– Қизикмисиз, Нурангиз... тез кексаётганимни сезган дўхтирлар мени тажриба қуёни қилишади-ку. Йўқ, менга шу ер, ёлғизлик яхши. Сиз ўйламанг. Шунчаки огоҳлантирмоқчи эдим. Иброҳимбей, ўлмаслик лаънат эмас, балки инъомдир. Айни пайтда буни чуқур ҳис этяпман...

Холикбей билан хайрлашиб у ерни тарк этдик. Тез-тез келиб туришга келишдик. Сўнгги онларини танҳо ўтказмазлиги керак, бу адолатдан бўлмайди. Агар қўлимдан келганда уни кексалик азобидан халос этардим, бироқ табиат қонуниятига бас келолмайман.

Иброҳимга «энди нима қиламиз», дейишга ҳам ботинмадим. Шундоқ ҳам у ўз хаёллари билан олишарди. Кечагина янги ҳаёт бошлашга шай инсон энди кексайиш ва ўлим топиш ҳақида ўйларди.

– Кўришармиз, – деди у бекатга яқинлашгач.

– Эски манзилингизда бўласизми?

– Билмасам... Сизни ўзим топаман.

Иброҳим шундай деганча дуч келган автобусга миниб кетди.

Афсус. Уни изламасам, тинч ҳаётига ҳалал бермасам бўларкан. Сизга ёрдам бера оламан, деб катта гапирдим. Аксинча, ўлим сари яқинлаштирмоқчи бўлибман. Инсон неча йил яшашидан қатъи назар, барибир ўлишдан қўрқар экан. Негайм йўлиқдим шу Холиқбейга? Эҳ, ўзим ҳам Иброҳимсиз барини унутиб энди одамдек яшай бошлаган эдим... Энди яна қайтарилади шу ҳолат. Иброҳим тағин мактуб колдириб олисларга кетса ҳайрон бўлмайман.

Ўқиб юравердим. Баъзида Холиқбейдан хабар олардим. У ҳам Иброҳимнинг келиб кетганини айтарди. Аммо Иброҳим мен билан кўришмади. Мен ҳам изламадим. Ҳали бир қарорга кела олмагандир. Назаримда, у ҳам, мен ҳам Холиқбейнинг умри якунини кутаётгандек эдик. Энди нима бўларкин, деган савол қийнарди бизни. Ўша кун кутилгандан ҳам тез келди...

Иброҳим қўнғироқ қилиб, тез Холиқбейнинг уйига келишимни сўради. Саба-

бини сўрамадим: тушунарли эди бари. Бордим. Соч-соқоли оппоқ, юзлари бужмайган, озиб-тўзиб кетган бир чол ётарди у ерда. Хириллаб нафас олишидан умри тугаётганини пайкадим. Иброҳим унинг қўлларида маҳкам ушлаб олган. Юрагим бетламай четроқдаги стулга чўкдим.

– Шунча йил яшаб... ибратли бир иш қилмабман, – шивирларди Холиқбей Иброҳимга. – Иброҳим, сиз яхши одам-сиз. Менга ўхшаб умрингизни бекор со-вурмагансиз. Билимли, зеҳнли инсонсиз... Мен-чи? Мен тўрт юз йил яшаб нима кўрдим, нима қилдим?! Ўйласам, ачиниб кетаман. Барини бошқатдан бошлагим келади. Аммо... ўлишдан кўркмайман. Мени кутишяпти. Менинг меҳрибонларим соғинишган... Мен ҳам уларни. Иброҳим... мен...

– Уринманг, сизни тушуняпман. Сизни фақат менгина тушуна оламан, Холиқбей. Бу лаънат туфайли қанчалик азият чекканингиз менга аён. Осойишта жон беришга ҳақлисиз. Кўркманг, мен ёнингиздаман, – Иброҳим менга имлади. Ўрнимдан туриб Холиқбейнинг нариги қўлидан тутдим.

– Ҳаммаси яхши бўлади...

– Афсусда эмасман. Жодудан қутулганимга шукур... энди озодман.

Холикбейнинг сўнги сўзлари шу бўлди.

...Уни эл катори дафн этдик. Факат мен ва Иброҳим. Унинг бошқа ҳеч кими йўқ эди.

– Мен ҳам ўлсам ҳеч ким келмайди, – хўрсинди Иброҳим. – Балки сиз келарсиз.

– Нима қарорга келдингиз? – сўрашга ботиндим ниҳоят. – Холикбей мен учун ҳеч ким эди. Шундай бўлса-да дунёни тарк этиши кўнглимни эзди. Сиз... сиз билан бу ҳолатда хайрлашишни асло истамасдим. Мен учун қадрли инсонсиз, Иброҳим. Гапларим сизга эриш туюлар, бироқ ҳаётда сиздек яқин дўстим бўлмаган.

– Ҳамма ҳам яқинларини йўкотади: ота-онаси, ёру биродари... Дўстлик ришталари учун ташаккур. Сиз ҳам мен учун шунчаки изланган жодугар эмассиз. Қадрлисиз. Аммо... Холикбей тўғри йўл тутди. Мен ҳам шундай қилишим керак.

– Мен қарор қилдим, Иброҳим. Жодудан халос бўлишни истасангизда... сизга ёрдам беролмайман.

Иброҳим менга ялт этиб қаради.

– Ундай қараманг! Сизни ўз қўлларим билан чоҳга итаролмайман-ку? Тентак Марямингиз жоду ечимини охиригача ўйла-

маганми? Севганим минг йилдан кейин жодудан кутулади ва бир зумда ўлиб кетади, деб тилак қилганми? Нега яратилган ўзи бу жодулар, жин урсин!

Иброҳим негадир хахолаб кулди:

– Шу характерингиз аجدодларингизга тортганда. Қизиққонсиз жудаям. Ҳали ёшсизда...

– Майли, ёшингизни пеш қилманг энди. Нима бўлсаям, жоду ечимини сўраманг мендан. Бугундан бошлаб касбимдан воз кечдим. Энди оддий одамман, тушунарлими?

– Сиз шу ерда, кўнгил тинч. Ҳозирча менинг ҳам ўлиш ниятим йўқ. Чала ишларим бор, шуларни битирай. Жуда зериксам, изларман сизни.

– Изламасангиз ҳам майли. Истанбулга чипта олинг-да, малласоч хонимингиз сари парвоз қилинг.

– Ҳозиргина дўстман, деб турган одам энди хайдаб солмоқда. Ришталар мустаҳкамлигини кўринг! – Иброҳим бурнимдан чимчилади. – Ҳеч қаерга кетмайман. Эски уйимда бўламан, агар керак бўлсам.

– Қанақа чала ишларингиз бор ўзи?

Иброҳим менга сирли боқди:

– Ҳозирча айтолмайман. Китобларни тополганим йўқ. Марям билан боғлиқ...

– Бўпти. Илмий ишингизни давом эттираверинг унда, Иброҳимбек.

БОСҚИНЧИЛАР

Кўп ўтмай магистрлик дипломини кўлимга олдим. Кузда ўзимга мос иш топишни дилимга тугиб, ёзги таътилда дам олишга қарор қилдим. Энди жодугарлик билан шуғулланмоқчи эмасман. Онам билан бу борада гаплашиб олишим зарур. Ҳозир онамда бу хислат бўлса-да, аммо ишлатмайди.

Онамни топганим ҳақида ойимга айтишга қарор қилдим. Диплом олганимни нишонлаб ош дамлаган ойимнинг бугун қувончи чексиз эди. Энди менга мос куёв тўғрисида сўз очганди, лекин гапни бурдим.

– Ойи, сизга анчадан бери бир гапни айтмоқчи эдим.

– Айт, кизим... – ойимнинг юзларида қизиқиш ёнди, – суйган йигитнинг борми? Бўлса, айтавер, яхши йигит бўлса қаршилигим йўқ. Ўзи ўйловдим-а, анчадан бери ўзгариб қолдинг, деб.

– Сиз ўйлаган нарса эмас, ойижон. Биласизми... мени дунёга келтирган аёлни топдим.

Ойимнинг юзидаги кувонч йўқолгандек бўлди, аммо тезда лабига табассум кўндирди.

– Топдингми, қизим? Хурсандман... Ким экан у?

– Бухорода яшайди. Оилали, аммо фарзандлари йўқ экан. Топишимга бир одам ёрдам берди. Сиз билан онамни таништирмоқчи эдим... аммо кўнмадилар.

– Тузук унда... – ойим бироз хомуш тортди, – боласи йўқ, дегин. Сени... сени қизғонса керак мендан. Нега ўшанда сени қолдирган экан у ерда?

– Вазият тақозоси билан. Отам вафот этгач, мажбур бўлган экан... Начора, тақдир, – ойимни қучоқладим.

– Унда тез-тез кўргани бор, қизим. Нима бўлса ҳам у онанг.

– Ҳа. Сиз биринчи онамсиз, улар эса иккинчи! – дедим кўнгилларини кўтариш учун. – Шу кунларда ёнларига бир бориб келмоқчиман, рухсат берасизми?

– Албатта, – бошимни силади ойим, – кейин уйга меҳмонга чақиргин. Танишиб оламиз...

– Хўп бўлади.

Бу хабарни ойим тўғри қабул қилгани кўнглимни тинчитди. Энди ҳар доимгидек шоша-пиша бир кунга эмас, бирор

хафтага бориб онам билан суҳбатлашсам бўлади. Онам ҳам турмуш ўртоғига мени қизим, деб танитмаган. Жияним, дейди доим. Сабабини сўрасам, «хавфсизлигинг учун», дейди.

Бухорога йўл олдим.

Онам ва Теша амаки мени илик кутиб олишди. Холикбей можаросидан сўнг онамни ўз кўзим билан кўрмаганим учун кўнглим хира юрарди. Тан-жонлари соғлигини кўриб енгил тортдим. Ёлғиз қолгач, дарҳол шу мавзуда гап бошладим:

– Холикбей вафот этди, ойи. У жодудан қутулди, бироқ жуда тез кексайди. Иброҳим бўлса, ҳозирча бу йўлни танлагани йўқ.

– Ҳаётни кўзи қиймадимми? – кулди онам.

– Марям ҳақида нималардир излаб юрибди...

– Марям момо... негадир ундан кўркаман. Кучли жодугар эди, дейишади. Нега жодунинг ечимини минг йилдан кейинга сурган, нега сени танлаган? Жодули қадахни тайёрлаган, бироқ ичмаган... Менга бари ғалати кўринади.

– Унингиз ғирт тентак!

– Тентак эмас, у ақлли. Ҳали ечилмаган сирлар ортида нималар борли-

ги номаълум. Жоду ечилгач, Холикбей ўлиб кетди. У Иброҳимни ҳам шу тахлит ўлишини истармиди? Билмадим. Ишқилиб, буёғига тинч бўлсанг бўлди.

Онам билан тонггача гаплашиб чикдик. Келгуси ойда уйимизга боришга кўндирдим. Бир хафталик саёҳат давомида онам билан оддий одамлардек шаҳар айландик, зиёратлар қилдик, кўнгил ёздик. Теша амаки дамлаган бухороча палов оғзимда колди. Бир олам таассуротлар билан ортимга қайтдим.

Поезддан тушишим билан кўнғирок бўлди. Онам. Етиб олганимни билиш учун сим қоқётган бўлса керак.

— Алло, Фарангизхон! — нарёдан Теша амакининг хавотирли овози эшитилди.

— Тинчликми, амаки? Нимадир бўлдими?

— Холангизни ўғирлаб кетишди! Ё, Оллоҳим, шундоқ чикин ҳам бўларми! Биз камбағаллар уларга нима ёмонлик қилибмизки...

— Нималар деяпсиз? — юкимни ерга ташлаб гўшакка ёпишдим. — Ким ўғирлайди, нимага?!

— Тунда бостириб киришди бир нечтаси... билмайман, қизим, билмайман нега.



Милицияга хабар қилдим. Илоҳим, топишсин.

Гапни қисқа қилдим-да, аэропортга чопдим. Биринчи рейс билан Бухорога учдим. Борғунимча минг хаёлга бордим. Ким ўғирлаши мумкин? Жодугар эканини билган бирор ғаразли кимсами? Иброҳим ҳам ёвуз одамлар бир вақтлар жодугарлардан кўп фойдаланган дерди. Нахотки, биров билган бўлса? Ахир онам сира сеҳр ишлатмайди-ку? Ёки мен туфайлимикин? Холикбей ўлиб кетди, энди онамга хавф солмайди. Бошқа ким?

Халлослаб келганимдан Теша амаки кўркиб кетди.

– Ўзингни қийнаб қўйибсан-ку, Фарангиз.

Аммо унинг ҳам ҳолати меникидан кам эмасди. Бир юзи кўкарган, эшикка суяниб беҳол турарди. Уй ичида милиция ходимлари, ташқарида ҳам кўнжқўшникилар йиғилган, сўроқ қилинарди.

– Менга бир бошидан айтиб беринг, – қистадим амакини.

– Ухлаб ётгандик. Бир пайт эшик қарсиллаб очилгани, хонага бир неча қора кийимли одамлар кирганини кўрдим. Холанг дарҳол ирғиб турди-да, нимадир демоқчи бўлди. Лекин улар оғзини бой-

лашиб ташқарига олиб чиқиб кетишди. Улардан бири эса менинг бўғзимдан тутиб сўроқ қилди. «Уйда ким бор яна, кизинг борми»? деб сўради. Унга «болаларимиз йўқ, ёлғизмиз», дедим. Қаршилиқ қилганим учун мушт туширди, ҳушимни йўқотибман. Тонгда турсам, ҳаммаёқ жимжит. Ўғриларми, десам ҳеч нимага тегилмаган. Аммо холанг йўқда, Фарангиз... Одам ўғрилари бўлса керак. Эй, худо!

Амакини ёлғиз қолдириб, милиция ходимларига юзландим. Аммо улардан аниқроқ гап чиқмади. Қидирамиз, дейишди қуруқ қилиб. Сўнг мени ҳам сўроқ қилишди. Жияниман, дея қолдим. Теша амакининг гапига кўра, қизи борми, деб сўрашган. Демак, улар мени танийди. Эҳтимол, мени қидириб келишгандир, бу уйга? Кетганимни билишмаган. Дарҳол ишга киришишим керак!

РУҲОНИЙЛАР ҚАМАЛИ

Онамнинг хонасига кириб, жавондан дуч келган рўмолини олдим ва аста уйдан чиқиб кетдим. Тинчроқ жойдаги ўриндикка ўтириб, кўзларимни юмдим. Негадир ҳаммаёқ қоронғи эди. Ҳарчанд

уринмай, бирор ёруғлик тополмадим. Бир сас эшитилмайди. Бир пайт шарқ этиб эшик очилди. Ташқаридан ёруғлик тушди, узун қора кийим қийган бир киши кўринди. Фира-ширада бу ер ертўла эканини пайқадим. Ана, онам! Бир бурчакда беҳуш ётарди. Ҳалиги киши онамга назар ташлади ва чиқиб кетди. Яна зимистон чўкди.

Кўзларимни очдим. Афсуски, у ерда ҳеч қандай белги кўринмади. Энди нима қилдим, онамни қаердан излай? Бояги кишини ҳам умуман танимадим. Охирги илинжим Иброҳим билан маслаҳатлашиш эди. У менга ёрдам беришига ич-ичимдан умид қилиб, унга сим коқдим.

– Иброҳим! Менга ёрдамингиз керак, – шундай деб бор бўлган воқеани сўзлаб бердим.

– Тушундим. Уларнинг кимлигини пайқагандекман... Майли, бугун етиб бораман. Сўнг бирга излаймиз, хавотир олманг, албатта топамиз.

Иброҳимнинг гапидан сўнг кўнглим тинчиди. Ойимга қўнғироқ қилиб, Бухорода яна бир неча кун қолишимни айтиб қўйдим. Иброҳимни аэропорт ташқарисида кутиб олганимдан кейин тинчроқ қахвахонага кирдик.

– Айтинг, танийсизми уларни?! Онам-да нима қасдлари бор? Ёки мен туфайлими? – саволларни ёғдирдим унга.

– Аввало, ўзингизни босинг. Улар анчадан бери йўқолиб кетганига сизга айтмагандим ҳам. Яна пайдо бўлишибди-да. Онангизни қандай топишган, хайронман.

– Ким улар?

– Рухонийлар. Улар ҳам минг йиллардан бери бор. Аждодлари ғарбга бориб тақалади. Қора либосли бўлишса, демак ўшалар. Лекин Осиё томонларда йўқолиб кетган эдилар. Балки излаб келишгандир...

– Кимни?

– Жодугарларни. Улар ҳамиша жодугарларга қарши курашиб келишган. Изма-из таъқиб қилиб юришади. Жодугарлар уларни «овчи» деб аташарди. Авлоддан-авлодга ўтади бу овчилик. Шунинг учун жодугарлар авлоди қирилиб кетганди. Бори ҳам шулардан яшириниб оддий одам бўлиб кетишган. Лекин яқин юз йил ичида улар ҳақида бирор хабар эшитмагандим.

– Уларни нима қасди бор бизда?

– Рухонийлар сеҳру амалга қарши бўлиб келишган. Қадим замонларда ҳам жодугарларни гулханда ёкишган. Бу одат

узок давом этди. Ҳозирги пайтга келиб эса яширинча бажарилади. Аслида бунга ўтмишдаги бир воқеа сабаб. Қадимда бир рухонийнинг ўғли ва жодугарнинг кизи бир-бирига кўнгил кўяди. Бирок бу тақиқланган муносабат эди. Диндор оила жодугар кизни оиласига қабул қилишни истамайди. Рухонийлар бундан хабар топиб, ўша кизни ҳамманинг кўз олдида тошбўрон қилдиришади. Шундан кейин икки оила ўртасида уруш чиқади. Жодугарлар уларни турли амаллар билан азоблашади. Рухонийлар эса уларга қарши туриш учун ўзларига химоя қобиғи яратганлар. Шу-шу адоват авлоддан-авлодга ўтиб, то шу кунгача давом этиб келмоқда.

– Улар... онамни нима қилишади? – қўрққан саволимни бердим.

Иброҳим жавоб бермади.

– Қаердан излаймиз энди?!

– Шаҳарда ертўлалар кўп. Айникса, қадимий ва хилват ерларни рухонийлар макон қилишади. Мен ўзим излашга киришаман. Дарак топсам, сизга хабар қиламан. Сиз эса дамингизни олинг, Нурангиз. Уларга қарши курашиш учун куч йиғишингиз керак бўлади. Осон бўлмайди онангизни қутқариш. Пухта режа тузишимиз даркор. Шу яқин атрофдаги

меҳмонхонага жойлашинг. Мен кетдим, унда.

– Майли...

Иброҳим кетгач, бир муддат гарангсираб туриб қолдим. Меҳмонхонада жимгина кутолмаслигим аниқ эди. Иброҳим бутун шаҳарни кезиб чиққунча бир нима қилишим керак-ку? Вақт кетяпти... Бирор хабар бўлмадимикин, деб онамнинг уйига бордим. Уйда амакидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Бирор далил топилдими? – сўрадим умид билан.

– Милиция босқинчилардан тушиб қолган совуқ қурол топиб олиб кетди. Энди у кимга тегишли эканини аниқлашармиш... ишқилиб тезроқ топишсин.

Бу айни муддао эди. Ҳовлиққанча милиция бошқармасига бордим. Бу иш билан ким шуғулланаётганини аниқлаб, у билан кўришдим.

– Босқинчиларнинг қуролини кўрмоқчи эдим, – дедим мақсадга кўчиб, – бир танишим қуролларни яхши фарқлайди...

Милиция ходими мени кичик хонага олиб кирди.

– Ўтиринг, – деди иш курсисига жойлашиб. Сўнгра тортмадан юпка целлофан халтага ўралган қуролни олди: у тишли ханжар эди.

– Бармоқ изларини аниқлашимиз керак, аммо далил бировга берилмайди. Мумкин эмас. Иложи бўлса, ўзи келиб кўриб, ёрдам берса яхши бўларди.

Қуrolни ушлаб кўролмасам уларни топа олмайман. Бу ёлғоним ўтмагач, жодуни ишга солишга тўғри келди. Ухлатувчи дуони ўқидим. Терговчи бир зумда ўтирган жойида пинакка кетди. Қуrolни қўлимга олдим, целлофанини ечишга хожат бўлмади. Дарров кўз олдимда бир неча кора кийинган одамлар гавдаланди. Кичик хонада хира лампочка нур сочарди. Улардан биттаси ўрнидан туриб ташқарига чикди. Тасвирлар унинг ортидан борди, демак у ханжарнинг эгаси. Тор йўлакчи зинадан тепага кўтарилди ва ташқарига чикди. Атрофга разм солдим: улар жойлашган ер эски қурилиш майдони эди. Ён-верида ҳеч қандай уй ҳам, бирор зоғ ҳам йўқ. Майдоннинг ўртасидаги чала битган кўп қаватли бинонинг ертўласида экан онам. Белги излаб узоқларга қарадим. Бир пайт Минораи Калонга кўзим тушгандек бўлди. Узоқлигидан шу деб тахмин қилдим.

Кўзларимни очиб, такси ёлладим. Бир кунда ортикча жоду ишлатганим учун кўзларим тиниб кетарди. Минораи Ка-

лон ёдгорлигига келиб атрофни кузатдим. Бир неча километр нарида чиндан ҳам баланд бинолар қурилиши бошланиб, тўхтаб қолган экан. Хайрият, топдим. Атрофга қоронғулик ёйилганди. Ишим осон кечади. Қулф эшикларни очиш чўт эмас. Рухонийларни ҳам ухлатиб қўяман ва онамни олиб чиқаман. Менга бас келиша олмайди!

Бино майдонида ҳеч ким кўринмади. Ертўла эшигини топиб борганимда у ичкаридан қулф эди. Оддий сеҳр ишлатиб очдим. Аста кириб бордим. Ғўнғир товушлар эшитилди. Зинадан тушиб аста хира нур сочаётган кичик хонага мўраладим. У ерда икки қора кийимли одам гаплашиб ўтирарди. Чап томонларида катта темир эшик. Онам шу ерда бўлиши керак. Атиги икки киши экан, хайрият. Уларнинг қаршисида пайдо бўлиб, менга илкис қараган боскинчиларга қараб Уйқу чақирар дуосини бор кучим билан ўқидим. Бир, икки сония... аммо улар ухлашмади. Бир-бирига қараб кулиб қўйишди.

– Ўлжа кетидан ўлжа! – кулди улардан бири. – Дуони ўқишингга қараганда сен ҳам жодугарсан! Ўз оёғи билан келганини қара, – у шеригига имо қилди. – Қани, уни ҳам наригисининг ёнига жойлаб қўй-чи!

Унинг шериги, ёшроқ йигит, менга қараб турди-да, каттасига мурожаат қилди:

– Балки жодугар эмасдир? Адашиб кириб...

– Оддий одам бўлса, бизга қараб алламбало дуосини ўқирмиди? У аҳмоқ жодугар! Бўлмаса, руҳонийларга ҳеч қандай сеҳру жоду таъсир қилмаслигини билган бўларди. Майли, ҳали ёш экан, начора, энди билиб олди!

– Онамни олгани келдим! – дедим мен ҳам тилга кириб, – қўйиб юборинглар уни, сизга нима ёмонлик қилди, ахир?

– Айбингиз жодугарлик билан шуғулланганингизда! Бу барча динларда қораланади! Сизларни жазолаш эса бизнинг вазифамиз!

– Биз буни ўзимиз истамаганмиз, ахир! Қондан ўтади, пешонамизга ёзилган... Шундай бўлса-да бировга зиён етказмаганмиз, етказмаймиз ҳам. Илтимос... бизларни қўйиб юборинг!

– Сеҳри қор қилмагач ялинишга ўтди! – кулди каттаси, – қани бўл, дедим, Алик, уни қамаб қўй. Ортиқча гап керак эмас. Акам келса, эрта тонгда ишга киришамиз. Охирги юз йилда эришилмаган катта натижа бу! Ниҳоят, Осиёдаги сўнгги ав-

лодни топишга мушарраф бўлдик! Кейин бемалол ғарбга қайтсак бўлади. Бўлақол!

Ёш йигит ўрнидан туриб менга яқинлашди. Қаршилиқ қилишнинг фойдаси йўқлигини билиб, жим бўлдим. У ёнимга келиб кўзларимга тикилганда ғалати бўлиб кетдим. Эҳтимол, мовий кўзлари ғира-шира хонада бошқача порлагани учундир. У авайлаб кўлларимни бойлади-да, эшик сари «юринг» деб имо килди. Беихтиёр айтганини бажардим. Темир эшикни очиб, мени киритиб юборди. Хона зим-зиё эди.

– Онажон! – дедим эшик ёпилиши билан.

– Фарангиз! – сал наридан онамнинг товуши эшитилди. – Эй, худо сени ҳам топиб олишдими! Худодан сенинг тинчлигингни сўраб ўтиргандим. Мен ўлиб кетсам ҳам омон бўлгин, дегандим! Нахот, зорларим Яратганга етиб бормаган бўлса?

– Тинчланинг, она... Асли сизни қутқариш учун келгандим. Ўзимга ортиқча ишонибман. Уларга кучим етмади...

– Руҳонийларга жоду таъсир қилмайди. Шунинг учун аждодларимиз ҳамиша кўчиб юришган, бирор ерда муқим уй-жой қилишмаган. Доим руҳонийлардан яширинишган. Нега бу ҳақда аввал сени огоҳлантирмадим-а?

– Улар... бизни нима қилади, она? – сўрадим чўчиб, – чиндан ҳам оловда куйдиришадими?

– Тахминим шу. Кейин Марям авлодидан ҳеч ким қолмайди...

Иккимиз ҳам жим қолдик. Бир-биримизга суянганча қарахт ўтирардик. Иброҳим! Нега бу ерга келаётганимни унга айтиб қўймадим. У бизни топа олармикин? Топганда ҳам буларга қарши нима қилоларди?

КУТИЛМАГАН КЎМАК

Орадан анча вақт ўтгандек туюлди. Тонг отдими, йўқми, билолмасдик. Бир пайт эшик охишта очилди. Шарпа кўринди.

– Қўркманглар, – деди у эшикни катта очиб, ташқарига имларкан, – бўлинглар, чиқинглар!

Онам билан қўл ушлашганча шошиб зиндондан чиқдик. Халоскоримиз Иброҳим деб кутгандим, бироқ у ҳалиги ёш рухоний эди.

– Амакиларим ташқарида, ўтин учун кетишган. Вақтингиз жуда кам, секин ташқарига чиқиб овоз, чиқармай май-

дондан чиқиб кетинглар. Катта йўлга чиқсангиз, машина кўп.

Онам кўлимдан судраганча зина томон шошилтирди. Мен эса йигитга ҳайрон бўлиб бокдим.

– Нима учун? – деб сўрадим ундан.

У жилмайди. Сўнг аста пичирлади.

– Сабабини кейин, агар кўриша олсак айтаман, – у шошганча кўлимга қоғозча тутқизди.

– Раҳмат...

Онамнинг ортидан эргашдим. Зинадан кўтарилиб, ташқарига мўраладик. Ҳаммаёқ тинч ва ним қоронғи эди. Бирин-кетин ертўладан чиқиб, аста кадам босганча қурилиш майдонидан чиқиб кета бошладик. Бир пайт кадам овозлари эшитилиб, таққа тўхтадик. Товуш қаердан келаётганини билолмай, алангладик. Бирдан кимдир оғзимни ёпиб, ерга энгаштирди.

– Жим! – деди қулоғимга.

Онамга ҳам «тссс», деб мени ўзига қаратди. Бу Иброҳим эди!

– Бизни қандай?.. – гапимни тугатолмадим.

– Улар шу атрофда, жим! Манави бетон орқасида яшириниб туринглар. Мен уларни чалғитиб нарига олиб кетаман. Кейин катта йўлга қараб чопинглар ва

такси ушлаб тўғри автошоҳбекатга боринг. У ердан Тошкентгача йўловчи машинада кетинглар. Тонгда улар аэропорт ва вокзалларни тинтиши аниқ.

– Сизчи, Иброҳим?

– Қўркманг, мен ўлмайман. Тошкентда сизларни ўзим топаман. Бўлди, кетдим!

У шундай деб биздан узоқлашди. Бироз ўтиб баланд овозда гапиргани эшитилди:

– Чекишдан борми, акалар?

Афтидан рухонийлар ишларини бажариб қайтишаётганди. Агар ертўлага тушишса, бизнинг йўқлигимизни билиб, излашга тушишади. Халиги йигит ҳам балого қолса керак... Вақтимиз кам. Иброҳим улар билан бир нималарни тортиша кетди. Сўнг узоққа қочганини пайқадим, рухонийлар унинг ортидан қувишди.

– Кетдик! – дедим онамга. Иккимиз жон-жаҳдимиз билан югурдик. Катта йўлга чиққунимизча ўн дақиқа ўтди. Оптимизга қараб ҳеч ким келмаётганини пайқагач, машинага қўл кўтардим. Вилоятлараро қатновчи таксилар тураргоҳига келдик, бир машина ёллаб дарҳол йўлга чиқдик. Икки баравар тўлашимизни эшитган ҳайдовчи ҳам бошқа одам кутмай газни босди.

– Теша амакинг... – бирдан онам хавотирга тушди.

– Кўркманг, у кишига ҳеч нима бўлмаган, уйда эдилар.

– Агар мени излаб амакингни қийновга солсалар-чи? Йўқ, уни ташлаб кета олмайман, қизим.

– Милиция уйни назорат қилаяпти, кела олишмайди, ахир улар қидирилмоқда. Барибир уйга боришмайди! Иброҳим айтганидек, бизни узоққа кетишимизни билишади. Тошкентга етиб олгач, қўнғироклашиб тинч эканингизни айтасиз.

– Яхши...

Машина уйимгача элиб қўйди. Ойим бизни хайрон бўлиб кутиб олдилар. Устбошимизга чанг теккан, сочларимиз тўзғиган эканини энди пайқадим.

– Бу сизга таништирмоқчи бўлган... онам, – дедим уларга қарата, – шу денг, Бухорода чанг тўзон кўтарилиб йўлда роса қийналдик. Шунинг учун...

– Вой, ўргилай, хуш келибсиз, – ойим онамга қучоқ очди, – анча хорибсизларда, қани ўтиринглар. Ҳозир ваннани ҳозирлайман, Фарангиз сен чой қўйиб юборгин!

– Уринманг, – ийманди онам.

Ювиниб олгач, тин олиб бир пиёла чой устида икки онам суҳбатга киришиб кетишди. Теша амакимга қўнғироқ қилиб улар-

нинг кўнглини тинчитдим. Аммо қаерда эканимизни айтмадим. Иброҳимнинг телефони эса ўчирилган эди. Шу пайт бояги қоғозча эсимга тушди. Уни шоша-пиша чўнтагимга солган эдим. Очиб қарасам, телефон рақамлари. Ўша йигитники бўлса керак. Бироқ кўнғирок қилишга чўчидим, зўрға қутулганимизда яна топиб олишлари мумкинлигини ўйладим.

Ниҳоят, икки кун ўтиб Иброҳим кўнғирок қилди.

– Уйингиз ёнидаман.

Ташқарига чиқиб, ўриндикда ўтирган Иброҳим томон чопдим.

– Соғ-омонмисиз, ишқилиб?

– Кўриб турганингиздек! Бир неча марта ўлиб тирилганимни айтмаса, соғман.

– Улар сизни қийнашгандир?.. Кечиринг, айб менда, огохлантирмай ўзбошимчалик қилдим. Сиз топа олишингизга ишонмадим...

– Шунақалигингиз чатокда, Нурангиз! Ахир минг йилдан бери керакли одамларни излайвериб айғокчи бўлиб кетганман. Улар яширинган жойни топгандим. У ерга мендан аввал кирганингизни кўриб қолдим, ташқарида кутдим. Иккитаси чиқиб кетгач, ичкарига кириб сизларни

қутказмоқчи эдим. Аммо ўзларингиз чиқ-
дингиз.

– Ҳа, учинчиси бизга ёрдам берди.

– Аммо нега? – хайрон бўлди Иброҳим.

– Билмадим. Яхши йигит эканда...

– Шундай денг... яхшигина танишиб
олган кўринасизлар.

– Албатта, хатто телефон рақамини
берди.

– Нурангиз, душманларга ишониб
бўлмайди. Минг йиллардан бери давом
этаётган бу низолар чиройли табассуму,
ширин сўзлар билан ўнгланиб кетмайди.

– Ҳеч кимга ишонмайсизда, Иброҳим!
Алик бошқаларга ўхшамаслигини пайқа-
дим.

– Исмини ҳам билиб олдим, денг, –
ўрнидан турди Иброҳим, – зинҳор у би-
лан гаплашиб ўтирманг. Тажрибамдан ке-
либ чиқиб айтаялман. Сиз ҳали ёшсиз...

– Ёшсиз, деб одамни бунча гўлга чи-
карасиз! Бунга ўзим ҳал қиламан!

Иброҳим билан тортишувимиз охири
менинг аразлаб уйга кириб кетишим ва
унинг қўл силтаб кетиши билан якунлан-
ди.

ЎЗГАЧА ТУЙҒУЛАР

Шу суҳбат туфайли ҳам ўша кеча у берган рақамларга қўнғирок қилдим.

– Алло... бу Алиқми?

– Шундай, сиз... – у бироз сукут саклади, – сиз ўшами?

– Ўша, ўша, – кулиб юбордим. – Сиз ҳам кўп китоб ўқиган кўринасиз.

– Қўнғирок қилишингизни ўша кундан бери пойлаб телефонимни қучоқлаб ётибман. Қочиш операцияси яхши ўтдими? Ҳозир тинчмисизлар?

– Ҳа, тузук. Бизни излашяптими?

– Ҳа, амакиларим шунинг ташвишида юришибди. Агар Бухорода бўлмасангизлар, хали-бери топиша олишмайди.

– Ҳа, бошқа ердамиз...

– Қаерда?

Жавоб беришга иккиланиб қолдим.

– Майли, айтишингиз шарт эмас. Ишонмасангиз... – унинг ранж оҳангда гапиришидан ноқулай бўлдим. Агар бизга қасди бўлса қўйиб юбормасди-ку?

– Сизга ишондим: Тошкентдамиз.

– Жуда яхши. Ундай бўлса эртага ёнингизда бўламан.

– Нима учун? – хавотирга тушдим.

– Қўркманг, улар сезишмайди. Ўзим Тошкентда яшайман. Буларнинг телбанамо қидирувлари жонимга тегди. Уйим ва иш жойимга қайтишим керак. Шундоғам бир ҳафтадан бери Бухорога чақиртириб олиб, миямга алламбало гапларни қўйиб ўтиришибди!

– Сиз ҳам руҳонийлар авлодиданмисиз?

– Келинг, барчасини учрашганимизда айтиб бераман. Эртагача...

Алоқа узилди. Эрта бўлгунча ухлолмадим. Алик бошқаларга ўхшамасди, назаримда. Иброҳимнинг танбеҳларидан безор бўлдим шекилли, унинг чапани сўзлари қулоғимга ёқди.

Эртаси тушлик маҳали оналаримга ишим борлигини айтиб кўчага чикдим. Чунки Алик қўнғирок қилиб учрашув вақти ва жойини айтган эди. Балки бу тузокдир, деган фикр ҳам хаёлимдан лип этиб ўтди. Лекин нимадир мени таваккал қилиб ўша ерга боришга ундарди. Бу қўнғил эканини аввалига сезмадим...

Хиёбонда мени кутиб турган йигитнинг кўзларидан танидим. Ертўлада яхши кўра олмагандим. Унинг сочлари жингалак ва малла, кўзлари денгиздек товланар, оқ юзли келишган йигит эди. Саломлашдик.

– Жуда гўзал киз экансиз, – деди у мени музқаймоқ сотилаётган қахвахонага бошлаб, – ҳаво исиб кетди, музқаймоққа нима дейсиз?

Бошим билан хўп ишорасини қилдим. Негадир бийрон тилим унинг ёнида айланмай қолди. Сўзамол ва хушчакчак экан. Музқаймоқ еб бўлгунча у ёқ-бу ёқдан гапириб одамни зериктирмади. Худди оддий инсонлардек, мен жодугарлигимни унутиб, у ҳам руҳоний эмасдек, сўзлашиб ўтирардик. Бу ҳол узоқ, ҳатто бир умр давом этишини истардим. Аммо Алик ҳақида билишим керак эди.

– Дарвоқе, исмингизни билмайман, – деди бир пайт у.

– Фарангиз, Нурангиз, хоҳлаганингиз билан чақираверинг.

– Менга Фарангиз ёқди. Жарангли экан.

– Ўзингиз ҳақда сўзлаб беринг...

– Тўлиқ исмим Александр, қисқача Алик дейишади. Ўзбек танишларимга эса Али деб танитаман. Сиз ҳам ёққанини танлайверинг!

– Ўзбекча бўлса, Али-да, – дедим.

– Хуллас, шу Али нима жин уриб руҳонийлар сулоласида туғилиб қолган, – кулиб давом этди у, – аслида буни 20

ёшимгача билмасдим. Кейин билсам, отам рухоний авлодидан бўлган экан. Аммо бундай тақдирни истамай, ватанидан кетган ва Ўзбекистонда қўним топган экан. Асл миллатимиз славянларга бориб тақалади. Отам шу ерда ўзбек кизга уйланди. Мен туғилдим. Оилада якка фарзандман. Йигирма йил оддий инсонлардек бахтиёр яшадик. Аммо ота-онамнинг автоҳалокатда вафот этиши ҳаётимни бирдан ўзгартириб юборди. Мени излаб икки амаким келди... Улар мени ватанимизга қайтишга, минг йиллардан бери давом этиб келаётган эзгу ишимиз – жодугарларга қарши курашга чорлашди. Бундай сафсаталарга ишонмадим. Лекин бир-икки бор бошқа мамлакатларда ҳақиқий жодугарлар билан тўқнашгач, ростлигига амин бўлдим. Хуллас, амакиларим онда-сонда шундай овга чақириб туришади. Етти йилдан бери аҳвол шу. Бу тақдирдан қочиб бўлмас эмиш. Шундай бўлса-да, бу иш мен учун эмас. Мен олий маълумотлиман, архитекторлик билан шуғулланаман. Кеча ҳам уларга ортик овчилик қилиш ниятим йўқлиги, мени тинч қўйишларини айтиб келдим. Зора шу билан мени унутишса...

– Аммо бизни топишмагунча бу ерлардан кетишмаса керак? – дедим мен.

– Буёғини ўйлаб қўйганман. Бир неча кундан кейин қўнғирок қилиб сизларни халқаро аэропортда чет элга учиб кетаётганингизни кўрганимни айтаман. Улар мендан шубҳаланишмайди. Қарабсизки, яна жаҳонгашталиқ қилиб юришади.

– Сизга ишонишади, деб ўйлайсизми? Нахотки, ўшанда қочиб кетганимизда сизни айблашмайди?

– Бахтимга, бир йигит пайдо бўлиб улар билан мушук-сичкон ўйнади. Ўша йигит қочириб юборди, деган хаёлда юришибди. Ертўлага кириб келишганда мен ҳам ўзимни ярадор холга солиб ерда чўзилиб ётгандим.

– Ха, Иброҳим унинг исми.

– Чинданами танишимиз, денг? Ким бўлади у сизга?

– Шунчаки... дўст деса ҳам бўлади.

– Ишқилиб, ундан яқин эмасми? – мийиғида кулди у, – тағин кеч қолган бўлмай?..

Икки юзим қизарганини сезиб, юзимни фаввора томон бурдим.

– Келинг, бироз сайр қиламиз, – дилимдагини укди Али, – йўл-йўлакай ўзингиз ҳақингизда сўзлаб берасиз...

То кечгача Али билан истироҳат боғини сайр қилдик, аттракционларда бо-

лаларча учдик, кайиққа миндик, суратларга тушдик. Унга бошимдан кечирган барча воқеаларни сўзлаб бердим. У ҳам менга ачинди: оддий одамлардек яшашни исташимни билиб хайрихох бўлди.

– Иккимизнинг тақдиримиз жуда ўхшаш экан! Бугунги учрашувимиздан сўнг сизни, худди бир умрлик кадрдонимдек ҳис этаяпман...

Ўша кун уйга қалбимда ширин ҳислар билан қайтдим.

Орадан икки ой вақт ўтди. Али айтганидек, амакилари мамлакатдан чикиб кетишди. Иброҳим менга билдирмай уларни кузатиб юрган экан. Куни кеча аэропортдан учиб кетишганини айтганида кўнглим хотиржам тортди. Шундан сўнг онам ҳам ойимга жуда узок меҳмон қилгани учун чуқур миннатдорчилик билдирди-да, Бухорога кетди. Теша амаким билан ҳар эҳтимолга қарши эски уйларига кўчиб кетишибди. Иброҳим билан ўша қиска тортишувимиздан сўнг гаплашмагандим. Шу баҳона ярашиб олдик. Унга Али ва учрашувларимиз ҳақида айтмадим. Биламан, барибир маъкулламайди. Бундан ташқари, бу шахсий иш. Шу ой ичида Али билан муносабатларимиз жиддий тус олди. Ўзим ҳам кутмагандим буни.

Бир кун у тўсатдан севги изҳор қилди. Бир-биримизни ўрганиб олишимизга бу фурсат кам бўлса-да, рад этолмадим. Ўша биринчи бор учратган кунимиздаёқ юракларимизда нимадир лов этгани рост. Муҳаббат деган туйғу шумикин? Уни бир кун кўрмасам туrolмасдим. У ишдан сўнг беш дақиқага бўлса-да, мени кўрмай уйига кетмасди. Дам олиш кунлари эса доим бирга эдик. Қувноқ кайфиятимни ойим пайқади.

– Бир инсонни учратдим, ойи, – дедим уларга. – Сизларни бир кун таништираман. Албатта ёқади сизга...

Ойим муҳаббатимга қаршилиқ қилмади. Шундоқ ҳам бахтим очилмаётганига ўзларини айбдор санардилар. Шу кундан эътиборан сарпо йиғишга тушиб кетдилар. Бироқ мен турмуш қуриш ҳақида ҳали ўйламасдим. Биринчидан, Али бу ҳақда сўз очганича йўқ. Иккинчидан эса оила қуришга қўрқаман. Чунки биз душман сулола вакилларимиз. Бу никоҳ ўртадаги адоватни янада кучайтириб юбориши тайин.

Хуллас, охирини ўйламай севги ҳисларидан маст юрардим.

НИҚОБ

Туғилган куним яқинлашарди. Бундан хабардор Али эса ўша кунни у билан ўтказишимни сўради. Кундузи учрашишни, кечки пайт эса ойимнинг ёнларида бўлишимни билдирдим. Ўша кун эрта тонгда у уйимиз ёнида кутиб турарди. Қўлидаги кирмизи атиргуллар дилимни яйратди. Шу пайтгача йигит кишидан гул олмаганим учунми, гулдастани хидлаб тўймасдим. Биз шаҳардаги хашаматли бир ресторанга кирдик. Икки кишилик романтик стол буюртирилган, залда бошқа ҳеч ким кўринмасди.

– Гуллар ичида энг гўзали ўзингсан, Фарангиз, – деди у қўлимдан ушлаб. – Туғилган кунинг муборак бўлсин! Бу ерда фақат иккимиз, бахтимиз ибтидосини бошлаймиз.

Шундай дея Али чўнтагидан митти қутичани чиқарди:

– Менга турмушга чик, – деди тиз чўкиб.

Бундай сахналарни фақат киноларда кўргандим. Кўзларимга ёш келди. Сўнг иккимиз рақс тушдик. Сокин мусика садолари бахтим куйини чаларди гўё. Вакт тўхтаб қолгандек, дунёда Али ва мендан

бошқа кимса йўқдек эди. Рақсдан сўнг биров тамадди қилдик. «Сени севаман, Фарангиз» деб ёзилган беш қаватли катта торт келтиришди. Бу ҳаммасидан ҳам ажойиб совға эди.

– Бахтимиз доим ширин бўлсин! Сен ва менинг муҳаббатимиз абадий давом этади... у ўлмайди, Фарангиз. Тўғрими?

– Албатта, – дедим ним жилмайиб. – Барчаси учун раҳмат, Али.

– Керак бўлса юз, минг йил нишонлаймиз бу кунни, жоним. Инсон минг йил яшаши мумкинми? Бу жоду ҳақида сендан эшитгандим. Нахот, иложи бўлса бунини?

– Шундок. Иброҳим ҳақида сизга айтиб берганман-ку...

– Ҳа, ўзини кўрмаганим учун ишониш қийин бўлганда.

– Истасангиз, таништириб қўяман.

– Майли. Фақат кейинроқ. Унга ҳавас қилса арзийди... Қани энди, биз ҳам минг йил яшасак, Фарангиз. Сен ҳам, мен ҳам, муҳаббатимиз ҳам ўлмайди! Энг муҳими, иккимиз доим бирга бўлардик...

У менга синчков нигоҳларини тикди. Аввалига бунини шунчаки айтяпти, деб ўйлагандим. Бирок суҳбатимиз шу мавзудан бошқасига ўтмай қолди.

– Фарангиз! Бахтли бўлишимиз учун барига рози бўласанми? Менинг сендан бир тилагим бор.

– Майли, айтинг... – дедим юрагим гашланиб.

– Ўлимтопмас жодусини иккимиз учун тайёрлашингни истайман. Орзуим сен билан абадий яшаш. Бошқа ҳеч нарса керакмас менга! Қарагин-а, бизга касаллик ҳам, кексалик ҳам, ўлим ҳам хавф соломмайди. Дунёдаги энг бахтли, энг бой, энг машҳур инсонлар бўламиз. Яшириб ўтирмаймиз ҳеч кимдан. Дунё бизнинг қўлимизда бўлади! Ҳамма ўлмайдиган жуфтликка хавас қилади! Ҳеч ким тўхтата олмайди орзуларимизни!

Мен унга ҳайрон боқиб турардим. Назаримда, у ҳозир чиройли нутқдан сўнг «ҳазиллашдим, ўлибманми минг йил яшаб», деб куладигандек туюларди. Бирок бундай бўлмади. У тобора жиддийлашарди.

– Айт, қачон ишга киришамиз? – деди у гапининг сўнгида.

Ҳозиргина бахтга чўмиб ўтирган жуссам сесканиб кетди. Кўз олдимга Иброҳим ва Марямнинг тақдири келди. Нахотки, тарих такрорланса?

– Али... бунинг иложи йўқ. Аввало, мен минг йил яшашни истамайман. Кейин

бу қарғиш жодуни амалга ошириб балога қолгим йўқ. Минг йилдан кейинги авлодни кутиб яшаш нақадар оғирлигини Иброҳимдан сўранг. Умуман, Иброҳим билан суҳбатлашсангиз, асло бу тилакни тилингизга олмасдингиз. Бу бахт эмас, аксинча, азобнинг ўзи.

– Нахотки, бирга тоабад яшашимизни истамасанг? – ранжиди у.

– Истайман. Худо берган умримни сиз билан ўтказишга розиман, Али. Лекин... оддий одамдек яшашни истайман, дегандингиз. Жодугарлик қилишни истамаслигимни биласиз. Бундай фикрлар қаёқдан келди сизга?

Али жим бўлди. Ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юрди. Сўнг менга қараб:

– Кетдик, холироқ ерда гаплашамиз, – деди.

Ноилож ортидан эргашдим. Ёлланган машинада анча юриб шаҳардан чиқиб кетаётганимиз дилимни ғаш қилди. У мик этмас, юзи жиддий тус олганди. Доим қувноқ юрадиган Алини бу ҳолатда кўриб чўчидим. Нахотки, жодулашни рад этиб кўнглини қолдирган бўлсам?

Биз кичик ўрмон ёнида тўхтадик. У таксига жавоб берди.

– Табиат қўйнида пикникка нима дейсан? – деди у кулиб.

Мен ҳам кулиб юбордим. У ҳазиллашган. Менга сюрприз килиш учун ўйлаб топган буни! Али билагимдан тутиб жилмайганча мени ўрмон ичига олиб кирди. Анча ичкарилаганимиздан сўнг чиндан ҳам дарахтлар тагида ёзилган кичик пушти дастурхон, ичимлик ва қадахларга кўзим тушди.

– Сиз кутилмаган совғаларга бойсиз, Али!

– Айтганимдек, бари мухаббатимиз учун, ҳаётим. Энди... мархабо, қадахлар тайёр! Жодуни ўқи ва уни сипқорайлик. Шу лахзалардан бошлаб эса мухаббатимиз ришталари минг йилларга боғлансин.

Яна шалвираб қолдим. Юрагимда олишадиган икки хил туйғулар гирдобиде эрга чўқдим ва унга илтижоли бокдим:

– Али, хафа бўлманг, лекин қилолмайман. Мухаббатим рост, бироқ...

– Фарангиз, мухаббатингни исботла унда. Жодуни тайёрла!

– Али! Истамайман буни! – бирдан бакириб юбордим унга.

– Шунақами? Ўзинг ичмасанг ичма, лекин менга тайёрлаб бер! – бакирди у ҳам, – шунча уринишимни чиппакка чиқарма, қиз! Шу жоду учун амакиларимдан воз кечдим, уларни алдадим, икки

ойдан бери атрофингда парвонаман, охир-
ги чақаларимгача сарф бўлди! Ишсиз, уй-
сиз одам учун биласанми, бу қанчалик
оғирлигини?

Алига котиб тикилиб қолдим.

— Нега бўзраясан? Ҳа, шунақаман
мен! Отам ўлгандан сўнг бир тийинсиз
қолиб, амакиларимни топишга, улардан
қўмак сўрашга мажбур бўлдим! Ижарада
яшашдан тўйдим, дипломим йўклиги учун
тайинли ишим ҳам йўк! Сен ҳақингда
эшитиб, ҳаётимни ўзгартириш фурсати
келганини англадим! Ўлимтопмас жодуси
учун қилдим барини! Хор бўлиб яшашдан
тўйдим, тушундингми? Менга мол-дунё,
чиройли ҳаёт, обрў керак! Мухаббатинг
эса ўзингга сийлов! Истасанг мен билан
бўл, бўлмаса кетавер. Лекин менга шу
жодуни тайёрламай ҳеч қаерга кетмайсан!

Сониялар ичида аён бўлган ҳақиқат
шунча вақт давомида йиғилган сохта
туйғулар дастасини бир зумда учуриб
юборди. Қаршимда никобини ечган паст-
каш кимса турарди. Қалбимда хўрланиш
эмас, жирканиш пайдо бўлди.

— Агар истасам, жодуни тайёрлаб бе-
раман. Бу сен учун муносиб жазо бў-
ларди! — бошимни тик тутиб гапирдим
мен, — аммо мен қасд олиш учун ҳам,

омон қолиш учун ҳам, шунчаки зерикканим учун ҳам, умуман, жодугарлик билан шуғулланмоқчи эмасман! Мен, – шундай дея бўйнимдаги занжирни кўрсатдим, – мана бу матохсиз ҳеч кимман. Уни истаган жодугарингга олиб бориб ўкитиб олавер жодуингни!

– Йўқ, азизам. Дунё кезиб жодугар излашга вақтим ҳам, пулим ҳам йўқ. Қаршимда тайёр ўлжа турганда, нега керак. Манави, – у шундай деб қўнжидан ханжарча чиқарди, – сени ҳаракатга келтириш учун етарли бўлса керак.

ХАЛОСКОРИМ

Нафасим ичимга тушиб кетди. Шу пайт ердан чиқдим, осмондан тушдим, Алининг орқасида Иброҳим пушиб келаётганини кўриб қолдим. Қўлида ёғоч хода бор эди. Менга жим ишорасини қилди. Мик этмай туришимдан Али хиринглаб қулди:

– Энди ўзингга келдинг, жоним!

Шу пайт орқасидан бир зарб еди-ю, тап этиб ерга йиқилди.

– Сен эса ўзингдан кетдинг! – деди Иброҳим беҳуш ётган Алига қараб.

– Вой, ишқилиб ўлиб қолмадимми? – унинг тепасига югурдим.

– Қўрқма, хушидан кетди, холос. Ё ошиғингга жонинг ачияптими? – деди Иброҳим бирдан сенсираб.

– Шунчаки... тирилиб кетса мени яна излашга тушади-да.

– Шунинг учун унинг хотирасини ўчир. Бу жодуни сенга ўргатгандим, ёдингда бўлса? Сени учратгандан то шу кунгача бўлган воқеаларни барини унутади.

– Лекин руҳонийларга жоду таъсир этмасдику?

– Беҳуш ҳолатда улар химояланмайди. Фақат уйғокликда руҳонийларнинг химоя қобиғи фаоллашади. Бекорга уни уришга мажбур бўлганим йўқ.

Иброҳим билан танишган кезларимиз у ўргатган барча дуолар эсимда эди. Қўлларимни унинг пешонасига қўйиб, иккимиз учрашган барча сахналарни бирмабир эсга олдим ва дуо ўқиб уларни ўчирдим. Али энди менинг борлигимни билмайди ҳам.

– Айтганча, сиз қаердан пайдо бўлдингиз?

– Узр, учрашувга ҳалал бериш ниятим йўқ эди. Начора, доим ортингдан юриб, хомкаллангга келган бемаъни фикрларни тўғирлаб юришим керак.

– Яхшиям, келдингиз, – дедим унга миннатдорона боқиб. Ҳозир баҳслашиш ниятим йўқ эди. Тан оламан, Иброҳим ҳақ. Доим ҳақ бўлиб келган.

– Бўлмаса мен қилган хато такрорланарди... Унинг кўзлари алдаётганини бошданок сезгандим.

– Унинг кўзларини каердан кўра қолдингиз? – хайрон бўлдим.

Иброҳим нигоҳларини яширди.

– Бир балога йўлиқмагин деб... учрашувларингни доим кузатиб юрардим. Бугун ҳам ортингиздан қолмадим. Қутганимдек, у сендан фойдаланмоқчи бўлган. «Сенга нима дегандим», дейишни ёқтирмайман. Лекин бундан кейин ўзингни ва туйғуларингни асра, Нурангиз! Муҳаббат олди-қочди латифалару, бир даста гулдан иборат эмас. Шуни унутма!

Жавоб қайтара олмадим. Иброҳим ортига бурилиб кета бошлади. Унга унсиз эргашидим...

Шундан кейин Алини бошқа кўрмадим. Иброҳим уни ростдан ҳам хотирасини ўчганини текшириш учун кузатиб юрди. Айтишича, ижара уйига қайтиб, бекорчи дўстлари билан картабозлик қилаётган эмиш.

Мен эса ўтган воқеаларни унутиш учун ишга жойлашдим. Ўша эски кадрли

кутубхонамга. Бу ер менга энди ширин хотираларни эслатарди. Иброҳим билан илк танишув, унинг сабоқлари, мазали тушликлар... Уч йилдан бери бу ерни анча соғиниб қолган эдим. Иброҳим ҳам ҳар кун шу ерда. Китобхонлар қатори мутолаа қилиб ўтиради. Унга китоб ўқиш ёқади. Ўқийвериб ҳамма нодир асарларни ёдлаб олган. Иброҳим мени бир кун ҳам ёлғизлатмагани ўтган ноҳуш хотираларни унутишимга ёрдам берди. Иложи бўлганда Али билан боғлиқ хотираларимни ўчириб ташлаган бўлар эдим...

Тушлик вақтида Иброҳим иккимиз бирга тамадди қиламиз. Кўпинча ойим пишириб берган ширинликлар билан уни меҳмон қиламан.

– Сен ҳам ойингга ўхшаб пазандамисан? – кулди у, – ишга кирганингга ярим йил бўляптию, бирор марта ош бўлсин, деб ўзинг бир нима пишириб келмадинг-а?

– Сизни учратгандан бери ошхонага киришга вақтим бўлмади. Мендан яхши жодугар чиқариш ўрнига, пазандалик сирларини ўргатганингизда кўпроқ фойдангиз теккан бўларди. Кун бўйи нималарни титиб ўтирибсиз ўзи?

– Сизларга тегишли эски китобларимни ўқияпман.

– Нега яна?

Иброҳим жиддий тортди:

– Марям билан гаплашишим ва жодудан қутулишим керак. Фақат угина билди бир зумда кексаймай, яна 27 яшар йигитдек янги ҳаёт бошлаш сирини.

– Ўлган одам билан қандай гаплашасиз?

– Бу сизнинг қўлингизда. Мархумлар билан ҳаёлан гаплаша оласиз. Бунинг учун Марямнинг мана бу узугини ушлаб, Искартопар дуосини ўқийсиз. Бунинг бир неча марта бажаргансиз-ку. Шунда ҳаёлларингиз сизни қабристон томон элтади. У ерда Марямнинг арвоҳини топасиз.

– Эсимда... онамни излаётганимда қабристондаги арвоҳларга дуч келгандик.

– Тўғри. Худди шундай тарзда топасиз. Марям сизга ёрдам беришига ишонман.

– Майли... сизга ёрдам берганимдан кейин мана бу тақинчоғимни улоқтираман.

– Сизни яна жоду билан шуғуллантирмоқчи эмасдим, Нурангиз. Бунинг истамаслигингизни биламан. Аммо Марям охири чорам.

– Бўпти.

Ўша кунинг ишдан сўнг Иброҳимнинг уйига йўл олди. Шу ер тинчроқ эди.

Ойимга дугонамникида қолишимни айтиб қўйдим. Боргач узукни ушлаганча дуони ўқидим.

– Мен ёнингиздаман, – деди Иброҳим елкамга қоқиб.

Кўз олдимда ташландиқ қабрлар гавдаланди. Чўлга ўхшайди. Назаримда, йўқолиб кетган қабристон эди бу ерда. Ҳатто қумдан чиқиб турган суякларга кўзим тушди. Сескансам-да, қидирувни давом эттирдим. Бир пайт мен томон яқинлашиб келаётган бир нечта арвоҳларга кўзим тушди. Улар орасидан биттаси бошқаларга жойида туришларини амр қилди-да, ўзи ёнимга келиб:

– Нурангизмисан? – деди...

– Ҳа. Сиз Марям момоми?

– Адашмадинг, – жилмайди у. Кўз олдимдаги кампир бирдан мени ўзига тортди. Нафасим ичимга тушиб кетди. Кўзларимни очишга уриндим, аммо очолмадим. Иброҳим дея бақирдим. Атрофимни арвоҳлар ўраб олишди. Марям эса йўқолиб қолди. Мен харчанд ўзимга келишга уринмай урдасидан чиқолмасдим.

– Энди шу ерда, биз билан қоласан, – дейишди ёнимдаги арвоҳлар. – Марям бу кунни минг йил қутганди...

«МЕН МАРЯММАН!»

Аста кўзларимни очдим. Қаршимда мендан кўзини узмай турган Иброҳимни кўриб енгил тин олдим. Бари ўйлаганимдек бўлди.

– Жуда терлаб кетдинг, Нурангиз? Ахволинг яхшими? Марямни топдингми?

– Албатта. Мен Марямман!

– Тушунмадим?..

– Иброҳим! Ёнингга қайтиш учун жуда узоқ кутдим. Ниҳоят, қайта дунёга келдим. Тўғри, ўзга танда, лекин руҳим ўша. Танимадингми мени, Иброҳим?

– Нурангиз, Нурангиз қани? – Иброҳим ўрнидан туриб кетди.

– Уни ўрнимда қолдирдим. У иккимизнинг учрашувимиз учун бир воситачи эди, холос. У ишини бажарди. Минг йил муҳаббатимиз синалди. Мени унутмаганингни билардим. Сени кўриш илинжида руҳим ором топмади.

– Марям... сенмисан чиндан?

– Ҳа, мен. Сенинг Маряминг. Энди бир умр бирга бўламиз. Сен жодудан қутуласан ва иккимиз минг йил олдин эришмаган бахтимизни топиб бирга қўша қариймиз.

– Қандай қутуламан ундан?

– Бу жодуни ҳеч кимга ошкор қилмадим, китобларда ёзмадим, фақат сен учун асрадим. Бошқалар ундан фойдаланишини истамадим.

Шундай дея қўлларимни унинг кўксига кўйиб ўлимтопмас жодусига якун ўқидим.

– Энди озодсан!

– Шунчалар осон ва тез... – Иброҳим кўзларимга тикилди. – Нега минг йил яшашга мажбур қилдинг мени, Марям?

– Яна қайта топишиш учун. Минг йилдан кейинги авлодим ниқобида бу дунёга қайтишни режа қилгандим. Бунинг учун сен ҳам шунча яшашинг керак эди. Биз бирга бўлишимизни истадим!

– Ха, фақат сен истадинг... мен эса доим айтганингга бош эгдим. Сен... сен мени чиндан севганмисан, Марям?

– Иброҳим... – ранжидим ундан, – сендан ўзгани демаганман.

– Унда... нега ўзга билан оила курдинг, мени изламадинг, сени топганимда эса мен билан кетмадинг?

Жавоб бергим келмади. Иброҳим қачонлардир жуда содда эди, фақат мени тинглаб ўтиришни ёктирарди. Ҳозир эса бундай гинали гаплари кўнглимга ўтирмади.

– Барини унутайлик. Азобли кунлар ўтиб кетди, ёруғ кунларга етдик!

– Марям. Биламан, бу гапим жаҳлингни чиқаради. Лекин... Нурангизни қайтар. У сенинг ғалати орзуларинг йўлида қурбон бўлиши керак эмас. Бугун у сўнгги жодусини амалга оширмоқда. Шундан кейин бахтли ва беташвиш ҳаётини бошлайди. У ўликлар ичра сарсон бўлишга муносиб эмас. Унинг жисмидан фойдаланишга ҳақинг йўқ асли!

Ҳафсалам тобора пир бўлмоқда эди. Қаршимда мен билган Иброҳим эмасди. У мени кучоқ очиб кутиб олишига ишониб ўтирибман...

– Фикримдан қайтмайман, мени биласану, Иброҳим, – дедим унинг юзларидан силаб.

– Марям! Кўзларингни юм ва ортингга қайт! Мен... мен сени севмайман. Севмаган эканман. Минг йиллик умр муҳаббат аслида нималигини билиш учун камлик қилди. Шундай бўлса-да, сенга интилган онларим шунчаки ҳавас бўлганини англадим. Айниқса, ҳозир. Сен ва мен... биз бегоналармиз.

Қаҳ-қаҳ отиб кулдим:

– Сен билишимча, ўша ворис қизни севиб қолгансан!

– Йўқ! Мен иккимиз ҳақимизда гапир-япман.

– Ҳа, ҳа! Худди шундай. Бунча уни кайтаришга уринасан? Ёнингда бўлиши учунми? Энди жодудан қутулдинг, балки у билан кечирарсан келгуси ҳаётингни?

– Марям...

– Бас. Мен ортга қайтмайман!

Шундай деганимни биламан, Иброҳим қўлларимдан маҳкам ушлади. Бўйнимда турган шарфни шарт ечди-да, бармоқларим орасига тикиштирди.

– Дуони ўқи ва қайтар уни!

Унинг важоҳатли юзини сира кўрмагандим. Қаршимда чиндан ҳам бошка Иброҳим турарди.

– Иброҳим...

– Ҳа, тўғри. Мен Нурангизни севаман. Буни сен айтмагунингча сезмагандим ҳам. Бир лаҳза уни йўқотиб... нақадар керак-лигини англадим. Марям, шунча йил сенинг ёдинг билан яшадим. Аммо бари сароб экан. Мен сенга эмас, муҳаббатимга интилган эканман. Ҳақиқий муҳаббатга! Буни эса Нурангизнинг беғубор кўзларида топдим. Мен усиз яшай олмайман. Тушун!

Ожиз жилмайдим. Иброҳимнинг кўзларига тикилар эканман, унда менга бўлган заррача туйғуни топмадим. Тўғри... мен ўз умримда бахтли бўлмадим. Иброҳимни

йўқотдим. Яна топиш илинжида шунча йил кутдим, аммо... Иброҳим ҳам мухаббатини йўқотмаслиги керак. Кечикдим, мен анча кечикдим.

– Алвидо, Иброҳим. Бари учун кечир мени... – шундай дея кўзларимни маҳкам юмдим ва дуони ўқидим. Яна йўқлик сари сингиб кетдим...

ЯНГИ ҲАЁТ

Ўзимга келганимда тонг ёриша бошлаганди. Билмадим, қанча вақт қабристонда қолиб кетдим, бироқ бу лаҳзалар йилларга ўхшарди. Кейин билсам, Марям менинг вужудимга кириб, мен билан ўрин алмашган экан. Бу ҳақда менга тепамда уйғонишимни кутиб, мижжа қокмай тонггача ўтирган Иброҳим айтди.

– Кечир, Нурангиз. Марямнинг бундай истаги борлигини билганимда, асло сени ҳаёлот оламига ташламас эдим. Сал қолса... Хайрият, бари ўтиб кетди. Ростдан ҳам ўзингсан-а? Тагин Марям ўйин қилаётган бўлмасин...

– Ўзим, – жилмайдим унга.

– Ҳа, табассуминг ўша. Танимай бўлмайди.

– Марямнинг истаги нима экан ўзи? Сизни жодудан халос этиш учун ўрнимга қайтган эканми?

– Ҳа... Ўзи боғлаган кишанини ечгани қайтган экан. Бор гап шу. Кейин қайтиб кетди. Сенга зиён етмаслиги учун жуда шошилдик.

– Арвоҳлар билан бир умр қолиб кетаманми, деб кўрқиб кетдим!

– Бунга йўл қўймасдим...

Иброҳимнинг меҳрли кўзларига боқдим. Шунда Марямнинг қайтиш лаҳзалари бирдан ёдимга тушди. У мени ортга қайтариш учун яна бағрига тортаркан:

– Иброҳимни бахтли қил... – деганини илғадим.

Бу ҳақда Иброҳимдан сўрамоқчи бўлдим, уялдим. Негадир ўзимни енгил ҳис этардим.

– Тақинчоғинг қани? – бўйнимга назар ташлади Иброҳим.

Қўлим билан ён-атрофимни пайпасладим.

– У нариги оламда қолиб кетдимикин?

– Балки Марям олиб қолгандир. Ўзига тегишли тақинчоғини... Агар шундай бўлса, бундан фақат хурсандман.

– Мен ҳам, Иброҳим. Борса келмас маконга кетган тақинчоксиз энди мен...

оддий инсонман. Жоду билан шуғуллана олмайман. Шунга ўзимни кушдек енгил ҳис этаётган эканман-да.

– Мен ҳам бошқачаман. Ҳатто уйқу-сизликдан бироз бошимга оғриқ кирди. Бош оғриғини бошдан кечирмаганимга нақ минг йил бўлган, ахир. Кўз тегмасин!

– Э, тавба! Истасангиз, бир умр бошингизни оғритиб яшайман, – деб юбордим беҳосдан.

– Ёнимда бўлсанг бўлди... – Иброҳим қўлини кафтимга босди.

...Орадан кўп ўтмай ойим чиройли дастурхон тузади. Мақсадлари мен учрашиб юрган йигит билан танишиш эди. Уларга Али исмли йигитнинг нобакорлигию, айни пайтда Иброҳим кўнглимни забт этгани ҳақидаги узун ҳикояни айтиб ўтирмадим. Ҳа, йиллар давомида дилимда бўлган махбубим у, фақат у эди. Меҳмондорчилик кўнгилли ўтди.

– Ишласангиз керак, Иброҳимбек, – ойим жилмайганча тинмай уни сўроқ қиларди. – Қизим сиз ҳақингизда кўп гапирмайди-да, айбга буюрмайсиз...

– Албатта. Ҳунармандчилик билан шуғулланаман. Ўз устахонам бор. Бунни жуда узоқ вақт орзу қилганман, ниҳоят эришдим.

– У ясаган буюмлар антиквар! – дедим гапга кўшилиб, – сайёҳлар учун махсус ясалади. Тадбиркорлар Иброҳимга буюртма беришади, иши кўплигидан бугун ҳам зўрға улгурди меҳмонингиз бўлишга.

– Хунарли киши хор бўлмайди, ўғлим. Қизим эса ўқиш, иш деб бирор хунарга қизиқмаган ҳам. Ҳали ҳам кеч эмас, тикувчилик ёки пазандачиликни ўрган, дейман...

– Тўғри. Эртагаёқ Фарангизни турли хунар курсларига ёздириб келаман. Ундан зўр пазанда чиқишига ишонаман.

Биз энди ростдан ҳам оддий инсонлар эдик. Беташвиш суҳбатлашар, кулишар, овқатланардик. Орзу қилгандим бу кунларни. Иброҳим иккимиз кечирган ҳар бир кун фақат ёруғ ниятларга тўла эди.

Ишхонамдан бир неча кунга рухсат олиб Бухорога ҳам бориб келдик. Иброҳим иккимизнинг муносабатимиздан хабар топган онам аввалига хайрон бўлди, сўнг оқ фотиҳа берди. Уларга тўй таклифномасини бериб қайтдик...

Бир куни Иброҳим менга сюрприз борлигини айтиб, кўзларимга лента бойлади. Машинадан тушгач, бироз юрдик.

– Марҳамат! – кўзларимни очганимда каршимда катта уй турарди. – Қани, кириб кўр-чи?

Секин ичкарига кадам босдик. Икки қаватли иншоотнинг ўртасида фаввора сув сочиб турарди.

– Оркасида чиройли боғи ҳам бор, – деди Иброҳим уйни таништирар экан.

– Кимнинг уйи бу? – хайрон бўлиб сўрадим.

– Бизники-да! Роса изладим, кўнглимга ёққани шу бўлди.

– Шунча пулни қаердан ола қолдингиз?

– Нима, минг йил яшаб, шунча ишлаб, пул тўплаб қўйишга улгурмайманми? – кулди Иброҳим. – Кўчиб юрганим учун шу пайтгача уй харид қилмаган эдим. Ўз уйинг бўлгани барибир бошқачада!

– Ха, жуда чиройли экан...

Мен шу пайтгача ойимнинг уйида яшаймиз, деб ўйлаб келгандим. Чунки Иброҳимнинг уйи йўқ эди. Энди эса бор. Ойимнинг ёлғиз қолишини ўйлаб ичимдагини айтдим:

– Ойим бизсиз зерикиб қолсалар керак...

– Нега энди? Ойингиз мана бу ерда яшайдилар. Зерикишга хожат бўлмайди

биз билан, — у биринчи қаватдаги каттарок хонага имо килди.

— Чинданми? — суюниб кетдим.

— Ахир ойингизни ёлғиз ташлаб қўёлмаймиз. Фарзанд бокиб, роҳатларини кўришлари керак-да.

Ичимда Иброҳимдан жуда миннатдор эдим.

— Юр, хоналаримизни кўрсатай... — у мени юқори қаватга олиб чиқди. Замонавий услубдаги жиҳозлар билан безатилган ётоқхона, меҳмонхона ва болалар хонасини кўриб лол қолдим. Бунча иш қилишга у қачон улгурди экан?

Ўша куни уйимиз ошхонасига керакли рўзғор буюмларини харид қилдик. То тўйгача уйни безатиш, либослар харид қилиш, таклифнома тарқатиш ва майдачуйда ташвишлар билан бўлиб иккимиз ҳам роса чарчагандик.

Баҳор кунларнинг ажойиб бир кунда тўйимиз бўлиб ўтди. Собик ўлимтопмас ва жодугарнинг никоҳ маросимида шукурки, ҳеч қандай кўнгилсизликлар содир бўлмади. Тўйда мен таниган ва танимаган барча инсонлар бизга чин дилдан бахт тилашди. Икки онажоним эса ҳаммадан ҳам шод эдилар. Шу тариқа, Иброҳим иккимизнинг бахтли ҳаётимиз бошланди.

...Биз митти фарзандларимизга танишув тарихимизни кўп сўзлаб берганмиз. У эртаклардагидек танишув эди. Биламиз, катта бўлиб қолишса, бу чўпчакка сира ишонишмайди:

«Йигит сеҳрланган эди. Кутубхоначи қиз эса уни жодудан халос бўлишига ёрдам берди. Иккиси бир-бирига кўнгил кўйишди. Чиройли тўй бўлди. Сўнг сизлар дунёга келдингиз... Улар дунёдаги энг бахтиёр оила экан!»



МУНДАРИЖА

Нотаниш йигит	3
Занжирдаги сир	9
Аҳмокона афсона	15
Илк жоду	20
Кундаликдаги битиклар	27
Лўли киз	32
Илк муҳаббат	37
Қочкинда	42
Минг йиллик жоду	49
Онамни излаб	59
Ошкор бўлган сир	63
Иброҳимнинг қарори	72
Янги меҳмон	76
Қабристондаги тун	81
Халос этилган умр	89
Иброҳимни излаб	95
Йилга тенг кунлар	101
Боскинчилар	108
Рухонийлар қамали	113
Кутилмаган кўмак	122
Ўзгача туйғулар	128
Никоб	135
Халоскорим	141
«Мен Марямман!»	147
Янги ҳаёт	151

Адабий-бадиий нашр

НОДИРАБЕГИМ ИБРОҲИМОВА

**ЖОДУГАР
ЁХУД
1000 ЙИЛЛИК ҲАЁТ**

Мухаррир	<i>М. Якубджанова</i>
Рассом-дизайнер	<i>У. Сулаймонов</i>
Техник мухаррир	<i>Б. Каримов</i>
Мусаххих	<i>Г. Арипова</i>
Кичик мухаррирлар:	<i>Д. Холматова, Г. Ерадиева</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>Ф. Ботирова</i>

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.
Босишга 2016 йил 13 июлда рухсат этилди.

Бичими 70x90¹/₃₂ Офсет қоғози.

«Virtek Peterburg Uz» гарнитурасида офсет
усулида босилди.

Шартли босма табағи 5,83. Нашр табағи 4,69.
Адади 3000. Буюртма № 16-441.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz



Нодирабегим Иброҳимова

Жондигар ёхид 1000 йиллик ҳаёт

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-703-7



9 789943 287037